

**ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ
ОЛИЙ ВА ЎРТА МАХСУС ТАЪЛИМ ВАЗИРЛИГИ**

**МИРЗО УЛУҒБЕК НОМИДАГИ
ЎЗБЕКИСТОН МИЛЛИЙ УНИВЕРСИТЕТИ
ҲУҚУҚШУНОСЛИК ФАКУЛЬТЕТИ**

Қўлёзма ҳуқукида

УДК 297.18

ЭРГАШЕВ АЛИЖОН БАХОДИРОВИЧ

**ЖАМИЯТ МАЪНАВИЙ ЮКСАЛИШИДА ИСЛОМ
ҚАДРИЯТЛАРИНИНГ ЎРНИ**

5A111601 -Маънавият асослари

Магистр

академик даражасини олиш учун ёзилган

ДИССЕРТАЦИЯ

**Илмий раҳбар:
фалсафа фанлари доктори,
профессор А.Э.Абдусамедов**

Тошкент-2013

М У Н Д А Р И Ж А

КИРИШ	3-7
I-БОБ ЎЗБЕК ХАЛҚИ МАЪНАВИЙ КАМОЛОТИДА ИСЛОМ ҚАДРИЯТЛАРИНИНГ ЎЗИГА ХОС ХУСУСИЯТЛАРИ	8-32
1.1. Жамият маънавий маданиятини шакллани- шида илк ислом қадриятларининг тутган ўрни.....	8-19
1.2. Мустақиллик йилларида маънавий маданиятимиз тақомилида ислом қадриятларидан фойдаланиш.....	20-32
II-БОБ ИСЛОМ ҚАДРИЯТЛАРИНИ ТИКЛАНИШИ- НИНГ ЁШЛАР МАЪНАВИЙ ОНГИНИ ШАКЛЛАНИШИДАГИ ЎРНИ.....	33-56
2.1. Диний қадриятлар ва ислом маънавиятининг тикланиши.....	33-45
2.2. Ёшларнинг маънавий онгини шаклланти- ришда исломий қадриятларнинг ўрни.....	45-56
III-БОБ МАЪНАВИЙ ТАҲДИДЛАР ВА УЛАРГА ҚАРШИ КУРАШИШ ВОСИТАЛАРИ.....	57-77
3.1. Маънавий таҳдидлар ва унинг зарарли оқибатлари.....	57-67
3.2. Диний барғикенглик – маънавий таҳдидларга қарши курашнинг муҳим мафкуравий воситаси.....	67-77
ХУЛОСА.....	78-79
ФОЙДАЛАНИЛГАН АДАБИЁТЛАР РЎЙХАТИ	80-86

КИРИШ

Магистрлик диссертациясининг долзарблиги. Жамият маънавий юксалиш омиллари хилма хил бўлиб, уларнинг ичида ислом қадриятлари алоҳида ўринга эга. Зеро, исломий қадриятлар асрлар давомида мусулмонлар онги ва қалбига чуқур сингиб, улар турмуш-тарзи, ҳаёт йўлини белгилашда миллий қадриятлар билан уйғунликда асосий мафкура вазифасини ўтаган.

Президентимиз Ислом Каримов таъкидлаганидек, “...дин азалдан инсон маънавиятининг таркибий қисми сифатида одамзотнинг юксак идеаллари ҳақ ва ҳақиқат, инсоф ва адолат тўғрисидаги орзу-армонларини ўзида мужассам этган, уларни барқарор қоидалар шаклида мустаҳкамлаб келаётган ғоя ва қарашларнинг яхлит бир тизимидир”¹. Бу ғоят теран ва чуқур фикрларда, умуман дин, хусусан ислом дини ва қадриятларининг инсон маънавиятининг таркибий қисми эканлигининг моҳияти асослаб берилган.

Мазкур магистрлик диссертацияси “Жамият маънавий юксалишида ислом қадриятларининг ўрни”га бағишланган бўлиб, мамлакатимизда ҳуқуқий демократик ва фуқаролик жамиятини шакллантириш жараёни кетаётган ҳозирги кунда ислом қадриятларининг бу борада тутган ўрнини фалсафий таҳлил қилишни кўзда тутди. Шу нуқтаи назардан мувзунинг долзарблиги қуйидагиларда намоён бўлади:

- глобаллашув шароитида ислом қадриятларининг халқлар маънавий маданияти тизимида ўзига хос хусусиятларни фалсафий таҳлили долзарбдир;

- мустақиллик шароитида аجدодлар мероси, шу жумладан ислом қадриятларининг тикланиши жараёнида унга бўлган ижобий ўзгариш мезонининг фалсафий таҳлил этиш диққатга моликдир;

¹ Каримов И.А. Юксак маънавият - енгилмас куч. –Т.: Маънавият. 2008. –Б. 36.

- миллий ва диний кадриятлар уйғунлиги ёшлар маънавий онгини шакллантириш воситаси эканлигини кўрсатиш зарур;

- маънавий таҳдидлар халокатли куч эканлигини ҳамда диний фундаментализм ва экстремизм моҳиятини очиш билан уларни бартараф қилиш йўллари асослаш ғоят муҳимдир;

- диний бағрикенгликнинг ислом динига хос томонларини асослаш ва ёритиш бугунги кун талабидир.

Магистрлик диссертациясининг ўрганилганлик даражаси: Диний ва фалсафий таълимотлар ривож тарихида шахс ва жамият муносабатлари муаммосига турлича ёндашув ва талқинлар ишлаб чиқилиб, салмоқли асарлар яратилган. Масалан, “Авесто”, Афлотуннинг “Қонунлар”, Арастунинг “Сиёсат”, “Этика”, “Риторика” каби манбаларда шахс ва жамият муносабатларини тўғри олиб борилишида ижтимоий ҳаёт ҳамда диний-фалсафий билимларнинг ўрни ҳақида сўз боради. Бундан ташқари дунё динлари тарихида шахс ва жамият муносабатлари масаласи муҳим ўрин эгаллаб, муқаддас китоблар Авесто, Ригведа, Забур, Таврот, Инжил ва Қуръон кабиларда², шунингдек, у билан боғлиқ фалсафий қарашларда ҳам ўз аксини топган.

Дарҳақиқат, Марказий Осиё мутафаккирлари ижодида шахс ва жамият муносабатлари, уларни диний-фалсафий жиҳатлари ҳақидаги ғоялари бизгача етиб келган. Айниқса, мустақиллик шарофати билан аждодларимиз мероси қайта тикланиб, уни чуқур ўрганиш ва фойдаланиш имкони вужудга келди. Мазкур масаланинг назарий-методологик ва амалий аҳамияти Президент И.Каримовнинг асарлари, нутқлари ва суҳбатларида ўз ифодасини топган. Хусусан, шахс маънавий камолида ислом динининг аҳамияти тўғрисида шундай деган эдилар: “Ислом динининг маданий кадриятлар ва анъаналари, жаҳон миқёсида ислом дини қолдирган жуда улкан маънавий мерос нафақат минтақамизнинг тарихий ривожланишига кўп жиҳатдан қўшилган

² Комилов Н. Тасаввуф ёки комил инсон ахлоқи. –Т.: Ёзувчи, 1996. 3-б.

хиссани, балки унинг хозир шаклланиб бораётган сифат жиҳатдан янги қиёфасини ҳам белгилаб бермоқда”³.

Истиқлол туфайли шахс ва жамият маънавий камолотида ислом кадриятларининг аҳамиятини ўрганиш юзасидан олимлар бир қатор тадқиқотлар олиб боришган. Хусусан Д.О.Ортиқова, И.Р.Хўжамуродов, И.Э.Худойбердиев, М.Маматов, Ғ.С.Қараматов, Ф.А.Примова, З.Э.Маркаев, Т.К.Комилова, М.Т.Тожибоев, Н.М.Мусаева, А.А.Қамбаров, Ю.М.Яқубов, М.А.Каримова⁴ ва бошқалар.

Юқорида тилга олинган тадқиқотларнинг аксарияти шахс ва жамият муносабатларига жамиятшунослик, ахлоқшунослик ва ижтимоий-фалсафий фанлари нуқтаи назаридан ёндашилган. Шу боис мазкур магистрлик диссертациямизда ислом кадриятларини жамият маънавий камолотидаги аҳамияти диний анъаналар ва бағрикенглик нуқтаи-назаридан ёритишга ҳаракат қилдик.

Магистрлик диссертациясининг мақсади: Ислом динида шахс ва жамият муносабатларининг диний, фалсафий жиҳатларини мустақиллик шароитида миллий ғоя негизларига таянган ҳолда, унинг инсон

³ Каримов И.А. Ўзбекистон XXI аср бўсағасида: хавфсизликка таҳдид, барқарорлик шартлари ва тараққиёт кафолатлари. / Хавфсизлик ва барқарор тараққиёт йўлида. –Т.: Ўзбекистон 1998. Т.6. 57-б.

⁴ Ортиқова Дилбар Ортиқовна “Исломнинг хотин-қизлар муносабатидаги реал ва мавхум ахлоқий кадриятлар” ф.ф.номз., –Т.: Ал-Беруний номидаги ТДТУ 1993. 170 бет., Хўжамуродов Иброҳим Рўзиевич “Ўзбек халқи миллий (этник) ўз-ўзини англашнинг шаклланиши муаммолари ва унга исломнинг таъсири” –Т.: ТошДУ 1994. 358 бет., Худойбердиев Исматулло Эгамбердиевич “Ислом ва ўзбек халқининг миллий онги ҳамда психологиясининг шаклланиши” –Т.: ТошДУ 1997. 301 бет., Маматов Махмуд “Қишлоқ ёшларининг маънавиятини шакллантириш, унга маънавий ва диний кадриятларнинг таъсири” ф.ф.номз. –Т.: 1998. 140 бет., Қараматов Ғайрат Саъдуллаевич “Ислом фундаментализми ва унинг ижтимоий-сиёсий моҳияти” ф.ф.номз. –Т.: 1999. 136 бет., Примова Фотима Абдурахмоновна “Оилавий муносабатларни шаклланишида маънавий ва диний кадриятларининг тутган ўрни” ф.ф.номз., –Т.: ТошДУ 1999. 133 бет., Маркаев Зокир Эшқулович “Мустақиллик шароитида ўзбек халқининг маънавий маданияти ва унинг тараққиётига исломнинг таъсири” –Т.: ТошДАУ 2000., Комилова Турсунон Кулмаматовна “Мустақиллик шароитида жамият маънавиятини ривожлантиришнинг хусусиятлари” ф.ф.номз., –Т.: Фалсафа ва ҳуқуқ инс., 2001., Тожибоев Музаффар Турдибоевич “Ўзбекистон мустақиллиги шароитида маънавий кадриятларнинг тикланиши ва ривожланиши” –Т.: АНДУ 2001., Мусаева Нодира Махмудовна “Исломнинг маънавий-ахлоқий фазилатларини шаклланишида ҳадисларнинг роли” –Т.: ЎзМУ. 2001. Қамбаров Абдумутал Аҳаджанович “Жамиятнинг маънавий янгиланиши жараёнида илмий кадриятларнинг роли” –Т.: ФарДУ 2006. 163 бет., Яқубов Юсуф Мингишевич “Ислом таълимотида шахс ва жамият муносабатлари масаласи” –Т.: ТошДАУ 2008. 150 бет. Каримова Муяссархон Абдукаюмовна “Ўзбекистонда хотин-қизларни ижтимоий муҳофазалашда исломий кадриятларнинг ўрни” –Т.: ЎзМУ 2008. 142 бет.

ижтимоий-маънавий камолотидаги аҳамиятини диний қадриятлар ва бағрикенглик нуқтаи назаридан асослашдан иборатдир.

Магистрлик диссертациясининг вазифалари:

- жамият маънавий маданиятини шаклланиши жараёнида илк ислом қадриятларини тарғиб қилишнинг ўзига хос хусусиятларини очиб бериш;
- мустақиллик йилларида ўзбек халқи маънавий маданиятини янада ривожлантиришда ислом қадриятларининг муҳим омил эканлигини ёритиш;
- мамлакатимизда диний қадриятлар ва ислом маънавиятининг тикланиши бўлган эътибор ва унинг ҳозирги кундаги аҳамиятини фалсафий жиҳатдан асослаш;
- миллий ва диний қадриятлар ёшларнинг маънавий онгини шакллантиришдаги ўрнини диний экстремизм ва фундаментализмнинг жамият ҳаётига салбий таъсирини таҳлил этиш;
- мавзунини янада чуқурроқ ўрганишга қаратилган таҳлил ва хулосалар ишлаб чиқишдан иборат.

Магистрлик диссертациясининг объекти ва предмети: Тадқиқот объекти: шахс ва жамият маънавий камолотига эришиш масаласи. Тадқиқот предмети: ислом қадриятларида шахс ва жамият маънавий камолотига эришиш тўғрисидаги қарашларнинг диний-фалсафий билимлар билан боғлиқлигидир.

Магистрлик диссертациясининг методлари: ворисийлик, тарихийлик ва мантиқийлик, анализ ва синтез ҳисобланади.

Ўзбекистон мустақилликка эришганидан кейин аждодларимиз маънавий-маданий меросини, хусусан, исломий қадриятларини тиклаш борасида давлат сиёсатининг таҳлили:

- аждодлар меросини тиклашда ислом қадриятларига муносабатнинг ўзига хослиги;
- халқлар маънавий маданиятини шаклланишида илк ислом қадриятлари таъсирини илмий асосланиши;

- ўзбек халқи маънавий маданиятини шаклланиш усуллари, миллий ва ислом кадриятларини ўрни;

- маънавий таҳдидларга қарши курашишда диний бағрикенглик муҳим мафкуравий омиллигини илмий асослаш.

Магистрлик диссертациясининг илмий янгилиги:

- ислом дини пайдо бўлган дастлабки даврларда илк ислом кадриятлари жорий этиш мураккаб жараёнда кечганлиги кўрсатилган;

- илк ислом кадриятларини халқимиз маънавиятига сингдиришда ватандош омилларнинг тутган ўрни илмий асосланган;

- маънавий маданият тақомилида миллий ва исломий кадриятлар уйғунлиги кўрсатилди;

- ислом кадриятлари ёшлар маънавий онгини шакллантирувчи муҳим омилларданлиги аниқланди.

Магистрлик диссертациясининг назарий ва амалий аҳамияти:

Диссертациянинг назарий аҳамияти шундаки, унда илгари сурилган назария, қоида, концепция, ғоя ва хулосалардан фалсафий-тарихий манбаларни ўрганишда, ёшларни маънавий онгини юксалтиришда, илмий дунёқарашни шакллантиришда фойдаланиш мумкин.

Диссертациянинг амалий аҳамияти шундаки, ундаги материаллардан олий ўқув юртларида “Маънавият асослари”, “Маданиятшунослик”, “Диншунослик”, “Этика”, “Эстетика” ва шунингдек бошқа ижтимоий-гуманитар фанлари бўйича тегишли мавзуларни ўқитишда ҳамда давра суҳбатлари, савол-жавоб кечаларида фойдаланиш мумкин.

Магистрлик диссертациясининг тузилиши ва ҳажми. Диссертация кириш, учта боб, олтита параграф, хулоса ҳамда фойдаланилган адабиётлар рўйхатидан иборат.

I БОБ.ЎЗБЕК ХАЛҚИ МАЪНАВИЙ КАМОЛОТИДА ИСЛОМ ҚАДРИЯТЛАРИНИНГ ЎЗИГА ХОС ХУСУСИЯТЛАРИ

1.1. Жамият маънавий маданиятини шаклланишида илк ислом қадриятларининг тутган ўрни

Ўзбек халқи маънавий маданиятини шакллантириш жараёнида илк ислом қадриятларининг ва юртимиздан етишиб чиққан ислом алломаларининг тутган ўрни ва роли бениҳоя каттадир. Бунда биз, юртбошимиз Ислом Каримов айтганидек, «...мана шу қутлуғ заминимизда туғилиб вояга етган, муборак номларини бутун ислом дунеси чексиз эҳтиром билан тилга оладиган Имом ал-Бухорий, Имом ат-Термизий, Хожа Бахоуддин Накшбанд, Ахмад Яссавий, Абдуҳолик Ғиждувоний, Замахшарий каби пири комилларимизни назарда тутамиз. Маънавий ҳаётимизни мана шу улуғ номлар билан боғлаймиз»⁵. Давлат раҳбаримиз «Туркистон пресс» агентлиги мухбирининг саволларига берган ана шу жавобларида нима учун истиқлолнинг дастлабки кунларидан эътиборан шу улуғ бобокалонларимизнинг табаррук номларини тиклашга киришган эдик деган савол бериб, унга бундай жавоб берган: «Чунки бу буюк инсонларнинг буюк номлари, ўчмас мероси муқаддас динимиз билан чамбарчас боғланиб кетган, уларни бир-биридан ажратиб бўлмайди. Биз динимизни бу улуғномларсиз, бу улуғ номларни эса динимизсиз тасаввур эта олмаймиз»⁶.

Ислом Каримов бу аждодларимизнинг муқаддас меросидан бутун халқимизни, жумладан ёшларимизни ҳам баҳраманд қилишга, уларни мана шундай маънавий маданият муҳиtida камол топтиришга, исломнинг инсонпарварлик фалсафасидаги шу буюк ғояларни ёшлар қалбидан жой олдиришга шароит яратаётганимизни таъкидлаб, бундай деган эди: «Бошқача айтганда, биз фарзандларимизни дунёвий билимлар билан бир қаторда Имом Бухорий тўплаган ҳадислар, Нақшбандий

⁵Каримов И.А. Оллоҳ қалбимизда, юрагимизда. «Ўзбекистон овози» гезатаси. 1999 йил, 6 март.

⁶Ўша манба.

таълимоти, Термизий ўғитлари, Яссавий хикматлари асосида тарбия қилмоқдамиз»⁷.

Бу атоқли уламолар орқали исломнинг халқимиз маънавий маданияти камолотидаги ролига берилаётган юксак баҳонинг исботи сифатида, И.Каримов динга оид минглаб китоблар нашр этилгани, масжиду мадрасалар обод қилингани, уларнинг қабрлари ҳақиқий зиёратгоҳларга айлантирилганини эслатган.

Ўзбек халқининг маънавий камолоти ривожда айниқса, илк ислом қадриятларининг ҳамда дин арбобларининг тутган ўрни ва ролига объектив баҳо берган кишилардан бири Юртбошимиз Ислам Каримовдир. Бу фикрни исботи учун раҳбаримизнинг Олий Мажлиснинг 1-мажлисида (1996 йил 23 феврал) қилган маърузасида баён этган қуйидаги ғояларини қайд қилиб, тўла ишонч ҳосил қилиш мумкин. Унда шундай дейилган эди: «Ислам дини - бу ота-боболаримиз дини, у биз учун ҳам иймон, ҳам ахлоқ, ҳам диёнат, ҳам маърифат эканлигини унутмайлик. У қуруқ ақидилар йигиндиси эмас. Ана шу маърифатни кишиларимиз жон-жон деб қабул қиладилар ва яхши ўғитларига амал қиладилар ва меҳр-оқибатли, номусли, ориятли бўлишга, иззат-эҳтиром тушунчаларига риоя этишга ҳаракат қиладилар»⁸.

Бу теран, ғоят чуқур фикрларда маънавий покланишни унутмаслик, бу йўлдаги тараққиётимизга ғов бўладиган риёкорликдан тезроқ фориғ бўлайлик мазмундаги даъватларни олға суриб бунга эришишда дин, хусусан ислом дини муҳим рол ўйнагани ва ўйнаши мумкинлигини исботлаб яна бундай деган эди: «Қўхна тарихимизнинг қайси даврини эсламайлик, дин ҳар доим одамларни ўз-ўзини идора этишга, яхши хислатларини кўпайтириб, ёмонликдан ҳалос бўлишга чақирган. Ҳар бир алоҳида инсонга, оила, жамоа, минтақа, умумхалққа раҳнамо бўлган. Уни оғир-оғир синовларга бардош беришга, ёруғ кунларга интилиб

⁷ Каримов И.А. Оллох қалбимизда, юрагимизда. «Ўзбекистон овози» гезатаси. 1999 йил, 6 март.

⁸ Каримов И.А. Ўзбекистоннинг сиёсий-ижтимоий ва иқтисодий истиқболининг асосий тамойиллари. –Т.: Ўзбекистон, 1995. –Б. 54.

яшашга даъват қилган, ишонтирган. Бундай даъват ўз навбатида одамларга куч-қувват бағишлаган, иродасини мустаҳкам қилган, бирига меҳру оқибатини оширган»⁹. Давлатимиз раҳбари дин одамларни эзгу мақсадларга эришиш йўлида бирлашишга, ҳамжихат бўлишга ундаётганлигини, халқимиз ҳаёт фаолиятида муҳим ўрин эгаллаган «отанг боласи бўлма, одам боласи бўл» деган нақлнинг ҳаётчанлигида ҳам диний ақида ва ҳуқ-одобнинг ҳизмати борлигини таъкидлаб, қуйидаги мантиқий хулосани чиқарган эди: Демак, дин халқ маънавиятининг, маърифатининг юксалишига катта ҳисса қўшиб келган экан бугунги давлатчилигимиз ҳақида сўз юритганда, режалар тузганда динни, энг аввало ҳам миллий, ҳам умуминсоний қадрият сифатида эътиборда тутишимиз керак»¹⁰.

Шу нарса аёнки, ўзбек халқи маънавий маданияти ривож тарихида ислом дини ҳам диний, ҳам умумбашарий қадрият сифатида диний ва дунёвий илмларнинг муштараклигини тарғиб қилган.

М.Имомназаров жуда ўринли таъкидлаганидек, «Ислом дунёсида ўрта аср Европасидан фарқли ўлароқ дин ва илм, эътиқод ва моддий дунё амалиётлари ҳеч қачон жиддий зиддиятлар бўлган эмас; чунки у дунё ва бу дунё саодати уйғунликда қаралади, уларнинг бири-бирига зид қўйилиши мақбул топилмайди». Бу ўринда Ибн Рушднинг икки ҳақиқат назариясининг ифодаси намоён бўлади.

«Исломнинг илм-фанга, олимларга таъсири натижасида мумтоз адабиётда, «Хамса» туркумининг пайдо бўлиши, - деб ёзган эди. М.Имомназаров, - бежиз эмас. Беш намозни ҳам исломда «ал-хамсун» дейилади. Навоий ўз асари «Хамса» дostonларини беш вақт намозга қиёс этган. Инсоннинг Ҳақ олдидаги маъсулияти бу босқичда моддий борлиқнинг ҳар бир унсури, ер ва сув, ҳар бир қўкат ва бута, ер юзида халифа қилиб яратилган ҳар бир инсонни эъзозлаш,

⁹Каримов И.А. Ўзбекистоннинг сиёсий-ижтимоий ва иқтисодий истиқболининг асосий тамойиллари. –Т. Ўзбекистон, 1995. –Б. 54.

¹⁰ Ўша манба. –Б. 55.

уларни тушунишга интилиш, шахснинг ҳаётдаги ҳар бир қадамига маъсулият билан ёндошуви маъносида талқин этилган». Бунинг исботи учун халифатда «Донишмандлар уйи» нинг вужудга келишини далил деб ҳисоблашимиз мумкин.

«Донишмандлар уйи» нинг юзага келиши, - деб ёзган эдилар. М.Хайруллаев ва Р.Боҳодиров, - дунёвий билимларга қаратилган куч-қувватларни жамулжам қилиш ва уларга томон интилишларни қўллаб-қувватлаш имкониятини берган; бу интилишлар ўша даврга келиб, халифатнинг турли маданий марказларида кенг миқёсда кучайган эди». Бироқ ижтимоий-тарихий жараёнларнинг мураккаблиги, турли хил диний ва сиёсий оқимларнинг мавжудлиги, турли мамлакатда маданиятда эришилган ютуқларни ўзлаштириш, табиий-илмий билимларнинг ривожланиши халифаликнинг маънавий, маданий ҳаётида келиб чиқадиган диний ва дунёвий оқимларнинг хилма-хил бўлишига ва зиддиятлилигига олиб келган.

Маълумки, VIII асрдаёқ мусулмон ақидавий таълимоти Калом юзага келган. Каломнинг тарафдорлари - мутакаллимлар ҳақида фикр юритиб, исломнинг энг йирик мафкурачиси бўлиб, улар ҳақида фикр билдирганлардан бири Абу Хамид ал-Ғаззолийдир. У бундай деб ёзган эди: “Уларнинг мақсади Суннатга эътиқод қиладиган кишиларнинг иймон тамойилини сақлаб қолишдан, уни ўзлари ўйлаб топган янгиликлар билан бирга бидъатчилар киритаётган чалкашликлардан муҳофаза қилишдан иборат эди”.

Илк ислом қадриятлари ичида ирода эркинлиги ҳақида муътазалийлар олға сурган таълимот муҳим аҳамиятга эга. Улар одам ўз ҳатти-ҳаракати ва фаолиятида танлаш эркинлигига эгадир деб ҳисоблаганлар.

Бу даврда Марказий Осиёда Ислом кенг тарқалган мамлакатлардан бўлиб, у ҳукмрон мафкура вазифасини бажараётган эди. Марказий Осиё мутафаккирларининг аксарияти араб тилида ижод қилганларига қарамай,

Ўз халқининг вакиллари сифатида унинг тарихи, маънавий-маданияти, урф-одатларини ҳурмат қилганлар, ҳамда уни ривожлантиришга ва янада бойитишга ҳаракат қилганлар. Бунинг натижасида IX-XII асрларда Марказий Осиёда ғоят ривожланган табиий илмий билимлар ва ижтимоий-фалсафий фикрлар вужудга келди. Улар таъсири остида илк исломда ҳурфикрлиликнинг дастлабки шакллари-икки хил ҳақиқат назарияси, пантеизм, деизм каби оқимлари вужудга келди. Унга муйаян бир давр мабойнида инсон ирода эркинлигига эга эканлигини тан олган мўътазаллийликнинг рационалистик ғоялари ҳам ижобий таъсир этди. Буларнинг таъсирида эса ўрта асрларда яшаб ижод этган олим ва мутафаккирлар ижодида ҳурфикрлилик ғоялари кенг илдиз отди.

Умумлаштириб олсак, VIII-X асрлардаги маънавий маданий ҳаётда бир-бирига зид оқим шаклланган эди; буларнинг бири ортодоксал исломни ва унинг ақидавий илоҳиёти - каломни ифодалаган эди; иккинчи оқим эса, табиат ва унга суянган ҳолда ақл устиворлигини тан олишга асосланадиган фалсафа эди. У расмий диннинг меъёрларидан юз ўгиришга муайян даражада йўл қуйган эди.

Илк ислом мусулмонларга реал оламдан, ер юзидаги ҳаётдан, урф-одатдан юз ўгириб мутаассибларча ҳаёт кечиришни асло буюрилмаган. Ҳадисларда таълим берилишича, Аллоҳни таниш учун ҳам киши ақлли, билимли, маърифатли бўлиши шарт. Унинг комил инсон, фозил мўмин бўлиши учун дунёвий билим, худди шундай ахлоқ канчалик зарур бўлса, унинг маънавий маданият жиҳатидан бой, ахлоқий томондан ҳалол, пок, баркамол бўлиши диний таълимот ва ахлоқ учун ҳам шунчалик зарурдир.

Бу фикрларни далиллаш учун қуйидаги ҳадисларга мурожаат қилишимиз: уларда билим, илм, маърифатни эгаллашга қаратилган даъватлар жуда кўп учрайди. Қуръоннинг кўпгина оятларидаги каби ҳадисларда ҳам мусулмонларни билимли, маърифатли, ўқимишли, ақл-фаросатли бўлишга чақирилган даъватлар ғоят кўп. Чунончи «1001

ҳадис» тўпламига киритилган 126-ҳадисда «Илму ҳунарни Хитойдан бўлса ҳам бориб ўрганинг» дейилган. Баъзилар бу ҳадисда нима сабабли Хитойга нисбат берилган деб таажжубланишлари ҳам мумкин. Бизнингча, бунда илм-ҳунар қайси мамлакатда, қайси тилда тараққий этганидан қатъи назар ўрганишга лойиқ ва жоиздир деган мазмун бор.

141-ҳадисдаги даъват ҳам инсон учун жуда зарурий, унга оғишмай амал қилса, ғоят фойдали қуйидаги ўғит ҳисобланади: «Олим илм берувчи бўл ёки тингловчи бўл ёки илмга, илм аҳлига муҳаббатли бўл. Бешинчиси бўлма, ҳалок бўласан».

Илм ва илм аҳлига бўлган илиқ ва самимий муносабат Шарқ, хусусан, Ўрта Осиё мусулмонлари ҳаётида жуда катта инсоний фазилат ва неъмат саналган. Бу ҳолнинг ҳадисларда зикр этилганлиги эса нафақат илм ва олимларнинг, балки уларга қаратиладиган муносабатларнинг ахлоқий аҳамиятини анча кучайтирган.

147-150-ҳадисларда хайр-садақа ҳақида фикр-мулоҳаза киритилар экан, «Садақанинг афзали мусулмон киши илм ўрганиб, сўнгра бошқа биродарларига ўргатишидир» дейилган. Бу оқилона даъватга кўра, ҳар бир мўъмин ўзи ўзлаштирган илмини, билимини ўзгаларга ҳам ўргатиши, улар билан баҳам кўриши ҳам фарз, ҳам қарз ҳисобланган.

Маълумки, ҳадисларнинг ҳар бир ривояти моҳиятан суннат, яъни бажариш-бажармаслик ихтиёрий ҳисобланади. Шунга қарамай, юқоридаги ҳадисда илм олиш фарз ҳисобланиб, бу амалга мажбурийлик мақоми берилган.

535-536-ҳадисларда эса илм олишнинг хосияти янада жиддий баён этилган. Масалан, буларнинг бирида «Толиби илмга ҳар бир нарса истиғфор айтади,хатто денгиздаги балиқлар ҳам» дейилган, истиғфор араб тилидан олинган сўз бўлиб, гуноҳларни кечиришни яратгандан илтижо қилиш деган маънони билдиради. Мазкур ҳадисларнинг иккинчисида эса бир соат илм ўрганиш, бутун кечаси билан нафл намоз ўқиб чиққандан афзалроқдир; бир кун илм ўрганиш уч ой рўза тутганга

қараганда яхшироқдир, деган ғоят ибратли, кўп ҳикматли ва ғоят фойдали даъват ёзилган.

Булардан кейинги ҳадисларнинг бирида «Илму-ҳикмат соҳиблари суҳбатига қаратилган кишилар» ҳам яхши фазилатли кишилар қаторига киритилган. Бу соҳада халқимиз орасида кенг тарқалган «Нодон билан ош егандан кўра, донодан мушт еган афзал» деган мақолни мисол тариқасида келтириш жоиздир.

Ҳадисларда илм, маърифати фақат оғиздагина қабул қилинмасдан уларга амал қилиш шарт эканлиги ҳам уқтирилган. Масалан, «Илмга амал ва риоя қилувчи бўлинглар; уни фақат хикоя қилувчилар бўлманглар» дейилган.

Ҳадисларда ҳам илм толиби бўлиш ниҳоят яхши фазилат эканлиги таъкидланган. Шу билан бир қаторда илм толибларига яхши фазилат эгаси бўлиш шarti ҳам баён этилган. Чунончи, 538-ҳадисда «Илмга амал қилган киши ғоят яхши шахс» бўлиши зарур эканлиги уқтирилган.

Мусулмоннинг шахсий ва ижтимоий манфаатлари учун, жамият эҳтиёжлари, жумладан мустақилликни мустаҳкамлаш манфаатлари учун ҳадисларнинг аҳамияти катта. Уларда мўъмин-мусулмонга фақат тоат-ибодатбилангина шуғулланиб, моддий ва маънавий манфаатларни ғойибдан кутиб, ёшликда ўқимай, улғайганда ишламай юриш бемаънилиги ҳам уқтирилган. Бу эса ҳозир ана шундай нуқсонга чалинган кимсаларга тегишлидир.

Ҳадисларда илм ва касб-ҳунар, олимлик ва донишмандлик, маънавият ва маърифат каби улуғ фазилатлар тўғрисида олга сурилган ғоялар ўз вақтида Ўрта Осиё мутафаккирлари, ёзувчи ва шоирлари Беруний, Форобий, Ибн Сино, Навоий, Бобур, Машраб каби алломаларга ҳам катта таъсир қилган; уларнинг илмий ижодлари ва амалий ишларида ўзига хос дастур бўлган. Масалан, ҳазрати Навоий «Маҳбуб ул Қулуб» да ғоят ўринли равишда баҳил олимни ёғинсизбулутга ўхшатганлар; ундан на соя бору, на ҳаён фойда йўқ. Яна шу асарда бу

Улуғ олим бундай деганлар: «Эй донишманд, илм истовчи, сендан илм талаб қилса, сен уни бу мақсаддан маҳрум қилмагин, сенинг илмингдан у истифода қилмоқчи экан, монеълик қилмагин, бахиллик йўлини тутмагин». Навоий Ҳадисларни чуқур ўрганиб, «Арбаин ҳадис», яъни «Қирқ ҳадис» асарида илм-маърифатга даъватларни теран фалсафий тарзда шарҳлаган, уларга дунёвий талқин берган, асл шеъриятда тараннум этган. Бу қирқ ҳадисга берилган шеърий шарҳлар орасида илм маърифатга бевосита тааллуқли бўлган тўртликлар анчагина бор. Ёш илм толиблари - йигитларга мурожаат этиб, Мир Алишер даъват этган: «Йигитликда йиғ илм мағзини, кексайганда қатра-қатра харж қил они». Бу даъватни янада кенгайтириб, у улуғ зот «Эр кишига зебу зийнат - ҳикмат ва донишдир» деганлар.

Хулоса шуки, биринчидин илк ислом қадриятлари ҳадислар орқали тарғиб чиқилиб, кишилар маънавиятини шакллантиришга қаратилган; иккинчидан юқорида намуна шаклида келтирган ҳадислар ва уларнинг акс-садоси сифатидаги ғоялар ҳозир ҳам ўз долзарблигини йўқотмаган. Ҳадислардаги билим-маърифатни эгаллашга даъватлар республикаимиз мустақиллигини мустаҳкамлаш учун курашда, умумий ўрта таълимни ривожлантиришда ғоят муҳим амалий аҳамиятга эгадир; учинчидан, истиқлол ва унинг истиқболи учун чуқур билимли, юксак онгли, бой маънавиятли, ўткир ақлли, ҳар томонлама маданиятли, доно зиёли, мутахассислар керак.

Халқимиз маънавий маданиятини шакллантириш жараёнида илк ислом қадриятларининг тутган ўрни ва бажарган ролига баҳо бераётганда бу дин билан бирга кириб келган араб тилининг аҳамиятини ҳам унутмаслигимиз керак. «Маънавият юлдузлари» асарининг муаллифлари ўринли тарзда қайд қилганларидек, «Араб тили Марказий Осиёни ислом дини, араб дунёси, бу тил- яратилган маданий-маънавий бойликлар, қилинган таржималар ёрдамида Қадимги ислом илмий маданий бойликларидан баҳраманд бўлишга олиб келган». Айни вақтда

бу ўлкага араб тили билан кетма-кет кириб келган форс тили эса «қадимги ва ўрта асрдаги Эрон маданиятини, шеъриятини чуқурўрганиш, маданий алоқаларни ривожлантириш имконини берган».

Лекин бу икки тилнинг ёйилиши ўзбек халқи аجدодларининг асл тилибўлган туркий тилнинг бу халқнинг миллий тилига айланишига, маънавий маданиятни бойитишига асло тўсиқ бўла олмаган. Халқимизнинг маънавий маданиятини шакллантириш шароитларида илк ислом қадриятларининг тутган ўрникатта бўлганлигини Исмоил Бухорий таваллудининг 1225 йиллигинингўтказилиши мисолида ҳам яққол кўришимиз мумкин.

1998 йил октябрида унинг 1225 йиллиги тўйи тантаналари ўтказилди. Унда 40 га яқин мамлакатлардан вакиллар қатнашдилар. Яна ЮНЕСКО, Ал-Бабтийн жамғармасининг халқаро нуфузли ташкилот намоёндалари ҳам келганлар. «Имом ал-Бухорий ва унинг жаҳон маданиятида тутган ўрни» мавзусида халқаро конференция ўтказилган.

Юбилей муносабати билан Челақ туманида бу уламо хотирасига бағишлаб илгари қурилган мажмуа ғоят кенгайтирилиб, ҳашаматли меъморчилик комплекси қурилиб, беқиёс саждагоҳга айлантирилган. Бу ёдгорлик мажмуининг очилишига бағишланган маросимда нутқ сўзлаган Исом Каримов Бухорийнинг маънавий маданиятга қўшган беназр ҳиссасига юксак баҳолар берган эди. «Биз, - деган эди нотик, - шиори эзгулик бўлган бутун дунёдаги аҳли ислом қатори, динимизни доимо пок ва соф сақлашга интилиб келганмиз ва шу йўлдан асло қайтмаймиз. Шунинг учун ҳам динимиздан ҳар хил ғаразли ва нопок мақсадлар йўлида фойдаланишга мутлақо қаршимиз»¹¹.

Бу алломанинг фақат ўзбек халқининггина эмас, бутун мусулмонларнинг ифтихори ҳам эканлигини қайд қилиб, юртбошимиз бу мўътабар зотнинг ҳаёти илмий, инсоний жасорат, букилмас ирода,

¹¹Каримов И.А. Имом ал-Бухорий ёдгорлик мажмуининг очилишига бағишланган маросимда 1998 й. 23 октябрда сўзлаган нутқи. “Ўзбекистон овози” гезатаси. 1998 й. 24 октябр.

сўнмас эътиқод тимсоли эканлигини таъкидлаб, машҳур муҳаддис Имом Муслимнинг бу аллома ҳақидаги қуйидаги эътирофини келтиртан эди: «Эй, устозларнинг устози, муҳаддисларнинг султони, ҳадисларнинг табиби! Пойингизни ўпишга ижозат беринг!» дея қилган хитоби аҳли исломнинг улуг бобомизга ҳурмат ва эътирофи нақадар юксаклигини кўрсатади¹².

Нутқда Имом Бухорий инсониятга бекиёс маънавий, маданий мерос қолдириб кетганини, унинг гултожи энг ишонган ҳадислар мажмуи «Ал-Жомеъ ас-Саҳих» исломда ғоят эъзозланиб, у башарият бунёд этган китобларнинг энг улуғлигини таъкидлаб бундай дейилган эди: «Алломанинг ўлмас мероси ҳар бир юртдошимиз хонадонига кириб, онгу тафаккуримизни равшан этмоқда. Қалбларимизни иймон нури ва меҳр оқибат туйғулари билан мусаффо этмоқда». Биз, деган эди яна Исом Каримов ўз нутқида, “эски тузум ва мафкура зуғумидан халос бўлгач, ўзлигимизни, қандай улуг инсонларнинг авлоди эканимизни, қандай бой, бетакрор маънавий мерос ворислари эканимизни англаш, миллий қадриятларимизни тиклаш йўлида тарихда ўчмас из қолдирадиган кўпгина савобли ишларни амалга оширдик. Ана шулардан бири ушбу мажмуа бўлиб, юртимиз кўркига кўрк қўшадиган ёдгорлик сифатида ҳар бир юртдошимизни мамнун этиши, қалбида ғурур уйғотиши табиийдир”¹³. Ҳозирда, минглаб юртдошларимиз бу саждагоҳга келиб, чексиз мамнун бўлиб, маънавий озиқ олиб кетмоқдалар.

Халқимизнинг маънавий маданиятини шакллантиришда илк ислом қадриятларидан фойдаланишнинг аҳамияти, бунда исломнинг тутган ўрни вабажарадиган ролини англашга республика ҳукумати қанчалик катта эътибор бераётганлигини «Имом ал-Бухорий халқаро

¹²Ўша манба.

¹³Каримов И.А. Имом ал-Бухорий ёдгорлик мажмуининг очилишига бағишланган маросимда 1998 й. 23 октябрда сўзлаган нутқи. “Ўзбекистон овози” гезатаси. 1998. 24 октябр.

жамғармасини қўллаб-қувватлаш тўғрисида» Ислом Каримовнинг 1998 йил 16 ноябрда эълон қилинган фармонини ҳам эътиборга олиш мумкин.

Фармонда таъкидланганидек, ислом дунёсининг беназир уламоси, буюк муҳаддис Бухорийнинг жаҳон маданияти хазинасига қўшган улкан ҳиссасини ҳисобга олиб, унинг инсониятга қолдириб кетган бой меросини чуқур ўрганиш ва кенг тарғиб қилиш, эзгулик ва маънавий баркамолликка етаклайдиган ғояларни ватандошларимиз, айниқса, фарзандларимиз онгига чуқур сингдириб бориш мақсадида бу сиймо номи билан юритиладиган халқаро жамғармани қувватлаш ҳақида кўрсатма берилган. Бу тадбирнинг тегишли моддий, маънавий, ташкилий жиҳатлари белгиланиб, унинг мақсади, бундай белгиланган:»Имом ал-Бухорийнинг ҳаёти, илмий мероси, у яшаган давр фани ва маданиятига оид тарихий манбаларни ўрганиш, уларни кенг тарғиб этиш; халқимиз, айниқса, ёш авлоднинг маънавий-маърифий савиясини юксалтириш, уларда миллий ғурур; аجدодлар меросига ҳурмат, Ватанга муҳаббат туйғуларини тарбиялаш, шарқона одоб-ахлоқ анъаналарига садоқатни мустаҳкамлашда Имом ал-Бухорий ва бошқа улуғ мутафаккирларнинг маънавий меросидан самаралифойдаланиш» зарурлиги уқтирилган¹⁴. Ушбу фармон ўзининг ижобий самараларини бермоқда. Яъни, ўзбек халқи маънавий маданиятини шакллантиришдаги илк ислом қадриятлари тутган ўрнида ва бажарган ролида имом Бухорийнинг хизматлари беназр ва беқиёсдир. Бу хусусда ушбу улуғ зот таваллудининг 1225 йиллиги нишонланмасданоқ, Ислом Каримов Остона шаҳрида Ўзбекистон, Қозоғистон ва Қирғизистон давлатлари бошлиқларининг 5-учрашувида сўзлаган нутқида бундай деган эди: «Имом ал-Бухорийнинг ҳаёти ва ижоди бизга у зот ҳақида ўз давридан анча илгарилаб кетиб, халқларни бирлаштира олган, турли миллатларни

¹⁴Каримов И.А. Имом ал-Бухорий халқаро жамғармасини қўллаб-қувватлаш тўғрисида. Ўзбекистон Республикаси Президентининг фармони. 1998 й. 16 ноябр. “Ўзбекистон овози” гезатаси. 1998. 17 ноябр.

ислом фалсафаси ва динининг мангу инсоний идеаллари атрофида жипслаштирган инсон сифатида гапириш ҳуқуқини берди»¹⁵.

Юртбошимиз ЮНЕСКОнинг 154-сессияси улуғ сиймоларнинг юбилейларини нишонлаш ҳақида ўз вақтида қарор қабул қилганлигидан ғоят мамнун эканликларини билдириб, унинг аҳамиятига қуйидагича баҳо берган эдилар: «Бу саналарнинг ҳар бири халқларни бир-бирига яқинлаштиришга, маданий мулоқотга, ўзаро аҳиллик ва бир-бирини англашга қўмаклашиши лозим»¹⁶.

Ушбу параграфда ўз аксини топган фикрларнинг таҳлилидан қўйидаги хулосаларга келиш мумкин: биринчидан, илк ислом қадриятларини шариат аҳкомлари ва ҳадис илмини тарғиб қилиш билан маънавий-маданият ривожига хисса қўшилди; иккинчидан, мустақиллик йиллари давримиз раҳбари сайи ҳаракатлари билан туркий забон давлатлар ўртасида ҳамкорликни йўлга қўйилгани ва маданият соҳасидаги алоқалар сезиларли даражада мустаҳкамланганлигини эътироф этишимиз лозим. Унинг натижаси сифатида мисол тариқасида ўзаро маданият кунлари ўтказилганини, «Туркистон умумий уйимиз» конференцияси уюштирилганини, Марказий Осиё халқлари маданияти Ассамблеяси ташкил этилганини ва бошқаларни келтириш мумкин; учинчидан, илк ислом қадриятларини тарғиб қилиш кишилар маънавий маданиятини шакллантириш зиддиятли жараён бўлганлигини бу мураккаб даврларни халқимиз енгиб ўтиб диний қадриятлардан оқилона фойдаланганлигини эътироф этишимиз лозим.

¹⁵ Каримов И.А. Туркий тилли давлатлар бошлиқларининг 5-учрашувида сўзланган нутқ. «Ўзбекистон овози» гезатаси. 1998. 11 июн.

¹⁶ Каримов И.А. Туркий тилли давлатлар бошлиқларининг 5-учрашувида сўзланган нутқ. «Ўзбекистон овози» гезатаси. 1998. 11 июн.

1.2. Мустақиллик йилларида маънавий маданиятимиз такомилида ислом қадриятларидан фойдаланиш.

Президентимиз Ислом Каримов ташаббуслари билан истиқлол йилларида маънавий ҳаётимизда туб ўзгаришлар юз бериб, миллий тарихимиз қайтадан тиклаганди ва она тилимизга давлат мақоми берилди. Улуғ боболаримиз руҳини шод этиб, Қодирий, Чўлпон, Фитрат, Усмон Носир каби боболаримиз номи ва ҳурмати жойига қуйилди. Бундан ташқари миллий-диний анъана ва удумларимиз, Наврўз, Рамазон, Қурбон ҳайитларини умумхалқ байрами сифатида нишонланиши ҳар биримиз учун юксак қувончли воқеа бўлди.

Ўтган йиллар мабойнида динимизга муносабат ўзгарди. Зеро, ислом динини билган ва унга амал қиладиган кишилар меҳр-оқибатли, номусли, ориятли бўлишга, иззат-икром тушунчаларига риоя этишга ҳаракат қилишларини ҳис этган ҳолда, ҳозирда мамлакатимизни ҳуқуқий демократик жиҳатдан янгилаш, маънавий юксалиш ва тараққиётида муҳим вазифалардан ҳисобланади.

Энди узоқ ва яқин ўтмишда «мусулмон маданияти» деб юритилган атама хусусида фикр юритсак, у тор ва кенг маъноларда ишлатилади. Тор маънодагиси илмий мазмунга эга бўлиб, Яқин ва Ўрта Шарқ, Ўрта Осиё, Шимоли-Ғарбий Хиндистон, Шимолий Африка ва Жануби-Ғарбий Европадаги исломлаштирилган халқларнинг ўрта аср маданияти кўзда тутилади. Кенг маънода «мусулмон маданияти» деганда ислом динига эътиқод қиладиган, бу дин тарқалган ҳудудларда яшайдиган элат, халқ, миллатларнинг мумтоз маданияти ва ҳозирги давр маданияти кўзда тутилади.

Мусулмон маданиятининг тор ва кенг маънолари нисбий, шартли тушунчадир. Чунки, дин маданият яратмайди, унинг ўзи маданиятнинг бир элементи. Шу боисдан у ўзига эътиқод қиладиган элат, халқнинг дунёвий маданиятидаги ўзига мос келадиган элементларини ўзлаштириб, Яратувчи, унинг элчилари номидан тарғиб қилади. Биринчидан муқаддас

ёзувларда маданият атамаси учрамайди; иккинчидан, маданият муайян бир элат, халқ, миллат, жамиятга, цивилизация эса бутун бошли катта давр ва минтақага хос бўлади. Масалан, ўзбек маданияти, ўзбек миллий маданияти, Темур ва темурийлар даври маданияти, миллий истиқлол маданияти в.х.

Ислом Каримов «Оллоҳ қалбимизда, юрагимизда» деган асарида таассуф билан қайд қилганидек, исломнинг ҳаётимиздаги ўрнини яхши англамайдиган, бу мураккаб мавзуга билар-билмас аралашадиган, бу диннинг аҳамиятини, унинг инсон рухияти /психикаси/га таъсирини тушунмайдиган чала муллаларни қаттиқ танқид қилиб, «Ўзбекистон ХХІ аср бўсағасида...» деган китобда баён этилган қуйидаги қимматли парчани эслатган эди: «Дин маданий, маънавий, инсоний қадриятларни сақлаб қолиш ҳамда авлоддан-авлодга етказишда беқиёс хизмат қилган, ота-боболаримизнинг дини бўлмиш ислом дини мисолида шундай хулоса чиқариш учун ҳамма асосларга эгамиз, дея зикр этган эдим»¹⁷.

Ушбу қимматли фикрни давом эттириб асар соҳиби яна қуйидаги ғояни олға сурган эди: «Биз ўз миллатимизни мана шу муқаддас диндан айри ҳолда асло тасаввур қила олмаймиз. Диний қадриятлар, исломий тушунчалар ҳаётимизга шу қадар сингиб кетганки, уларсиз биз ўзлигимизни йўқотамиз». Бу ғоя баёнидан чуқур мантиқий хулоса чиқарган давлат раҳбаримиз яна бундай деган эдилар: “Демак, дин бизнинг қон-қонимизга, онгу-шууримизга шу қадар теран сингиб кетганки, уни ҳеч қандай қуч, ҳеч қандай ташвиқот билан чиқариб бўлмайди. Халқимизнинг минг йиллик тарихини, бугунги маънавий ҳаётини, дини-диёнатимизни мухтасар ифодалаб айтиш мумкинки, Оллоҳ бизнинг қалбимизда, юрагимизда”¹⁸.

Истиқлол шарофатидан, юртбошимиз даҳосидан битмас-туганмас қуч-қудрат олаётган халқимизнинг бағрикенг, юраги бақувватдир.

¹⁷ Каримов И.А. Оллоҳ қалбимизда, юрагимизда. “Ўзбекистон овози” гезатаси. 1999 йил, 6 март.

¹⁸ Ўша манба.

Истиқлол шарофати билан бизнинг умуман динга, хусусан исломга бўлган муносабатимиз тубдан ўзгарди. Буни яна бир қарра таъкидлаган Йўлбошчимиз қуйидаги муқобил алтернатив зиддиятни аниқ англаб олиш зарурлигини исботлаб, бундай деган эди: «Биз ота-боболаримизнинг муқаддас дини бўлган ислом динини қадрлаймиз, ҳурмат қиламиз, одамзот руҳий дунёсида иймон-эътиқодни, инсоний фазилатларни мустаҳкамлашда унинг ўрни ва таъсирини юксакбаҳолаймиз»¹⁹. Бу муносабат масаланинг фақат бир жиҳати эканлигини, унинг яна бир муҳим томони ҳам борлигини унутмаслик зарурлигини таъкидлаб, «Ўз келажагимизни ўзимиз қурмоқдамиз» номли асарда муаллиф фуқароларимизнинг дин ва эътиқод эркинлигини қонун асосида таъминлаш учун барча имкониятларни яратиб бермоқдамиз». «Лекин биз, - деган эди Юртбошимиз, - диндан сиёсий мақсадлар ва ҳар қандай ёвуз ниятлар йўлида фойдаланишга мутлақо қаршимиз». «Инсонга ато этилган муқаддас фазилатлардан фойдаланиб, унинг онгини чалғитиб, ўз ғаразли мақсадлари йўлида қурол сифатида қўллаш гуноҳи азимдир». «Бизнинг бу масаладаги йўлимиз аниқ ва қатъий: дин диннинг ишини, давлат давлатнинг ишини қилсин»²⁰.

Ислом инсонларни асрлар давомида ўзаро аҳилликка, ҳамкорлигу ҳамжиҳатликка чорлаб келмоқда: зўравонлик ва адолатсизликни қаттиқ қоралаган, ҳар бир мўминни ҳалоллик, иймон-эътиқодлилиқ, инсофлилиқ, инсонпарварлик, меҳнатсеварлик руҳида тарбиялашга кучли таъсир этган. 14 аср давомида исломий қадриятлар ўзбек халқининг тарихий анъаналари, маросиму урф-одатларига чуқур сингган, уларни бойитган. Исломнинг бу ролини кўзда тутган Юртбошимиз бундай деган эди:»Биз дин бундан буён ҳам аҳолини энг олий руҳий, ахлоқий ва маънавий

¹⁹ Каримов И.А. Биз келажагимизни ўз қўлимиз билан қураимиз. “Туркистон” газетаси мухбирининг саволларига жавоб. –Т.: Ўзбекистон, 1999. Т. 7.

²⁰ Каримов И.А. Биз келажагимизни ўз қўлимиз билан қураимиз. “Туркистон” газетаси мухбирининг саволларига жавоб. –Т.: Ўзбекистон, 1999. Т. 7.

кадриятлардан, тарихий ва маданий меросдан баҳраманд қилшии тарафдоримиз»²¹.

Юқорида теран ва чуқур мазмунли фикрларда маънавий маданиятнинг азалий ва муҳим элементларидан бири бўлган дин ва кадриятларидан халқимизни баҳраманд бўлиши зарурлиги уқтирилган.

Ислом фалсафаси, ахлоқнинг ўз доирасига олган ва биз ушбу диссертацияда фойдаланган диний тафаккурда инсонни улуглаш, яхшилик эзгулик, раҳм-шафқатли бўлиш, ростгўйлик, камтарлик, шон-шуҳрат, кадр-қиммат, хушмуомалалик, шарму-хаёлилик, тотувлик ҳақидаги ахлоқий таълимотлар катта ўрин тутган. Буларда Муҳаммад пайғамбар, у зотнинг саҳобалари, уламолар ва ҳақозолар ибрат бўлганлар. Тафаккурнинг юқоридаги дурдоналарини сўзда тарғиб қилиб, амалда бажо келтирганлар. Академик Э.Юсупов ўзининг «Исломий кадриятлар ва диний экстремизм» номли рисоласида ислом дини халқимизнинг асрий ахлоқ меъёрларини, миллий анъана, удумларини, маросим ва маъракаларини қўллаб-қувватлаганлиги, уларни бойитганлигини таъкидлаб, бундай деб ёзган эди: «Ислом дини инсонларни асрлар давомида аҳилликка, ҳамкорлик ва ҳамжиҳатликка чорлаган, зўрлик ва зўравонликни, адолатсизликни қоралаган, ҳар бир шахсни ҳалоллик, ийманийлик, инсофлилик, инсонпарварлик, меҳнатсеварлик руҳида тарбиялашга катта таъсир кўрсатган. Ўн тўрт аср давомида исломий кадриятлар ўзбек халқининг бир неча минг йиллик тарихий анъаналари, урф-одатларига ҳам чуқур сингган, уларни ривожлантирган»²².

Президентимиз «Оллоҳ қалбимизда, юрагимизда» асарида биз нима учун Имом ал-Бухорий, имом ат-Термизий, Нақшбанд, Яссавий, Ғиждувоний

²¹ Каримов И.А. Ўзбекистон XXI аср бўсағасида: ҳавфсизликка тақдид, барқарорлик шартлари ва тараққиёт кафолатлари. -Т.: Ўзбекистон, 1997. –Б. 44.

²²Каримов И.А. Халқимиз жипслиги – тинчлик ва тараққиёт гарови. “Ўзбекистон овози” газетаси. 1998. 29 август. -Б. 7.

кабиуламоларнинг номларини истиқлолнинг илк кунларидан буён тиклашга киришдик деган саволни олға суриб, унга бундай деб жавоб берган:

«Чунки бу буюк инсонларнинг азиз номлари, улмас мероси мукаддас динимиз билан чамбар-час боғланиб кетган. Уларни бири-биридан ажратиб булмайди. Биз динимизнинг бу улуг номларсиз, бу улуг номларни эса динимизсиз тасаввур эта олмаймиз»²³.

Бу фикрларнинг исботи сифатида И.Каримов бу уламолар меросидан бутун халқимизни, жумладан, ёшларимизни баҳраманд қилиш учун, исломнинг ғояларидан баҳраманд қилиб, қалбига сингдиришга зарур шароитларни яратаётганимизни уқтириб, яна бундай деган эди: «...Биз фарзандларимизни дуневий билимлар билан бир қаторда имом Бухорий тўплаган ҳадислар, Нақшбанд таълимоти, Термизий ўғитлари, Яссавий хикматлари асосида тарбия қилмоқдамиз»²⁴.

Биз узоқ ва яқин ўтмишдаги ислом фалсафаси - илоҳиётни қанчалик таҳлил этмайлик, бирор уламонинг маънавий исломда руҳий омилга бунчалик илмий ёндошганини учратамиз. Бу ҳол исломнинг илгари даҳрийлар даъво қилганидек, «гайри илмий» эмас, балки билим, илм ахамиятига катта эътибор берганлигининг ёрқин далилидир.

«Модамики, шундай экан, - деб давом этган эди муфтий хазратлари ҳозирги кунда маънавиятимиз асосланадиган омил фақат диний омилдан иборат эмаслиги ўз-ўзидан аниқ. XXI аср бўсағасида яшаётган ҳар бир инсон маълумотлар «гирдоб» марказидадир».

Маънавиятимизга таъсир этувчи жиҳатлар шунчалик кўпки, уларнинг ҳар бирини ўз ўрни бор. Улар жумласига мақола муаллифи илм-фан, адабиёт, санъат, мусиқа, шеърят, тасвирий санъат ва ҳақозолар киришини қайд қилган. «Буларнинг қай бири ҳақида фикр юритмайлик, - барчаси ички дунёмизга таъсир этади, қалбимизда из қолдиради, маълум хиссиётларни уйғотади, эзгуликка чорлайди. Маънавиятимизнинг қай

²³Каримов И.А. Оллоҳ қалбимизда, юрагимизда. “Ўзбекистон овози” гезатаси.1999 йил, 6 март.

²⁴Каримов И.А. Оллоҳ қалбимизда, юрагимизда. “Ўзбекистон овози” гезатаси.1999 йил, 6 март.

даражада бўлишида бизни ўраб турган атроф-муҳит, ижтимоий муносабатлар, моддий ҳаёт катта аҳамият касб этади».

Юқоридаги фикрларга таяниб, шундай хулосаларга келиш мумкин:

а) маънавиятни шакллантириш учун тадбирларимизни муайян йўналишни амалга ошириб, бошқа жиҳатларни четга суриб қўймаслик лозим; б) бу жараёнда фақат динга мурожаат қилиб, фақат диний эътиқод, диний билимларни бирдан-бир омилга айлантириб, бошқа омиллардан юз ўгирмаслик; в) бу жуда бир тамонламалик маънавий маҳдудликка, ҳатто мутаассиблик фанатизмга олиб бориши мумкин; г) дунёвий давлатда биз барча - ҳам илмий, ҳам диний омилларнинг самараларидан оқилона, меъёрида, бирга қўшиб фойдаланишга интилишимиз мақсадга мувофиқдир.

Президентимиз Ислоҳ Каримов маънавиятни юксалтиришда дунёвий ва диний жиҳатларни қўшиб олиб бориш хусусида уламоларга шундай мурожаат қилган эди: «Муҳтарам уламоларимиз айниқса ҳозирги босқичда ҳар бир йигит-қизимизни . илм-маърифатли, диёнатли, юксак ахлоқли бўлишлари билан бирга, замонавий техника ва технологияларни пухта ўзлаштиришга даъват қилишлари лозим. Ншларимиз исломий қадриятлар билан бир қаторда коинот сиру асроригача бўлган дунёвий билимларни ҳам теран ўрганишлари зарур»²⁵.

Бу даъватларга жавобан уламоларнинг аксарият қисми Ибн Рўшднинг қўш ҳақиқат назариясини ҳозирги замон призмасида синдирган ҳолда юқоридаги саҳифаларда қайд қилинган маърифий-маданий ишларга муносиб ҳисса қўшмоқдалар. Бунинг далилларида бири сифатида республикамызда фаолият кўрсатаётган 11 мадраса ўқув режаларида дунёвий фанлар ҳам салмоқли ўрин олганлигини мисол келтирсак бўлади.

«Кўхна тарихимизнинг қайси даврини эсламайлик, - деган эди Юртбошимиз, - дин ҳар доим одамларни ўз-ўзини идора этишга, яхши

²⁵Иброҳимов А., Султонов Х., Жўраев Н. Ватан туйғуси. –Т.: Ўзбекистон. 1996 й. -Б. 55.

ҳислатларини кўпайтириб, ёмонларидан халос бўлишга чорлаган. Ҳар бир алоҳида инсонга, оила, жамоа, минтақа... умум халққа раҳнамо бўлган»²⁶. Яна муаллиф бу дин одамларни бардошли бўлишга даъват этганлигини, бу эса уларга куч-қувват бағишлаганини, иродасини мустаҳкам қилганини, ўзаро меҳру оқибатини оширганини ҳам ғоят ўринли тарзда эслатиб ўтган.

Яссавий, Нақшбанд, Қубро каби зотлар ватанпарварлик ғоялари билан суғорилган ҳолда асос солган муқаддас ғоя ва тариқатларнинг ватани Турон замини бўлган Нақшбанднинг «Дилинг ёрда, қўлинг меҳнатда бўлсин» деган ўғитини эслатган Юртбошимиз у одамларни тоат-ибодат билангина шуғулланиб қолмасдан, касб-ҳунар ўрганишга, ўз ишининг устаси бўлишга, қисқаси меҳнат қилишга чақирганлигини эслатиб ўтган эди.

И.Каримов бу доно фикрлардан асрлар давомида дин одамларни эзгу мақсадлар йўлида бирлашиш, ҳамжиҳат бўлишга чақирганини ҳам таъкидлаб, қуйидаги хулосани чиқарган: «Демак, дин халқ маънавиятининг, маърифатининг юксалишига катта ҳисса қўшиб келган экан, бугунги давлатчилигимизҳақида сўз юритганда, режалар тузганда динни, энг аввало, ҳам миллий, ҳам умуминсоний қадрият сифатида эътиборда тутишимиз керак»²⁷.

Бу икки омилда, яъни умуминсоний, бинобарин, дунёвий ва диний қадриятлар бир-бири билан тобора уйғунлашиб, ҳаётга тадбиқ этилганда мақсадга эришилади.

Юқорида эслатиб ўтилган маърузада И.Каримов мантиқий хулоса чиқариб, бундай деган эди: «Агар биз адолатли давлат, эркин жамият қурмоқчи бўлсак, бу олийжаноб мақсадни амалга ошириш йўллари минг йиллик диний ақидалар билан муштарак эканлигини ёдда тутишимиз лозим. Бу муқаддас мақсад йўлида керак бўлса, жон фидо қилиш зарур

²⁶Ўша манба. -Б. 54.

²⁷Каримов И.А. Ўзбекистоннинг сиёсий-иҷтимоий ва иқтисодий истиқболининг асосий тамойиллари. –Т. Ўзбекистон, 1995. –Б. 55.

деганимизда, айнан адолатли давлат ва диннинг илдишлари муштарак эканлигини унутмайлик»²⁸.

Ислом Каримов Олий кенгашнинг XII чақириқ X сессиясида 1992 йил 2 июнда сўзлаган нутқидаёқ бизнинг ижтимоий тараққиёт ва янгиланиш соҳасида икки энг асосий йўлимиз борлигини, уларнинг мазмуни нимадан иборатлигини изоҳлаб, булардан бири халқимиз урф-одатларини, анъаналарини ҳисобга олишимиздан, иккинчиси исломга янгича муносабатдан иборатлигини таъкидлаб, бундай деган эди: «Ўзбек халқи азалдан жамоа туйғусига мойил. Бизлар тўйда ҳам, азада ҳам ёнма-ён туриб, оддий кунларда ҳам бир-бирининг ҳолидан хабар олиб, каттанинг ҳурматини, кичикнинг иззатини жой-жойига қўйиб, бева-бечораларнинг, етим-есирларнинг бошини силаб, хуллас, одамгарчиликни барча нарсадан устун қўйиб яшаган инсонларнинг фарзандлари бўламиз»²⁹. Бу ҳақиқатни тушунмаган фундаменталистлар халқимизнинг ноқобил, ўғай фарзандларидирлар.

М.Имомназаров «Ислом ва маънавий камолот босқичлари» деган мақоласида маънавий маданиятнинг ривожлантиришга исломнинг таъсири хусусида шундай фикрларни олға сурган.

Ушбу мақола муқаддимасида олим инсонни маънавий жиҳатдан камол» топтиришга қаратилган исломий саъй-ҳаракатларда эътиқод ихтиёрийлиги мавжудлигини асослаб берган. У бунинг учун Қуръондан араб тилидаги оятни келтириб, ўзбек тилига қуйидагича ўгирган: эътиқод зўрлик ва тазйиқ орқали пайдо бўлмайди, у дилда шаклланиши учун инсонда танлаш ҳуқуқи, яъни виждон эркинлиги бўлиши керак. Бу оятни давлат тилимизда келтирган мақола муаллифи ҳозирги замонга боғлаб қуйидагича хулосани чиқарган: «Сиёсатда муайян эътиқод эгаларининг мутлоқ ҳукмронлиги агар ўзгаларга ҳам ўз эътиқодини тазйиқ билан сингдиришга қаратилса, бундай ҳаракатлар кўпинча акс таъсирга эга

²⁸Ўша манба –Б. 56.

²⁹Каримов И.А. Бозор муносабатлари ва маънавият. 12-чақириқ Ўзбекистон Республикаси Олий Кенгашининг 1-сессиясида 1992 йил 2 июлда сўзлаган нутқ. “Истиқлол ва маънавият”. Тўплам. -Б. 13.

бўлади. Шу сабабли теократик яъни диний давлат ғояси ислом минтақасида X-XI асрлардаёқ ҳам амалий, ҳам назарий жиҳатдан номақбул деб топилган»

Бу жиҳатдан илк исломнинг диний эътиқод, ирода эркинлиги ғояси дунёвий маънавий маданият ғоясига ўхшашдир. Тафовут шундаки, бу ғоя виждон эркинлиги даражасига кўтарилмаган. Маълумки, бу эркинлик билан диний эътиқод эркинлиги орасида умумийлик билан бирга принципиал тафовут ҳам бор. Масалан, Имомназаров ўз эътиборидан четда қолдирган бу тафовут шундаки, виждон эркинлиги ҳеч қандай динга эътиқод қилмаслик эркинлигини ҳам тақозо этади.

Диний экстремизм ҳақида И.Каримов 1993 йил 4 мартда хорижий мухбирлар ҳалқаро уюшмаси аъзолари билан Тошкентда бўлиб ўтган суҳбатидаёқ бундай оқим борлигини, у соф исломга бутунлай ёт эканлигини уқтириб, бундай деган эди: «Ислом дини мутаассиб дин эмаслигига имоним комил. Қуръонни яхши билган киши бу илоҳий китобда инсонпарварлик, тинчлик, осойишталик ва бошқа динларга муроса билан қараш тарғиб қилинишини жуда яхши билади. Мен мусулмон мамлакатларининг ислом динига ихлосманд раҳбарлари билан учрашдим. Уларнинг ҳаммалари мутаассибликни, экстремизмни қоралайдилар». Сўнг Юртбошимиз ислом инсонни гуноҳлардан фориғ ҳоли қилишига ишонишини таъкидлаб, яна бундай деган эди: «Ҳар бир киши муқаддас нарсга ишонмоғи керак. Қўпол сўз билан айтсам, кечирасиз-у, шунга ишончи йўқ киши ҳайвонга ўхшайди. Буюк файласуфимиз Аҳмад Яссавий шундай фикрларни билдирганлар». Бунинг оқибати нимадан иборатлигини яхши билган Президентимиз бу ҳақдаги фикрларидан қуйидаги мантиқий хулосани чиқарган: «Шу сабабли одамларда динга эътиқод уйғонишини асло қоралаб бўлмайди. Бизда масжидлар тикланмокда. Қуръон илк марта ўзбек тилига таржима қилинди. Бу бизнинг тарихимизда катта воқеадир».

И.Каримов «Туркистон-пресс» ахборот агентлиги мухбирининг 1999 йил 6 мартда эълон қилинган ва «Оллоҳ қалбимизда, юрагимизда» деб сарлавҳа қўйилган асари оддий мусулмонлар билан бир вақтда дин арбоблари қалбида мамнунлик туйғуларини уйғотди. Чунки унда, диннинг, хусусан исломнинг жамият маънавий ҳаётида муҳим роль уйнаб келаётганлиги, унинг, айниқса мустақиллик шароитларида ўзбек халқи маънавиятини бойитишга ўз хиссасини қўшаётганлиги ишончли фикр ва далиллар билан баён этилган эди.

И.Каримовнинг Остона шаҳрида 1999 йил 19 февралда бўлиб ўтган журналистлар анжуманида февраль воқеаларининг ташкилотчилари масаласига тўхталиб портлатишни кимлар қилганлиги ҳақида «Озодлик» радиоси мухбири С.Оққулов саволига бундай деб жавоб берган: «Хўш, портлашни содир этган ижрочилар ким? Мен бутун масъулиятни зиммамга олиб айтишим мумкинки,булар диний экстремистлар бўлган. Бундай террорчилик ҳуружлари Исроилдаҳам, бошқа минтақаларда ҳам учраб туради. Дастлабки далил ва маълумотларбу кимсалар мутаассиб диндорлар эканини тасдиқламоқда. Қочиб бораётганикки киши йўл-йўлакай «Оллоҳу Акбар» деб қичқирган»³⁰.

Бу идора раҳбарияти ана шу маънавий покликка доғ туширган қабоҳат ва разолат тарқатувчиларга қарши бор кучимизни сарфлаймиз, деб халқимиз, давлатимизга қуйидаги ваъдаларни баён этганлар: «Мустақиллик пойдеворини янада мустаҳкамлаш учун, юртимизда тинчлик ва осойишталик барқарор бўлиши учун барчамиз масъулмиз. Биз, дин аҳли имон-эътиқод, инсоф, меҳру-оқибат ва эл-юрт фаровонлиги ҳамда ҳукуматимиз олиб бораётган одилона тинчлик сиёсатини кенг тарғиб ташвиқ қилишга бор кучимизни сафарбар этамиз». Бизнинг кузатиш ва суҳбатларимиз уларнинг бу ваъдаларни мумкин қадар бажараётганлигини тасдиқлаяпти.

³⁰ Ўзбекистон мусулмонлари идораси. Ўзбекистон мусулмонларига мурожаатнома. “Ўзбекистон овози” газетаси. 1999 йил 18 феврал. -Б. 16.

Жаҳон динлари тарихидан маълумки, ҳамма динлардан, жумладан исломдан эзгу ниятли гуруҳлар ҳам, шум тилакли кимсалар ҳам асрлар давомида фойдаланиб келмоқдалар. Сўнгги йилларда юртимизда исломдан фундаменталистлар, уларнинг жангарилари - ваҳхобийлар қандай ёвуз мақсадларда уни байроқ қилиб олиб, фойдаланганликларининг жонли шоҳидларимиз. Наманган, Тошкент, Фарғона, Урганчда бўлиб ўтган ва телевиденида кўрсатилган очик суд жараёнларида улар ўз кирдикорларига яраша жазолар олдилар. Бироқ, юртимизда уларнинг думлари, хорижда раҳнамолари кўп. Улар энди пинхона тайёргарликка, раҳнамолари эса мафкуравий кураш тактикасига ўтдилар. Бу қилгуликлардан ҳаммамиздан кўра кўпроқ, аниқроқ маълумотларга эга бўлган юртбошимиз «Ўз келажагимизни ўз қўлимиз билан қурмоқдамиз» деган асарида «ҳавф солиши мумкин бўлган айрим мафкуравий таҳдидларга» биз ватан дошларининг диққатини қаратган эди. «Биздан узоқ-яқин масофаларда жойлашган айрим ислом давлатларида ўрта асрларда мавжуд бўлган мусулмон халифалигини тиклашни ўз олдига мақсад қилиб қўйган муайян ташкилотлармавжуд»³¹. Асарда улар мўлкўл маблағга, мафкуравий таъсир воситаларига эга эканликлари ҳақида ҳам бизни огоҳлантирган эди. Улар қанчалик ҳаёлпараст бўлмасин, биладиларки, бундан 1400 йил олдинги халифаликни бугун тиклаб бўлмайди; шунинг учун улар ўз хом ҳаёлларини ўзгартирганлар. «...уларнинг нияти ягона мафкуравий макон барпо қилиб, ислом динини сиёсийлаштириш ва шу асосда ҳукмронлик қилиш, ҳокимиятни қўлга киритишдир». Уларнинг бу ниятини, фикрини яхши билган Юртбошимиз яна бундай деб ёзган эди: «Уларнинг фикрича, мусулмонлар яшайдиган мамлакатлар ўртасида ҳеч қандай маъмурий чегаралар бўлмаслиги лозим; буларнинг ҳаммасини ягона халифалик маркази бошқариши лозим эмиш».

³¹Каримов И.А. Биз келажагимизни ўз қўлимиз билан қураимиз. “Туркистон” газетаси мухбирининг саволларига жавоб. –Т.: Ўзбекистон, 1999. Т. 7.

Бундай хом ҳаёлли гуруҳлар тепасида қандай уюшмалар турганини билган раҳбаримиз, булар орасида «Ҳезби таҳрири исломия» уюшмаси айниқса, серҳаракатлилиги билан ажралиб турганини таъкидлаб, бундай деб ёзган: «Унинг вакиллари бизнинг мамлакатимиз ҳудудида ҳам яширинча, пинҳона иш олиб боришга уринмоқда»³². Улар бу ғаразгўйликларида кимларга суянаётганликларини таъкидлаб, Исом Каримов яна бундай деган эди: «Улар асосан ҳали янги шаклланиб улгурмаган, тажрибасиз ёшларимизни ўз тузоғига илинтиришга, турли йўллар билан уларнинг миясини заҳарлаб, ўз ҳалки, ўз юртига қарши ғанимга айлантиришга жон-жаҳди билан ҳеч қандай маблағларини аямасдан ҳаракат қилмоқдалар»³³. Табиийки, деб ёзган эди муаллиф, биз бундай ёвуз интилишларга мутлақо йўл қуймаймиз.

Фундаменталистлар ҳам, уларнинг ҳозирги замон издошу маслакдошлари ҳам эҳтиросу ҳиссиётлар таъсирига тушиб, эсини йўқотган ҳаёлпарастлардирлар. «Ҳиссиёт ва эҳтирослар таъсирига тушиб қолган инсон, - деб ёзган эди Э.Юсупов, - бирор муаммони чуқур ақлий таҳлил этиш имконидан ҳам маҳрум бўлиб қолади. Бу эса адолатсизликларга, беҳуда қон тўкишларга, давлат қабул қилган қонунларни оёқости қилишга олиб келади. Қонунни менсимаслик - уни қабул қилган жамиятни ҳам менсимасликдир»³⁴. Ижтимоий фалсафа таълим берганидек, ҳар бир шахс ўз тақдирининг яратувчиси, бахтининг бунёдкоридир. Бу дунёвий ҳақиқатни жамият тараққиётига ҳам ҳеч иккиланмай бемалол тадбиқ этиш мумкин. Модомики, шундай экан, ижтимоий ва шахсий ҳаётимизнинг ҳамма соҳаларидаги каби диний эътиқод ва амалда ҳам умуммиллий тараққиётимизга ҳалақит беришга уринаётган диний гуруҳлардан кўз юмишимиз ноўриндир.

³²Каримов И.А. Биз келажагимизни ўз қўлимиз билан қураимиз. “Туркистон” газетаси муҳбирининг саволларига жавоб. –Т.: Ўзбекистон, 1999. Т. 7.

³³Ўша манба.

³⁴Юсупов Э. Исломий қадриятлар ва диний экстремизм. –Т.: Тўқимачилик институти нашриёти. 1999. -Б. 10.

Ўзбек халқининг «андишанинг оти кўрқоқ» деган хикмати ҳаммамизни пировард оқибатда халқимиз ва истиқлолимиз тақдирини белгиловчи маънавий омиллардан бири бўлган диний ҳаётда оз-моз бўлсада учраётган таҳдидий кирдикорларга бефарқ қарамаслигимизни тақозо этади.

Ислом экстремизми мамлакатимизда қарор топган ижтимоий, сиёсий барқарорликка ҳали ҳам пинхона таҳдид солиб турган хавфлардан биридир. Бу ҳол исломнинг ижтимоий, сиёсий ва маънавий ҳаётдаги илгариги мақомини Қайта тиклашга уринаётган кучлардан муайян сиёсий гуруҳлар томонидан диний эътиқоддан ташқарида мавжуд бўлган сиёсий мақсадларга эришишга қаратилаётган кирдикорлардан доим огоҳ бўлишни қатъий тақозо этади. Ислом экстремизмининг бу кирдикорлари Жазоир ва Афғонистонда халқ ва элатларнинг парчаланиб кетишига олиб келганини ёдда тутишни талаб этади; Тожикистонда Шохидон майдонида, Наманганда хунрезликка сабаб бўлганлиги бу талабни янада кучайтиради.

Юқорида баён қилинган фикрларимиздан хулоса қилиш мумкинки, биринчидан, дин, биринчи галда ислом маънавий маданиятнинг ривожига аввал бошданок салмоқли хисса қўшган эди; бу соҳада ҳам диний, ҳам дунёвий қадрият сифатида у муайян рол ўйнаган; иккинчидан, халқимиз маънавиятини шакллантиришда дунёвийлик билан динийликни уйғунликда олиб борилмоқда; учинчидан, Ислом Каримов такрор айтганидек, биз ўз муқаддас динимиз ва эътиқодимиздан ҳеч қачон воз кечмаймиз; унинг шаънига доғ туширмоқчи бўлган кимсалар билан ҳеч қачон муроса қилмаймиз. Бундай кимсалар қаторига кирадиган ақидапарстлар дунёвий маданиятга доим қарши чиққан, мусиқа, театр ва тасвирий санъат билан шуғулланиш, булардан завқланиш, ором олишни кечирилмайдиган гуноҳ деб даъво қилганлар. Бу даъволар пуч ва жоҳилликдир.

II БОБ.ИСЛОМ ҚАДРИЯТЛАРИНИ ТИКЛАНИШИНING ЁШЛАР МАЪНАВИЙ ОНГИНИ ШАКЛЛАНИШИДАГИ ЎРНИ

2.1. Диний қадриятлар ва ислом маънавиятининг тикланиши

Ўзбек халқи миллий маънавий қадриятларининг тикланиши ва ривожланшп жараёниинг таркибий қисмини диний қадриятлар ва ислом маънавиятини тиклаш ташкил этади.

Миллий маънавий қадриятларимизнинг замонлар оша йўқолиб кетмаганлигини Президент Ислам Каримов - “бу аввало муқаддас динимизни ҳисобидан”³⁵ деб тўғри баҳо берган эди. Қадим-қадимдан дин “аксарият маънавий қадриятларни ўзида мужассам этиб келади. Миллий қадриятларнинг асрлар оша безавол яшаб келаётгани ҳам диннинг ана шу табиати билан боғлиқ. Чунки дунёдаги динларнинг барчаси эзгулик ғояларига асосланади, яхшилик, тинчлик, дўстлик каби фазилатларга таянади. Одамларни ҳалоллик ва поклик, меҳр-шафқат ва бағрикенгликка даъват этади. Бугунги кунда, Ўзбекистонда 16 та диний конфессия бўлиб, уларга фаолиятини ривожлантириш учун ҳамма шарт-шароитлар яратилган.”³⁶ Бу борадаги ҳуқуқий асослар Ўзбекистон Конституциясида, “Виждон эркинлиги ва диний ташкилотлар тўғрисида”ги қонунда ўз ифодасини топган. Ана шу асослар мамлакатимиздаги барча дин вакилларининг ҳамкор, ҳамжихат бўлиб, улуғ ва муштарак ғоялар йўлида ҳаракат қилиши учун имкон яратади.

Ислам дини халқимизнинг маънавий ҳаётининг шаклланишида ва бойиб боришида, юртимизнинг жаҳон маданиятининг улкан масканларидан бирига айланишида салмоқли роль ўйнаган. Ислам дини қобиғида ифода этилган умуминсоний қадриятлар халқимиз маънавиятида ҳеч муболағасиз муносиб ўрин эгаллаб келган.

Ислам оламидаги ана шундай қутлуғ зиёратгоҳ манзиллардан бири Ат-Термизийники бўлган эди. Собиқ совет даврида мустабидлар бошқа буюк

³⁵ “Халқ сўзи.” 2000. 10 июн, -Б.2.

³⁶ Миллий истиқлол ғояси: Асосий тушунча ва тамойиллар.-Т.: Ўзбекистон, 2000, -Б.60.

алломалар қатори Ат-Термизий ёдини ҳам халқ ва миллат хотирасидан ўчириб ташламоқчи бўлдилар. Улар ихлосмандларнинг зиёратга келишларини таъқиқлаб қўйдилар, макбара атрофини ҳарбий машк майдонига анлантирдилар. Бу ҳам етмагандай “макбара атрофига турли омборхоналар, ҳатто итхона ҳам қурган эдилар”³⁷. Мана буюк алломалар хотирасига, муқаддас зиёратгоҳларга бўлган муносабат!

Ислом динига қарши кўп йиллар мобайнида уюштирилган хуружлар, олиб борилган кўр-кўрона ҳамлалар, ўзбек халқини унинг миллий маънавий кадриятларидан маҳрум этишга уринишлар бу аслида тарихимизга, маданиятимизга нисбатан беюзларча қилинган ҳурматсизликдан бошқа нарса эмас. Бироқ истибдод йилларида муайян қора ниятларда олиб борилган ашаддий хуружлар, дин ва диний мафкурага қарши олиб борилган кўп йиллик изчил ташвиқот ва тарғиботлар охир оқибатда кутган натижани бермади. Бунинг қатор асосли сабаблари бор, албатта. Дин инсон тафаккури, маданияти, маънавияти, руҳияти кундалик ҳаёти билан жуда мураккаб боғланганини ҳаётнинг ўзи тасдиқлайди. Дин ҳар бир жамият, давлат, мамлакат, халқнинг маданий, маънавий, руҳий ҳаётида чиндан ҳам муайян ўрин тутган ва тарихий тажриба кўрсатдики, бундан буён ҳам ана шундай бўлиб қолади.

Ўзбекистоннинг мустақилликка эришуви муносабати билан ижтимоий-сиёсий ва маънавий ҳаётда чиндан ҳам барча динларнинг аҳволи тубдан ўзгарди. Умуман динга, шу жумладан, ислом динига муносабат тубдан ўзгарди. Бу ўзгаришларнинг моҳияти Президент Ислом Каримовнинг қуйидаги сўзларида ўз ифодасини топган: “Ислом дини ота-боболаримизнинг муқаддас эътиқоди. У туфайли халқимиз минг йиллар мобайнида маънавияти, бой мероси ва ўзлигини омон сақлаб келган”³⁸.

Ўзбекистон Республикаси ҳудудидаги мавжуд барча динларга тўла эркинлик берилди. Бу эркинлик мустақиллигимизнинг илк палласидаёқ

³⁷ “Халқ сўзи.”1993. 24 март, -Б.3.

³⁸ Каримов И.А. Биздан озод ва обод Ватан қолсин. -Т. Ўзбекистон. Т. 2. 1994, -Б.73.

Ўзбекистон Республикасининг 1991 йил 14 июнда қабул қилинган “Виждон эркинлиги ва диний ташкилотлар тўғрисида”ги Қонунда мустаҳкамланган эди. Аҳолининг асосий қисми Ўзбекистонда ислом дини ва христианликнинг православие мазхабига эътиқод қилсада, улар билан бир қаторда католиклар, протестантлар, бошқа мазхаблар вакиллари ҳам истиқомат қиладилар. Уларнинг асосий фаолият йўсини давлатимиз мустақиллигини мустаҳкамлаш, сиёсий-ижтимоий барқарорликни таъмин этишга хизмат қилишдир.

Мустақиллик туфайли ислом дини, унинг умуминсоний қадриятлари халқимизга қайтарилди. Мамлакатимизда диний қадриятларни, умуман олганда, ислом маънавиятини қайтадан тиклаш, халқимизга қайтаришдан иборат хайрли иш давлат сиёсати даражасига кўтарилди. Бу сиёсатни ҳаётга тадбиқ этиш жараёнида барча-бутун жамият, давлат ва жамоат ташкилотлари, оммавий ахборот воситалари, фан ва маърифат, маданият муассасалари фаол иштирок этмоқдалар.

Мустақил Ўзбекистон ўзининг ички ва ташқи сиёсатида ислом дини қобиғида ифода этилган умуминсоний қадриятларга катта эътибор бериб, уларга муҳим ўрин ажратмоқда. Бунинг бойиси шундаки, ислом дини, унинг қадриятлари халқимизнинг моддий ва маънавий ҳаётининг шаклланишида, юртимизнинг жаҳон маданиятининг йирик масканига айланишида муҳим аҳамият касб этмоқда.

Бу ҳақиқатни фақат бугунги тарихимизгина эмас, балки ўтмишимиз ҳам тўла тасдиқлайди.. Ўрта асрларда дин маданиятнинг барча турларини - илм - фан, фалсафа, ҳуқуқ, ахлоқ, санъат ва бошқа соҳаларни ўзида мужассамлаштирган ва уларга ўзининг ғоявий -таъсирини ўтказиб келган. Зеро, ислом дини таълимотининг асослари Қуръонда, ҳадисларда ҳамда илоҳиёт адабиётида ўз ифодасини топган. “Дин асослари” деб ном олган беш амалий маросимчилик-калима келтириш, номоз ўқиш, рўза тутиш, закот бериш ва имкони бўлса, хаж қилиш мусулмон бўлишнинг энг асосий шартларидир. Эндиликда шўролар даврида тақиқ ва қувғинда бўлган ислом

маънавиятининг энг муҳим қадриятлари Қуръони карим, ҳадислар, диний амалий маросимлар тикланипти, халқимизга қайтариляпти. Қуръон мусулмон халқларининг фалсафий, ахлоқий ва ҳуқуқий қарашларининг шаклланиши ва ривожда муҳим рол ўйнаган, ана шу қарашларга жиддий таъсир кўрсатиб келган. Шу маънода у муҳим манба, катта тарихий ва адабий ёдгорликдир.

Мустақиллигимизнинг илк онларидан бошлаб мамлакатимиз раҳбарияти динга муносабат, давлат ва диний ташкилотлар ўртасидаги алоқаларни тўғри йўлга қўйишга алоҳида эътибор бера бошлади. Президент Ислам Каримовнинг саъй-ҳаракатлари туфайли мамлакатимиз аҳолисининг маънавий покланиши, диний қадриятларнинг тикланиши учун қулай шароит яратилди. Яъни, халқ хоҳиш-иродасини ифода этиб, жуда муҳим бир тарихий фармонга имзо чекди. Мазкур Фармонга кўра мамлакатимиз фуқаролари ўз тарихида биринчи бор бевосита ҳукумат ёрдамида ҳар йили муқаддас Ҳаж ва Умра амалларини адо этиш имкониятига эришди.

Ислам маънавиятида алоҳида ўрин тутадиган қадрият-маросимлар, қурбонлик қилиш, Қуръон ўқитиш, рўза тутиш ва диний байрамларини нишонлаш эндиликда қайта тикланди ва ҳеч қандай монеликсиз эркин бажо келтириладиган бўлди. Чиндан ҳам ислом динида турли диний байрамлар, маросимларнинг ўтказилиши каттааҳамиятга эга. Дин ўзининг тантанали байрамлари, турли маросимлари билан кишилар кўнглида кўтаринки кайфият, хуррамлик, раҳм-шавқат, сабр-тоқат, қаноат, меҳр-оқибат, ҳамдардлик, поклик, одамгарчилик ва шу каби бошқа фазилатларни шакллантиради. Ва камол топтиради. Бутун жаҳон диққат-эътиборини тортган бой ва ранг-баранг маданий-маънавий меросимиз икки қудратли тўлқин-дунёвий илмлар ва диний фалсафий тафаккурга таянади. Шубоис ҳам бу ўлмас нодир маънавий қадриятлар бугунги янги демократик фуқаролик жамияти қурилишида муҳим аҳамият касб этаяпти.

Мустақиллик шароитида динга, диний ташкилотларга муносабат, жамият ва дин, давлат ва дин орасидаги муносабатлар ўзгаришсиз қолавермади. Буни Республика раҳбарияти ҳисобга олиб, шу муносабатларни

тартибга солиб турувчи қонунларга ўз вақтида ўзгаришлар киритиб борди. Жумладан, Ўзбекистон Республикаси Олий мажлиси 1998 йил 1 майда “Янги таҳрирдаги “Виждон эркинлиги ва диний ташкилотлар тўғрисида”ги Ўзбекистон Республикаси қонунини амалга киритиш тартиби ҳақида қарор қабул қилди³⁹. Мазкур қарор шу муносабат билан қабул қилиндики, Республика Олий Мажлиси Ўзбекистон Республикасиинг 1991 йил 14 июнда қабул қилган “Виждон эркинлиги ва диний ташкилотлар тўғрисида” ги Қонунга ўзгартириш ва қўшимчалар киритиб, унинг янги таҳририни тасдиқлаган эди. Янги таҳрирдаги Қонунга мувофиқ диний ташкилотлар қайта рўйхатдан ўтказиладиган бўлди.

Мамлакатда ислом дини омилидан унумли фойдаланиш, унинг бой маънавий қадрият сифатидаги имкониятларини кенгайтириш мақсадида Президент И.Каримовнинг 1992 йил 7 мартдаги Фармони билан Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси ҳузурида дин ишлари бўйича қўмита ташкил қилинди⁴⁰. Мазкур қўмита давлат идоралари ва диний ташкилотлар ўртасидаги муносабатларни мувофиқлаштирувчи ва мослаштирувчи муассаса сифатида фаолият кўрсата бориб, ислом маънавиятини тиклаш, унинг қадриятларини халқимизга етказиш ишига муносиб ҳисса қўшмоқда.

1992 йил 27 мартда Ўзбекистон Президентининг “Рўза ҳайитини дам олиш куни деб эълон қилиш тўғрисида” Фармони эълон қилинди. Фармонда жумладан шундай дейилади: “Мустақил Ўзбекистон Республикаси мусулмонларининг истак ва хоҳишларини инобатга олиб ҳамда фуқаролар ўртасида меҳр-оқибатни барқарорлаштириш мақсадида диний байрам Рўза ҳайитининг биринчи куни дам олиш куни деб тайинлансин”⁴¹. Бу фармонни мустақил Ўзбекистон аҳолиси зўр қувонч ва мамнуният билан кутиб олди.

Яна икки буюк шодиёна-Рамазон ва Қурбон ҳайитлари умумхалқ байрами деб эълон қилинганлиги нур устига аъло нур бўлди. 1992 йилдан

³⁹ Жалилов Ш. Маҳалла: ўзини ўзи бошқариш органларининг ҳуқуқий кафолати (қонунчилик ва меъёрий ҳужжатлар тўплами) - Т., 1999, -Б.213.

⁴⁰ Муаллифлар жамоаси. Мустақил Ўзбекистон тарихи. -Т.. Шарк, 2000, -Б.409.

⁴¹ Ўзбекистон тарихи. “Шарк”нашриёт-матбаа концерни бош таҳририяти. -Т.", 2000, -Б.409.

бошлаб ҳар йили мамлакатимизда рўза ҳайити умумхалқ байрами сифатида нишонланадиган бўлди. Шундай қилиб, Рамазон ва Қурбон ҳайитлари халқимизга миллий байрам сифатида қайтди. Муборак Рамазон ҳайити кунларида табаррук отахону онахонларни кариндош-уруғлари, ёр-биродарларни зиёрат қилиш, шунингдек бева-бечоралар, етим-есирлар, беморларни ҳолидан хабар олиш, улар кўнглини овлаш ғоят хайрли ишдир. Шу боис мусулмонлар бу куни бир-бирларини муборакбод этиб, кексаларга имон, ёшларга тавфиқу-ҳидоят, боқий умр тилашади. Рамазон ва Қурбон ҳайитлари, бошқа ислом диний маросимларининг бу тарзда кенг нишонлаши, шубҳасиз, истиклол туфайлидир. “Биз,-дейди Ислом Каримов, 1992 йил 31 августда мустақилликнинг бир йиллигига бағишланган тантанали йиғилишда сўзлаган нутқида - Мустақил ўзбек давлатининг пойдеворини курмоқдамиз. Минг қатла шукурки, тилимизни, динимизни, урф-одатимизни, маънавий қадриятларимизни, буткул йўқотиб қўйиш хавфидан сақлаб, асраб-авайлаб, уларнинг азалий мазмуни ва қудратини тиклашга ўтдик”⁴².

Ҳозирги пайтда ўтмишда содир этилган исломий маънавий қадриятларга нисбатан адолатсизлик ва ҳурматсизликларга чек қўйилди, ижтимоий адолат тикланди. Ёпиб қўйилган масжидлар очилди, кўплаб диний адабиётларни нашр этиш йўлга қўйилди. Дин кишиларнинг онига маънавий дунёсига таъсир этишда давом этар экан, унинг жамиятнинг ижтимоий-сиёсий ҳаётида муайян роль ўйнаши муқаррардир. У ҳозирги кунда ҳам ўзининг катта ижтимоий-сиёсий мавқеини сақлаб келаётир. Дин ва диндорлар ҳақиқатдан ҳам жамиятимиз ижтимоий-сиёсий ҳаётида фаол қатнашиб Республикамиз мустақиллигини мустаҳкамлашга муносиб ҳисса қўшиб келмоқдалар. Дин арбоблари одамларни жамиятимиздаги ижтимоий-сиёсий барқарорлик ва осойишталикни сақлашга меросий урф-одатлар ва анъаналаримизни авайлаб асрашга, уларни халқимиз маънавий турмушига

⁴² Каримов И.А. Маънавий юксалиш йўлида. -Т., Ўзбекистон. 1998, -Б.51.

қайтаришга, кадрлаш ва янада ривожлантиришга даъват этиб, бу соҳада хайрли ишларни амалга оширмақдалар.

Ислом оламининг забардаст алломалари-ватандошларимиз Имом Исо ат-Термизийнинг 1200 йиллиги, Маҳмуд аз-Замахшарийнинг 920 йиллиги, Нажмиддин Кубронинг 850 йиллиги, Баҳоуддин Нақшбанднинг 675 йиллиги ва Ҳожа Аҳрор Валийнинг 600 йиллиги кенг кўламда нишонлангани юртимизда имон, дину-диёнат қайтадан юксалаётганлигига ёрқин далилдир. Бу азиз ва мукаррам зотларнинг бебаҳо асарлари қайта чоп этилмоқда, номлари эса абадийлаштирилмоқда. Республика рўзнома ва журналларида, радио ва телевидение орқали ислом тарихи, маданияти, ахлоқи, буюк муҳаддислар, муфассирлар, фақиҳлар, мутасаввурларга бағишланган маълумотлар изчил равишда эълон қилиб борилмоқда, ислом тарихига оид қатор фильмлар намойиш этилди ва этилмоқда. Мамлакатимиз телевидениеси орқали олиб борилаётган “Маърифатнома” кўрсатуви халқнинг маънавиятини юксалтиришда, диний маърифатини ўстиришда, ислом маънавий қадриятларини ҳаётга, халққа қайтаришда муҳим ижобий роль ўйнамоқда. Мустақиллик шарофати билан “Ислом нури” ҳафтаномаси дунёга келди, кўплаб диний-ахлоқий адабиётлар чоп этила бошланди. Жумладан, Имом ал-Бухорийнинг тўрт жилддан иборат, имом ат-Термизийнинг бир жилдли ҳадис китоблари, бошқа алломаларнинг қатор асарлари юз минглаб нусхаларда чоп этилди⁴³.

Ўзбекистон “Маънавият ва маърифат” жамоатчилик маркази бўлими маҳаллалар, корхона ва ташкилотлар, олий ўқув юртлири, мактабларда, жамоат тўпланадиган жойларда ҳақиқий ва сохта ислом дини, жамиятимиз тараққиётида диний ва дунёвий билимларнинг энг мақбул нисбати, ақидапарастликнинг ва ваххобийликнинг мудҳиш оқибатларини содда, барча фуқароларга тушунарли бўлган тилда, аниқ далиллар асосида тушунтириш борасида кенг кўламда маърифатий ишларни амалга оширди.

⁴³ Ўзбекистоннинг янги тарихи. (3-китоб) -Т.: Шарқ 2000, Б.411.

Ислом маънавиятига тааллуқли қадриятларни тиклаш ҳақида сўз кетар экан, ислом таълимотини ишлаб чиқиш ва ривожлантиришга салмоқли ҳисса қўшган буюк мутафаккирларимизнинг катта маънавий меросини халқимизга қайтариш борасида мустақиллик шарофати билан амалга оширилган ва оширилаётган саъй-ҳаракатларни тилга олмай ўта олмаймиз. IX-XV-асрларда Турон заминида Аҳмад Фарғоний, Муса Мухаммад Хоразмий, Абу Наср Форобий, Абу Али Ибн Сино, Абу Райхон Беруний, Мирзо Улуғбек, Алишер Навоий ва бошқа жаҳонга машҳур қомусий олимлар билан бир қаторда ислом таълимоти ривожига улкан ҳисса қўшган улуғ устозлар ва уламои киромлар ҳам дунёга келди. Ислом оламида энг етук ва машҳур олимлардан ҳисобланган ал- Бухорий, Имом Ибн Муборак ал-Марвазий, аш-Шоший, Жамолиддин ан-Насафий, Имом ат-Термизий, Хожа Аҳмад Яссавий, Абдулҳолиқ Ғиждувоний, Бурхониддин Марғиноний, Баҳоуддин Нақшбанд, Хожа Аҳрор Валий, Абу Мансур Мотурудий сингари буюк зотлар шулар жумласидандир.

Қайд этилган асарларда ватандошларимиздан Қуръони карим оят ва сураларини илмий шарҳлаб баён этиш, тафсирлаш, Мухаммад пайғамбарнинг ҳадиси Шарифларини тўплаб, тартибга солиш, фикҳ фани-ислом ҳуқуқшунослиги, одоб-ахлоқи, шариат қонун-қоидаларини баён этиш ва илмий асослаб, ислом дини ва фалсафасини дунё бўйлаб ёйишда шуҳрат таратган олимлар етишиб чиқдилар. Ҳозирги авлод ўзининг ана шу машҳур ўтмиш аجدодлари-алломалари билан ҳақли суратда фахрланади. Ана шундай алломалардан бири Имом ал-Бухорийдир (810-870). Бу улуғ зот асосий эътиборни кўпроқ ҳадис илмини ҳар томонлама ўрганишга қаратди. Ҳадисларни қиёмига етказиб тўплаш, илмий тартибга келтириш, уларни шарҳлаш ва тарғиб қилиш ишлари билан жуда кўп олимлар шуғулланганлар. Аммо Имом Бухорий ҳадис илмининг пешвоси, ислом оламида энг етук ва машҳур муҳаддисдир. Имом Бухорий ислом динига оид йигирмадан ортиқ асар ёзган. Унинг “Ал-Жомийъ ас-Саҳих”, (“Ишонарли тўплам”) деб номланган тўрт жилддан иборат ҳадислар тўплами Шарқда қарийб ўн икки

аср давомида ислом таълимотида Қуръони каримдан, кейинги асосий манба сифатида юқори баҳоланиб келмоқда. Бу бебаҳо асарга ҳадислардан ташқари фикҳ, ислом маросимчилиги, одоб-ахлоқ, таълим-тарбия ҳамда маънавий-ахлоқий камолотга оид масалалар ҳам киритилган. Унда 600 минг ҳадисдан фақат 7275 та саҳих ҳадисларга ўрин берилган. Ҳазратнинг “Ал-адаб ал-Муфрад” (“Адаб дурдоналари”)номли яна бир бебаҳо асари бўлиб, ундан 1322 та ҳадис ва хабарлар 667 бобда жам қилинган. Бу асар биргина ҳадис илмидагина эмас, балки одоб-ахлоқ, таълим-тарбия бобида ҳам буюк хазинадир. Ана шу хазина, улкан бебаҳо маънавий мерос бугунга келиб мустақиллик туфайли халқимиз маънавиятига келиб қўшилди.

Ана шу улкан хазина, бой маънавий маданиятни яратишга муносиб ҳисса қўшган яна бир донишманд боболардан бири Имом-Термизийдир (824-892). Термизий диний ва дунёвий фанларни, айниқса ҳадис илмини алоҳида қизиқиш билан эгаллаган.

Ўз даврининг етук муҳаддис олими сифатида Имом-Термизий кўпдан-кўп шогирдларга устозлик қилган. У кўпгина асарлар ёзиб, уларни кейинги авлодларга морос қолдирганки, Имом-Термизийнинг мероси ичида “Ал-жомийъ ас Саҳихъ” (“Ишончли тўплам”) номли асари энг қимматли маънавият дурдонасидир. Мазкур асарда комил инсонни вояга етказиш муаммолар ечими ажойиб тарзда баён этилган.

1990 йили 14 сентябрда Тошкентда ат-Термизий таваллудининг 1200 йиллигига бағишланган халқаро илмий анжуман бўлиб ўтди. Президентимиз томонидан анжуман иштирокчиларига юборилган мактубда шундай дейилган эди: “Бугунги кунда Термизийнинг маънавий мерослари нафақат аҳли дин орасида, балки дунёвий илм соҳиблари, кенг миқёсдаги аҳли жамоа орасида ҳам ўз қадрини топаётир. У кишининг шоҳ асарларидан “Китоб ал-жомийъ ас-Саҳихъ” ҳадис илмининг асосий манбаларидан бири ҳисобланади. Алломанинг асрлар давомида фозилу фузалоларга дастур бўлиб келган ақлу одоб, инсофу диёнат, адолату инсонпарварликни тарғиб этувчи ғоялари сердолға давримизнинг мураккаб ва зиддиятли ахлоқий-маънавий масалаларини ҳал

етишда замонавий аҳамият касб этади. Ат-Термизийнинг номи энди ёруғ дунёга юзланди, каро ёр қаъридан отилиб чиқди, халқ қалбига кирди. Мустақиллик унинг табаррук номи ва муборак меросини қайтадан тирилтирди ва юртига, халқига қайтарди.

Ўлкамизда ислом таълимотида етакчи ўрин эгаллаган соҳа-тасаввуфнинг ёйилиши ва ривожига улкан роль ўйнаган алломалардан бири “Хужжатул ислом” (“Исломнинг хужжати”) лақабини олган, мусулмон калом фалсафасининг энг йирик намоёндаларидан бири, кўзга кўринган илоҳиётчи аллома Абу Ҳамид Муҳаммад ибн Муҳаммад ал-Ғаззолий (1058-1116). Унинг диний-фалсафий ғоялари Шарқ мамлакатларида, жумладан Марказий Осиёда ғоят катта таъсир кўрсатди. Тасаввуф фалсафий таълимотининг оқимлари, асосий йўналишлари кўп ва хилма-хилдир. Бизнинг юртимиз-Турон заминидан ва мусулмон Шарқида тасаввуфнинг бир неча тариқати таълимотлари юзага келган ва ёйилган. Булардан энг кўп тарқалганлари яссавия, кубровия, нақшбандия ва бошқа тариқатлардир.

Яссавия тариқатининг асосчиси Ахмад Яссавий (1041-1167). Яссавий тариқатининг энг асосий белгиларидан бири унинг халқчиллиги. Мазкур тариқатда ҳам Оллоҳ, ҳам инсон мадҳ этилади. Яссавий ўзининг “Ҳикмат”ларида инсонни қадрлайди, уни адолатсизликдан, зулмдан ҳимоя этишга даъват этади. Буюк мутафаккирнинг асосий мақсадиодамларни Оллоҳни танишга, унинг яқини бўлишга ундаш, одамни худонинг энг азиз бандаси сифатида эъзозлаш, адолатсизликни қоралаш, бу дунёнинг доғларини инсонга юқтирмасликдан иборат.

Тасаввуф фалсафасининг йирик сиймоларидан яна бири хоразмлик Нажмиддин Кубро эди (1145-1221). Тасаввуфдаги махсус кубравия тариқати унинг номи билан боғлиқ. Шайх Нажмиддин Кубро ўз замонасининг йирик олимларидан саналиб, кейинги авлодларга салмоқли маънавий мерос қолдирган. Бу тариқат одамларни руҳий покланишга, ҳаётга ишонч билан ихлос қўйишга, дунёвий муҳаббатни улуғлашга чақиришда катта ўрин тутди. Бу тариқатда тарки дунёчилик эмас, балки меҳнат асосида бу дунё

ноз-неъматларидан баҳраманд бўлиш орқали оллоҳ васлига етиш ғоялари илгарисурилади. Кубравия тариқатида халқ ва ватан учун хизмат қилиш ватан мустақиллиги учун курашиш ғояси устуворлик қилади. Хуллас, кубравия тариқати ғоялари бизнинг давримиз, тикланиш ва маънавий янгиланиш даври билан ҳамоҳанглиги шубҳасиз.

Тасаввуф фалсафаси XIV асрда нақшбандия таълимотида янада ривожланди. Марказий Осиё ҳудудида тасаввуф фалсафасининг Баҳоуддин Нақшбанд (1318-1389) номи билан машҳур “Нақшбандия” таълимоти юзага келди ва кенг тарқалди⁴⁴. Мазкур таълимот меҳнат қилиш ва ўзининг ҳалол меҳнати билан кун кўриш вазифасини юклайди.

“Дил Оллоҳ ёди билан, қўл меҳнат билан банд бўлсин” деган сўзлар нақшбандия тариқатининг бош нақли. Инсонни меҳнатсеварликка чорлаш ҳар бир жамиятда ҳам табиийки, умумтараққиётга ижобий таъсир кўрсатган. Нақшбандия тариқатининг буюк кучи шундаки, бу таълимот инсон кадр-қимматини юксалтиришга, инсонни унинг руҳий дунёсини бойитиш эвазига ҳам озод, ҳам машғул қилишдек улуғвор вазифани амалга оширишга хизмат қилади.

Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислом Каримовнинг “Тошкентда Ислом уннверситетини ташкил этиш тўғрисида” 1999 йил 7 апрелда қабул қилган Фармони тарихий аҳамиятга эга бўлди. Тошкент Ислом университети зиммасига, ғоят масъулиятли долзарб вазифа-халқимизнинг муқаддас эътиқоди-ислом динига оид боп маънавий-маданий меросини асраб авайлаш, диёримиздан етишиб чиққан буюк алломаларнинг илмий ғоялари ва асарларини чуқур ва ҳар томонлама ўрганиш, аجدодларимиздан қолган ноёб манбалар асосидаги тадқиқ этилган маълумотлар билан халқимизнинг диний саводхонлигини ошириш вазифаси юкланди. Мазкур олий ўқув юрти диний қадриятларни, ислом маънавиятини қайта тиклаш, янада бойитиш ва халқимизга етказиш ишига ҳам муносиб ҳисса қўшишига аминмиз.

⁴⁴www.google.uz

Халқимизга қайтарилаётган миллий маданий - маънавий қадриятлар чиндан ҳам жамиятимиз маънавий покланишининг муайян замини бўлиб қолаётир. Президентимиз Ислом Каримов таъкидлаганидек. “Мустақиллигимизнинг дастлабки кунлариданок аجدодларимиз томонидан кўп асрлар мабойнида яратиб келинган ғоят улкан, бебаҳо маънавий ва маданий меросни тиклаш давлат сиёсати даражасига кўтарилгани ниҳоятда муҳим вазифа бўлиб қолди”.

Истиқлол она диёримизнинг буюк фарзандлари, улуғ сиймоларининг номларни фахру ифтихор билан тилга, ёдга олишга, таваллудларини умумхалқ тантанаси сифатида кенг нишонлашга, уларнинг асарларини она тилимизга чоп этиб, халқимиз маънавий камолотини таъминлашга қулай имкониятлар юзага келтирди. Шунингдек мустақиллик собиқ тоталитар ижтимоий-сиёсий тузум ҳукмронлик қилган йиллардаги халқимиз тарихига, маданияти, маънавий ҳаётига бирёқлама ёндашшдек ижтимоий иллатдан онгимизни холи этди. Мустақиллик бизнинг миллий-маънавий илдизларимиз нақадар теран, нақадар бақувват эканлигини очиқ - ойдин кўрсатиб берди. “Биз,-дейди Президент Ислом Каримов,- бошқаларни камситиш ниятидан йироқмиз. Аммо бугунги айрим салтанатлар аҳли қабила-қабила бўлиб яшаган замонларда бизнинг муборак заминимизда илму-фан барқ уриб яшнаган, табиий илмлар, хусусан тиббиёт, математика, астрономия каби фанлар мадрасаларда ўқитилгани, илмий академиялар ташкил этилиб, мағрибу-машриққа ном таратганини эсласак ва бундан ҳар қанча ғурурлансак арзийди”. Бу бўлимдаги фикрларнинг мухтасар қилишдан қуйидаги хулосаларга келиш мумкин:

1. Асрлар мобайнида халқимизнинг юксак маънавияти, адолатпарварлик, маърифатпарварлик каби эзгу фазилатлари шарқ фалсафаси ва ислом дини таълимоти билан узвий равишда уйғунликда ривожланиб келгани, ана шу анъана тикланиб, янада тараққий эттирилиб, халқимиз тафаккурига мос. тушунарли ва яқин бўлган Шарқ фалсафаси билан бир қаторда ислом

маънавияти ва таълимоти ҳам тикланиб, улардан мустақиллигимизнинг маънавий заминини мустаҳкамлаш манфаати йўлида фойдаланмоқдамиз.

2. Маънавий меросимизга улкан хисса қўшган Аҳмад Яссавий, Баҳоуддин Нақшбанд, Имом ал-Бухорий, Имом ат-Термизий, Амир Темур, Мирзо Улуғбек, Алишер Навоий, Бобур Мирзо сингари мутафаккир аждодларимизнинг меросини ўрганиш, айникса, ёшлар ўртасида тарғиб қилиш муҳимдир.

3. Улуғ боболаримиз Имом ал-Бухорий, Имом ат-Термизий, Хожа Аҳмад Яссавий, Хожа Баҳоуддин Нақшбанд, Нажмиддин Кубронинг маънавиятни шакллантиришда инсонни маънавий етукликка чорловчи диний, ахлоқий ва фалсафий-ҳуқуқий ҳикматларидан оқилона фойдаланишимиз лозим.

2.2. Ёшларнинг маънавий онгини шакллантиришда исломий қадриятларнинг ўрни

Исломнинг жаҳон дини мақомига мос келадиган ғоят катта ҳажмли, теран мазмунли, кенг қамровли мўътабар манбалар мавжуд. Булар, энг аввало, Қуръони каримдир. Бу муқаддас ёзув жаҳоннинг энг йирик тилларидан барчасига таржима қилинган ва миллионлаб нусхаларда чоп этилган, ханузгача нашр этилмоқда.

Исломнинг яна бир муқаддас манбаи ҳадислардир. Уларнинг тўплами - суннатдир. Юзлаб араб муҳаддислари ва ўнлаб Марказий Осиёлик муҳаддислар тўплаган, дунёдаги энг йирик халқлар тилларига таржима қилинган ҳадислар исломнинг ғоят бой, кўп қиррали манбаи ҳисобланади. Исломнинг бутун оламга машҳур бўлган яна бир манбаи шариат меъёрларидир.

Ўзбекистон республикаси мустақилликка эришгандан буён иқтисодий, ижтимоий, сиёсий, маданий соҳаларда халқ ҳаётини фаровон қилиш йўлида улкан ўзгаришлар амалга оширилди; унинг ҳар бир йили сермахсул, сермазмунлиги билан яққол кўзга ташланиб турибди. Айникса, маданий

меросимизни тиклаш давлат сиёсатидан муносиб ўрин олиб, ота-боболаримиз яратган бойликлардан халқимизни, жумладан ёш авлодни баҳраманд қилиш, маънавиятини юксалтириш йўлида давлатимиз кўрсатаётган ғамхўрлик доимо сезилиб турибди.

Халқнинг, хусусан қишлоқ ёшларининг маънавияти, бир қанча объектив шарт-шароит ва субъектив омилларга боғлиқ. Буларнинг орасида умуман динлар, айниқса, ислом, унинг манбалари, дунёвий, реал кадриятлари муҳим субъектив омил сифатида ёшлар маънавиятини шакллантиришга ўз таъсирини ўтказмай қолмайди.

Демократик ва ҳуқуқий давлат қуришга киришилган Ўзбекистонда бугунги ва келгуси ёшларнинг қандай дунёқарашга эга бўлишлигига асло бефарқ қарай олмаймиз. Агар бу ёшларнинг диний манбалар мазмуни ва тахлилидан четлатиб, хабардор қилмасак унда улар диний тарғиботга берилиб, диний дунёқараш мавқега ўтиб, унга берилиб кетишлари ёки турли чалкашликларга йўл қўйишлари мумкин. Шунинг учун биз ушбу бўлимда юқоридаги масалаларни ёшларга қай усулда, қандай етказиш ва улар маънавиятини шакллантиришга хизмат қилдириш хусусида фикр юритамиз.

Республикаимиз мустақиллигига қадар диннинг, жумладан исломнинг ўрни ва унга тааллуқли манбаларнинг кишилар ҳаётидаги ролига бир томонлама ёндашилган, унга фақат салбий баҳо берилиб келинган эди. Мустақиллигимиз шарофати туфайли динга давлатимизнинг адолатли муносабатининг ўрнатилиши халқимиз истагини рўёбга чиқарди.

«Мустақил давлатимизининг сиёсатини белгилаб олар эканмиз, - деган эди Ислом Каримов, - ислом динимизни албатта назарда тутишимиз керак. Негаки. дин турмуш тарзимизга. маънавий кадриятларимизга. кишилар онгига ўзининг ўчмас муҳрини босган.... динга нисбатан ижобий муносабат ташқи сиёсатимизда, айниқса мусулмон давлатлари билан ўзаро алоқаларимизни кенгайтиришда катта аҳамиятга эга...»⁴⁵ Бу Президентимизни кишилар ҳаётида диннинг ўрни, маънавиятимизни

⁴⁵ Каримов И.А. “Истиқлол ва маънавият” -Т.: “Ўзбекистон”, 1994, -Б 15.

ривожлантиришга қўшган ҳиссаси ҳақида адолатли равишда айтган фикрлари эди.

Дарҳақиқат, «Дин одамзотни ёмон йўлга бошламайди. Яна-дин бу дуненинг уткинчи эканини охиратни эслатиб туради. Одамболасини ҳушёр бўлишга, харом йўллардан узоқ юришга, яхши бўлишга, яхши из қолдиришга ундаб туради.»⁴⁶

Республикамизнинг кўзга кўринган таниқли шарқшунос, тарихчи, файласуф, адабиётшунос, тилшунос олимлари иштирокида тайёрланган «Буюк сиймолар, алломалар» китобида Марказий Осиёнинг IX-XII асрлардаги маданияти ва унинг энг йирик ҳамда машҳур вакиллари Хоразмий, Бухорий, Фаробий, Ибн Сино, Беруний, Замахшарий, Яссавий, Кубро каби олим ва уламолари ҳақида қимматли маълумотлар берилган. Бошқа китобларда Марғиновий, Бухорий, Термизий, Замахшарий, Яссавий, Кубро, Нақшбанднинг ҳаёти ва ижодлари ҳақида материаллар берилган.

Рабғузий «Қиссаси Рабғузий»⁴⁷ асарида пайғамбарлар ҳақида турли қиссалар келтирган. Унда улуғланган шахслар (Довуд, Сулаймон) ҳақида ҳам қиссалар бор. Бу асарнинг ёшлар маънавиятини юксалтиришда ўйнайдиган роли шундаки, китобда инсонларнинг ўзаро тўғри муносабатларда бўлишга, бир-бирларига нисбатан жабру-зулм қилмасликка, ноҳақ қон тўкмасликка, харом-хариш ишларга берилмасликка, шарм-хаёи йўқотмасликка ундовчи ўғитлари бугунги кунда ҳам ўз аҳамиятини йўқотгани йўқ.

Исо Термизийнинг «Саҳихи Термизий» ва «Шамоили Муҳаммадия» асарлари пайғамбарнинг қилган ишлари, хулқ- одоблари ва юриш-туришларига оид ҳадисларни ўз ичига олган. Ушбу ҳадислар кишиларни гуноҳлардан, ёмон одатлардан сақланишга ва ўзида яхши фазилатларни шакллантиришга даъват этади. Термизийнинг «Саҳихи Термизий» китоби ҳақида яна шуни айтиш лозимки, бу асарни узоқ йиллардан бери диний соҳада хизмат қилиб келаётган, ислом муаммоларини яхши биладиган,

⁴⁶ Шу манба, -Б. 15.

⁴⁷ Аз-Замахшарий. Нозик иборалар шарқ улуғлари сериясидан -Т.: "Камалак" 1992. Носируддин Бурхониддин Рабғузий. "Қиссаи рабғузий" -Т.: Ёзувчи, 1990.

таниқли дин арбоби Абдугани Абдулло араб тилидан ўзбек тилига таржима қилган. Бу китобга фақат танланган ҳадислар киритилган. Асар «Абу Исо Термизий»нинг фаолиятига бағишланган мақола билан бошланган. Унда ёшларнинг дунёқарашларини шакллантириш учун ибратли ривоятлар, жумладан имом Термизий йигирма ёшга етганида Хуросон шайхларидан Марвазийдан ва бошқалардан билим олгани, сўнг 25-26 ёшларида Ироқга бориб, бу ердаги уламолардан сабоқ олгани, сўнг узоқ йиллар ҳадис тўплаш билан банд бўлгани ва энг муҳими, унинг ҳаётида имом Бухорий билан бўлган учрашув, у билан бирга бўлган даврларида ҳадисларнинг матни, ҳикмати, фалсафаси ҳақида анчагина билимлар олгани баён этилган. Улуғ муҳаддис Имом Бухорий ўз шогирди Имом Термизийни мақтаб камтарлик билан: «Сен мендан баҳра топганингдан кўра мен сендан кўпроқ баҳра топдим», деди. Бу Термизийга берилган катта баҳо эди.⁴⁸

Бу икки буюк уламо ўртасидаги нафис ва илиқ дўстлик, диққатга сазовор камтаринлик, билимга чанқоқлик, одамийлик муносабатлари барча ёшларга ўрнак бўлишга арзийдиган фазилатлардир.

Ислом алломаларидан Имом Бухорийнинг ижоди ҳам ёшларда маънавий баркамолликни шакллантиришда алоҳида ўрин эгаллайди.

Имом-Бухорий ҳадисларни тўплашда ва тартибга солишда жуда катта ишларни бажарган. 600 мингга яқин ҳадис тўплаб, ундан 7275 тасини саҳих, яъни ишончли деб топган.

Исмоил Бухорийнинг маънавий томондан ёшларга намуна бўладиган фаолият кечирганлигини қайд қилиш лозимдир. У ёшлик чоғиданоқ билимга чанқоқлиги, ўн ёшларида араб тилини, диний манбаларни ўрганишга, ва ҳадис китобларини ўқишга, ёдлашга қунт билан киришгани, Бухоролик муҳаддислар ал-Пойкандий (777-839), ал-Жуфий (вафоти-843) ва бошқалардан ҳадис ҳақидаги билимларни ўрганиб, кўп ҳадисларни ёд олгани диққатга молиқдир.

⁴⁸ Абу Исо Термизий “Саҳихи Термизий” (Танланган ҳадислар) -Т.: Г.Гулом, 1993.

Бухорий 16 ёшларида хаж сафарига чиққан. Сафар даврида Балх, Басра, Куфа, Бағдод, Дамашк, Миср, Макка, Мадина каби кўплаб шаҳарларда бўлиб, машхур мухаддислардан хадисларнинг сиру-асрорларини ўрганган. У ғоят истеъдодли, зийрак, мулоҳазалари ўткир уламо бўлган. Ривоят қилишларича, у қайси бир китобни қўлига олиб, бир марта мутолаа қилса, ҳаммаси ёд бўлиб қолаверар экан. Ундан ташқари унинг ўзи хадисшунослик пешвоси бўла туриб, асрдошлари, ҳаммаслаклари, вақти келганда, ҳатто шогирдларидан ҳам тортинмай билим олганлиги тарихий манбалардан маълум.

Бухорий 20 ёшларидан эътиборан китоб ёза бошлаган. Унинг «Ал-жоме ас-Сахих» ва «Ал-адаб ал-муфрад» дан ташқари йигирмага яқин китоблари бўлиб, кўплари бизгача етиб келмаган⁴⁹. У ёзган асарларнинг бир қисми ахлоқ, одоб масалаларига бағишланган бўлиб, ёшларнинг маънавиятини юксалтиришда, имонли, эътиқодли бўлиб етишлари учун ғоят муҳим манба бўлиб хизмат қилиши керак.

Ёшлар маънавиятини ривожлантиришда уларга ислом манбаалари ҳақида қисқача маълумот бериш билан кифояланиб, асосан ахлоқ-одоб, маънавиятга тегишли томонлари билан таништириш мақсадга мувофиқдир. Ислом манбалари Қуръон, Сунна, шариат ҳисобланиб, улар ҳақида ёзилган шарҳ, тафсир, диний адабиётларислом илоҳиётининг, таълимоти ва амалиётига ислом ва унинг таълимоти ҳақида мусулмон мамлакатларида, Марказий Осиёда илоҳиётчилар ўтган тарихий даврларда қанчадан-қанча китоблар ёзишганки, улар ҳам ислом манбаларини тўлдирувчи асарлар қаторига кирган.

Мазкур китобларда турли ривоятлар, Оллоҳнинг марҳамати, ягоналиги, қудрати, имон, эътиқод, ахлоқ-одоб ва бошқа масалалар ўрин олган. Масалан, «ас-Сахих ал- Бухорий» нинг 1-чи жилдида имон масалалари, исломда намоз, хаж, рўза ва бошқа маросимлар ҳамда болалар тарбияси ҳақида фикр юритилган. Келтирилган хадисларнинг бирида илм ҳақида

⁴⁹Имом Исмоил Ал-Бухорий. “Ал-адаб ал-муфрад” (Адаб дурдоналари) -Т., “Ўзбекистон”, 1990, -Б. 8-9.

жумладан бундай дейилган: «илмга эътиборсизлик, нодонлик, ароқхўрлик ва зинокорликнинг оммавий тус олмоғи қиёмат аломатидандир».⁵⁰

Имом Термизийнинг «Шамоили Муҳаммадия» китобида Набийнинг қилган ишлари, хулқ-одоблари ва юриш-туришларига оид ҳадислар тўпланган. Ушбу ҳадислар кишиларни ёмон одатлардан сақланишга, ўзида энг яхши инсоний фазилатларни шакллантиришга ундайди.

Мустақиллик шароитида ислом ва унинг муқаддас ёзувлари ҳақида яратилган адабиётлар қаторида яна бир гуруҳ исломшунос олимларнинг асрларини қайд этиш мумкин; уларда исломнинг жамиятда тутган ўрнига ҳолисона баҳо берилган, айниқса унга тегишли манбаларнинг тарбиявий, ахлоқий аҳамиятига катта эътибор берилган.⁵¹ Булар орасида «Диншунослик асослари» дарслиги ҳам салмоқли ва нуфузли ўрин олган. Академик Бўрибой Аҳмедов Қуръоннинг ўзбек тилига таржима қилиниши муносабати билан бундай деб ёзган эди: «...мамлакатимиз ижтимоий-сиёсий ҳаётида туб бурилиш бошланди. Кўпдан орзу қилганимиз яхши замонлар келди. Йўқотиб қўйган кадриятларимизни бирин-кетин қайтариб олаяпмиз. Шулар қаторида жаҳондаги барча мусулмонларнинг, умуман яхши ниятли одамларнинг ихлос қўйган китоби Қуръон ҳам қайтарилаяпти. Қайтарилганда ҳам ўз она тилимизга ўгирилган ҳолда қайтарилаяпти. Адлу-инсоф, поклик ва тўғрилиқ ғояларини тарғиб этувчи бу улуғ китобнинг ўзбек тилига таржима қилиниши (бу иш биринчи марта амалга оширилаяпти) кўп адолатли, савобли иш бўлди. Ушбу хайрли юмуш тепасида турган ёзувчилар уюшмаси, «Шарқ юлдузи» журнаliga, таҳрир хайъатига чуқур миннатдорчилик билдираман».

И.Худойбердиевнинг «Ислом, шахс ва миллий психология» китобида ҳадислар ҳақида мулоҳаза юритилиб, ундаги дастурларнинг тарбиявий аҳамиятини кўрсатишга ҳаракат қилинган. «Шуни айтиш керакки, - деб таъкидлаган И.Худойбердиев, - Муҳаммад пайғамбар ҳақидаги ҳадисларни, «Қуръон» нинг ўзбекча таржималарини биз донишмандлик асарлари

⁵⁰ Ҳадис, 1 том -Т.: Комуслар бош таҳририяти, 1991 йил, -Б. 36.

⁵¹ «Диншунослик асослари» -Т.: «Ўзбекистон» 1995 йил

сифатида кенгрок ўрганишимиз лозим. Масалан, биргина Муҳаммад тўғрисидаги хадисларни олиб кўрайлик. Уларда кишиларнинг бир-бирига бўлган муносабати, хурмати, меҳр-оқибати тарбиявий аҳамиятга эга бўлган бебаҳо, такрорланмас фикрларда ўз аксини топган».⁵²

Диний манбаларнинг, хусусан Қуръоннинг ўзбек тилига таржима қилиниши ундаги ахлоқ-одоб ва умуман инсоний фазилатлар ҳақида фикр юритиш ва ундан фойдаланиш имкониятини вужудга келтирди. Масалан «Диншунослик асослари» китобида Қуръон ҳақида шундай фикр юритилади: «Қуръон йирик тарихий ва маданий ёдгорлик сифатида VII асрдаги араблар ҳаёти ва қарашларининг кўп соҳаларини ўзида акс эттирган. Унда диний-фалсафий тасаввурлар ва ривоятлар, қабила-уруғчилик ҳаёт тарзига хос анъана, урф-одат ва маросимлар, ижтимоий ва иқтисодий муносабатларни тартибга солувчи ҳуқуқий ва ахлоқий қонун ва қоидалар, жумладан, оила-никоҳ, аждодлар ва авлодларга муносабат, мулкчилик ва ворисчилик, савдотик, қарз муаммоларига хос кўрсатмалар ва бошқалар ўз ифодасини топган. Ана шу жумладан Қуръоннинг ахлоқ, виждон, инсоф, диёнат ва ҳалоллик каби соҳалардаги умумбашарий аҳамиятга молик йўл-йўриқлари, қоидалари ҳозирда ҳам ғоят зарур эканлигини алоҳида такидлаш керак».⁵³

Диний манбалардан тарбиявий ишларда, маънавиятимизни бойитишда фойдаланганда улардаги умумбашарий ахлоқ масалаларига эътиборни ҳам қаратиш лозим бўлади. Акс ҳолда барча ахлоқий дастурлар, ҳаёт учун зарур ижобий маслаҳатларга соф диний тус берилиб, ёшларда биргина диний дунёқарашнинг шаклланишига олиб келиши мумкин, Қуръонда ҳам «бешиқдан то қабргача билим ол» деган оят битилганда фақат диний билимлар эмас, балки дунёвий билимлар олиш кераклиги ҳам назарда тутилади.

Мусулмонлар учун энг мўътабар ва муқаддас ҳисобланган Қуръонни исломшунос олимлар ундаги ахлоқий мезонни ҳам ўрганиб, уларни қандай

⁵² Худойбердиев И. Ислом, шахс ва миллий психология. -Т.: Ўзбекистон, 1994, -Б. 56.

⁵³ Диншунослик асослари, -Т.: Ўзбекистон 1995. -Б. 113-114.

йўналишда эканлиги ҳақида ҳам фикр юритганлар. Масалан, исломшунос олим М.А.Усмоновнинг ёзишича: «Қуръон ва бошқа манбаларда белгиланган, исломда ахлоқий принциплар комплексига айланган барча нормаларни уч қисмга ажратиш мумкин:

1. Барча динлар каби исломда ҳам ўрин олган умуминсоний ахлоқ нормалари киради: одам ўлдириш, ўзини-ўзи ўлдириш, ёлгончилик, фирибгарлик, ўғрилиқ, босқинчилик, бировнинг ҳаққига хиёнат қилиш, кайф қиладиган ичимликлар ичиш, қимор ўйнаш, тажовуз қилиш, зино ва бошқалар тақиқланган; бировга яхшилик қилиш, камбағалга, етим-есирга ёрдам бериш, виждонлилик, инсонийлик ва бошқа қанчадан-қанча яхши ишлар буюрилган».

Дарҳақиқат, ислом кенг тарқалган мамлакатларнинг узоқ ва яқин ўтмишдаги тарихига назар ташласак, бу кўрсатмалар мусулмонлар ҳаётида катта рол ўйнаганлигини кўрамыз. Исломнинг умуминсоний ахлоқ нормаларини ҳаётга тадбиқ қилиб, жамият ахлоқини тартибга солишда кенг фойдаланилган.

Яна Қуръоннинг ахлоқий мезонлари ҳақида ёзилган олимларнинг фикрларини келтирамыз. Таниқли филолог олим Х.Кароматовнинг «Қуръон ва ўзбек адабиёти» китобида Қуръон сура ва оятларининг мусулмонлар ҳаётида тутган ўрнига, адабиёт ва халқ оғзаки ижодига таъсирига эътибор берилган. Мазкур асарда муаллиф жумладан бундай деб ёзган: «Шарқ ва кенг кўламда жахон адабиёти таркибида ўзбек адабиёти ҳам Қуръонни асрлар давомида турлича ўзлаштирган ва унинг мавзуси асосида турли асарлар яратган. Қуръоннинг матни 14 аср давомида ўзгаргани йўқ. Аксинча, ундаги иборалар турли тилларга сингиб ўтиб, ўзига хос қуръоний иборалар сифатида турли халқларнинг мақол ва маталларига асос солди. Бир сўз билангина олам-олам маънони ифодаловчи иборалар жилоланиб, тарих нафаси жонланди. Қуръоний ибораларнинг ўзбек адабиёти, мақол ва маталлардаги

салмоқли ўрнини кўрсатувчи салмоқли қомус яратиш ҳали олдимизда турган савобли ва баракали ишлардан бири бўлиб келмоқда».⁵⁴

Академик Э.Юсупов таҳрири остида нашр этилган «Тижорат ва имон» рисоласида ҳам ислом манбаларидан ислом маънавиятига оид, фарз бўлган амаллар, вожиб амаллар, суннат ҳисобланадиган амаллар ва шариатга тегишли бошқа инсонийлик фазилатлари ёритилган. «Миллий маънавият, дин, имон билан боғлиқ бўлган қадриятлар барбод этилиши,- деб ёзган эди муаллиф, - кишилар ўртасида худбинлик, ҳалол билан ҳаромнинг фарқи бормаслик, адолат талабларига риоя қилмаслик, ҳалол меҳнатни менсимаслик сингари иллатлар кучайишига олиб келди. Булар тоталитар-буйруқбозлик тузуми келтириб чиқарган маънавий иллатларнинг энг хавфлиси эди... Бой тарихий тажрибани ўзида мужассамлаштирган шариат ҳуқуқлари асрлар давомида кишилар ўртасидаги муносабатларда инсонпарварлик, адолат барқарор бўлишида катта аҳамият касб этди. Шариат қоидалари ҳозирги кунда ҳам кишиларда яхши хислатлар шаклланишига ижобий таъсир кўрсатмоқда,⁵⁵ - деб ёзилган.

М.С.Имомназаровнинг «Миллий маънавиятимизнинг такомил босқичлари» китобида узоқ ўтмишга хос маънавиятимиз такомили ҳақида тўхталиб, улар «Авесто» ёзуви ва тошбитикларда, шунингдек Шумер, Бобил ва Ашшор, қадимги Миср ва Юнон, Хинд ва Хитой манбаларида, Эрон шаханшоҳларидан қолган тошбитикларда, халқ оғзаки ижоди, урф-одатларида акс этилганлигини баён қилади. Лекин муаллиф асосий эътиборни ислом таълимотга қаратиб, «Ислом даври манбалари қадим даврга нисбатан беқиёс даражада бой ва ишончлироқдир. Ислом давридан бошлаб, айтиш мумкинки, масалага илмий ёндашув имкони жиддий тарзда оқади ва миллатнинг маънавий камолот босқичлари минтақа маданияти доирасида аниқ тарихийлик касб этади»,⁵⁶ -деб ёзган.

⁵⁴Кароматов Хамидулла. “Қуръон ва ўзбек адабиёти” -Т., 1993 йил, -Б. 6.

⁵⁵Кароматов Хамидулла “Қуръон ва ўзбек адабиёти” -Т., 1993 йил, -Б. 60.

⁵⁶Имомназаров М. Миллий маънавиятимизнинг такомил босқичлари. -Т., “Шарқ” нашриёт-матбаа концернининг бош таҳририяти, 1996, -Б. 9.

Қуръоннинг сура ва оятларида маънавиятимизга оид ахлоқий мезонлар хусусида кўплаб кўрсатмалар, маслахатларни топишимиз мумкин. Аммо улардан фойдаланишда ўринли, бугунги замон талабига мос ҳолатда, яхшиликка даъват этувчи мезон сифатида ёшлар тарбиясида ижодий қўллаш лозим. Масалан, Қуръонда адолат масалалари бўйича бир қанча оятларни топиш мумкин; 4-чи суранинг 58-оятида шундай фикрни ўқиш мумкин: «Албатта, Оллоҳ сизларни омонатларигизни ўз эгаларига топширишга ва одамлар орасида ҳукм қилганингизда адолат билан ҳукм қилишга буюради». Маълумки адолат, айниқса, ижтимоий адолат, жамиятнинг ривожланишида, халқларнинг тинч-тотув яшашида, мамлакатнинг барқарор туришида, жамият олдига қўйган вазифаларни тезроқ ижобий ҳал этишда бу масалага алоҳида эътибор берилиши катта аҳамиятга эгадир. Шунинг учун ҳам Ислом Каримовнинг Олий мажлис кенгашларида ва вилоятлар халқ депутатлари кенгашларидаги нутқларида ижтимоий адолат масалаларига алоҳида эътибор берилган. Жумладан, юртбошимиз 1993 йил 9 октябрда халқ депутатлари Сирдарё вилояти кенгаши сессиясида сўзлаган нутқида ижтимоий адолат нормалари бузилганлигидан, тергов ва суд идоралари яхши ишламаётганлигидан қайғуриб, бундай деган эди: «Вилоятда халқ нонини туя қилаётганларга нисбатан кескин чоралар кўрилмаяпти. Зиммасига юклатилган вазифани бажармаса, бу идоранинг нима кераги бор? Порахўрлик учунми? Оддий фуқарони ҳимоя қилиш учун эмасми? Табиий савол туғилади: милиция ўз бурчини бажармаса, божхона ходимлари порахўр бўлса, прокурор заиф бўлса, ҳокимларни қулоғи қар, кўзи кўр бўлса, оддий фуқаро кимга боради? Уни ким ҳимоя қилади? Қани адолат, қани ҳақиқат? Шу ишни бажармаса, елкасига погон таққанлар нимага керак? Нима учун уларга отнинг калласидек ойлик бериб қўйибмиз? Нима учун шунча шароит яратиб бердик? Одамларни ҳимоя қилиш учун эмасми?»⁵⁷. Бу саволларга жавоб бериб, нотиқ яна бундай деган эди: Оддий одамлар, халқ ана шу воқеаларни, қинғирликларни кўради-да, унда ҳаммаси қуруқ гап, адолат йўқ,

⁵⁷ Каримов И.А. Биздан обод ва озод ватан қолсин., Т.2. –Т.: Ўзбекистон, 1996. 158-бет

бўлмаган ва бўлмайди ҳам деган фикр туғилади. Энг ёмони шунда... Яна ачинарли жойи шундаки, вилоятда ижтимоий адолатни яхши йўлга қўйилмаганлиги оқибатида 1993 йилнинг 9 ойи мобайнида 1693 жиноят қайд этилган бўлиб, шундан 415 таси фош этилмай қолган. Рўйхатга олинган 52 та қотилликдан фақат 25 таси судда кўрилган, холос. Фуқаролар мулкани ўғирлаган 600 жиноятчидан фақат 351 нафаргина жазога тортилган, холос»⁵⁸.

Неча минг йиллар ота-боболаримиз эътиқод қилиб келган исломнинг муқаддас ёзувида кўрсатилган адолат дастурларига, авлод-аждодлар меросига юксак ҳурмат билан қараётган давлатимиз раҳбари «Ўзбекистон XXI аср бўсағасида:...» китобида ҳам адолат масалаларига яна бир бор эътибор бериб, бундай деб ёзган: «...жиноятчилик ва коррупция жамиятнинг маънавий ва ахлоқий асосларини емиради. Жамият аъзоларининг фуқаролик мавқеини йўққа чиқаради. Амалга оширилаётган ўзгаришларга салбий муносабат вужудга келиши учун шароит яратади»⁵⁹.

Дарҳаққат, «Куч - адолатда» деган шиор давлатимиз сиёсатида муҳим ўринни эгаллайди. Бинобарин, жамиятимиз ижтимоий-иқтисодий асосларининг барча жабҳаларида, таълим-тарбия ва маънавиятимизнинг жами қирраларида, хусусан ёшлар ўртасида инсоний муносабатларда адолатнинг ўрнатилиши жамиятимиз истиқболининг долзарб муаммоларидан биридир. Албатта, адолатнинг жамиятимиз ривожининг барча томонларида ўрнатилиши мустақиллик даврида қабул қилинган қонунларга асосланади.

Бундай фойдали маслаҳатлар ҳадисларда ҳам кўплаб келтирилган: масалан, «Одамлар билан хушмуомулада бўлинглар. Одамларга қаттиқ қўллик қилиб, беҳаё сўзламанглар» «Ёшлиқда олган билим тошга ўйилган нақш кабидир», «Таъмагирлик уламоларнинг қалбидаги ҳикматини кетказди», «Тонгги уйқу ризқни қисқартиради», «Ҳаё доимо яхшилик

⁵⁸Каримов И.А. «Ўзбекистон XXI аср бўсағасида: хавфсизликка таҳдид, барқарорлик шартлари ва тараққиёти кафолатлари». Т., 1997.89-бет

⁵⁹ Каримов И.А. «Ўзбекистон XXI аср бўсағасида: хавфсизликка таҳдид, барқарорлик шартлари ва тараққиёт кафолатлари». –Т.: Ўзбекистон. 1997.

келтиради», «Чакирилган жойга боринг», «Қўй боқинглар, чунки у баракадир» ва ҳоказо.

Юқорида келтирилган даъват ёшлар маънавиятини шакллантиришда катта фойда келтириши турган гап. Шуниси маълумки, ёш авлодларнинг дунёқарашини, маънавиятини шакллантириш оиладан бошланади. Унинг кейинги босқичида ўқув ва меҳнат масканлари, жамоатчилик, яъни ижтимоий фикрнинг таъсири кучли бўлади. Шунинг учун оила, мактаб, маҳаллаларнинг биргаликда ижтимоий масалаларни ҳал қилиш билан ёшларни тарбиялашга ва маънавиятини шакллантиришга алоҳида эътибор берилмоқда.

Ушбу бўлимда баён этилган фикрларнинг таҳлилидан қуйидаги хулосаларга келиш мумкин: 1. Ёшларнинг маънавий дунёқарашини шакллантиришда ислом манбаларида(Қуръон, ҳадис, шариат ва бошқалар) ахлоқ-одобга оид панд-насихатлардан оқилона фойдаланиш мумкин; 2. Ёшлар маънавий дунёсини шакллантиришда дунёвий илмлар билан диний билимларни уйғунликда олиб бориш мақсадга мувофиқдир; 3. Оммавий ахборот воситаларида бериладиган материаллардан фойдаланишда, айниқса, чет элдан узатиладиган ахборотларга танқидий кўз қараш лозим; 4. Ёшлар маънавий онгини шакллантиришда диний қадриятлар миллий қадриятлар билан уйғунликда бўлиши лозим.

III БОБ. МАЪНАВИЙ ТАҲДИДЛАР ВА УЛАРГА ҚАРШИ КУРАШИШ ВОСИТАЛАРИ

3.1. Маънавий таҳдидлар ва унинг зарарли оқибатлари.

Ислом дини ижтимоий ҳаётнинг деярли барча жабҳаларида яъни шахс ва жамият муносабатлари масаласида, инсонпарварлик, адолатпарварлик нуқтаи-назарида ёндошилган ғоялари халқимизнинг ўтмиш тарихида ҳам, ҳозирги даврда демократик давлат ва фуқаролик жамияти қуриш жараёнида ҳам муҳим маънавий-ахлоқий ва ғоявий аҳамиятга эга бўлиб келмоқца.

Аммо тарихдан, шу жумладан, ислом дини тарихидан маълумки, айрим ҳолларда диндан фақат эзгу мақсадлардагина эмас, тубан мақсадларда ҳам фойдаланилган. Ана шундай ҳодисалардан бири диндан маънавий-ахлоқий, маърифий мақсадлар учун эмас, балки, сиёсий мақсадлар учун фойдаланишдир. Тарихда диндан бундай қарама-қарши мақсадларда фойдаланишнинг, унинг ҳозирги даврда фожиаи оқибатларининг назарий, методологик масалалари Президентимиз Ислом Каримов томонидан 1997 йилдаёқ «Ўзбекистон XXI аср бўсағасида:...» асарида ишлаб чиқилди. Чунончи, Президентимиз тарихда диндан вайрон қилувчи куч сифатида ҳам фойдаланилгани ҳақида шундай ёзади: «Афсуски, инсоният тарихида диний онгнинг ажралмас қисми бўлган одамлардаги эътиқоддан фақат бунёдкор куч сифатида эмас, балки вайрон қилувчи куч, ҳатто фанатизм (ўта кетган мутаассиблик) сифатида фойдаланилганлигини кўрсатувчи мисоллар кўп»⁶⁰.

Шунингдек, Президентимиз ислом дини ҳозирги даврда ҳам муайян Ўзбекистон шароитида жамиятимизнинг ижтимоий, маданий-маънавий тараққиётида улкан хизмат қилиши ва хизмат ҳам қилаётганини таъкидлаган ҳолда, ислом динидан ҳокимият учун кураш воситаси сифатида фойдаланаётган айрим кучларнинг саъй-ҳаракатлари туфайли катта хавф сақланиб қолаётганини ҳам таъкидлайди: «Бир томондан, ислом динининг

⁶⁰ Каримов И.А. Ўзбекистон XXI аср бўсағасида: хавфсизликка таҳдид, барқарорлик шартлари ва тараққиёт кафолатлари. –Т.: 1998. –Б. 54.

маданий қадриятлари ва анъаналари, жаҳон миқёсида ислом дини колдирган жуда улкан маънавий мерос нафакат минтақамизнинг тарихий ривожланишига кўп жиҳатдан қўшилган ҳиссасини, балки, унинг ҳозиршаклланиб бораётган, сифат жиҳатдан янги қиёфасини ҳам белгилаб бермокда.

Иккинчи томондан, ислом динидан сиёсий кураш учун, омманинг сиёсий онгига таъсир кўрсатиш воситаларига эга бўлиш учун кулол сифатида фойдаланилади. У бир туғ вазифасини бажаришга қодир. Бу туғ остида эса аниқ бир дастурий мақсадларни изловчи эмас, балки фақат бир кўрсатмага - ҳокимият учун кураш олиб бориш ҳақидаги кўрсатмага амал қилувчи кучлар бирлашади»⁶¹.

Демак, демократик давлат ва фуқаролик жамияти барпо этишнинг ҳозирги даврдаги муҳим мафкуравий, ғоявий ва хатто маълум даражада сиёсий аҳамиятга эга бўлган вазифалардан бири - динни, шу жумладан, Ўзбекистонда ислом динини сиёсийлаштиришга қарши кескин ва изчил кураш олиб боришдир. Шунинг учун ҳам Президентимиз И.А.Каримов диндан аҳолини энг олий руҳий, ахлоқий ва маънавий қадрият сифатида фойдаланишимиз билан бир қаторда, ҳеч маҳал ундан сиёсий мақсадларда фойдаланишга йўл қўя олмаслигимиз кераклигини таъкидлайди. Динни, шужумладан, ислом динини сиёсийлаштиришнинг таҳдиди, фожеавий ижтимоий-сиёсий оқибати нималарда, қандай ижтимоий жабҳаларда ўзини намоён қилади? Юртбошимиз, ушбу жараённинг энг биринчи ва бирламчи зарари - миллий хавфсизликка ва ижтимоий барқарорликка таҳдиддир, деб таъкидлайди: «Биз дин бундан буён ҳам аҳолини энг олий руҳий, ахлоқий ва маънавий қадриятлардан, тарихий ва маданий меросдан баҳраманд қилиши тарафдоримиз. Лекин биз ҳеч қачон диний даъватлар ҳокимият учун курашга, сиёсат, иқтисодиёт ва қонуншуносликка аралашиш учун байрок

⁶¹Каримов И.А. Ўзбекистон ХХІ аср бўсағасида: хавфсизликка таҳдид, барқарорлик шартлари ва таракқиёт кафолатлари. –Т.: 1998. –Б. 57.

бўлишига йўл қўймаймиз. Чунки бу ҳолни давлатимизнинг хавфсизлиги, барқарорлиги учун жиддий хавф-хатар деб ҳисоблаймиз»⁶².

Шуни айтиш жоизки, динни сиёсатлаштиришга йўл қўймаслик ҳақидаги ушбу ғоя Ўзбекистон давлати ва ҳукумати ички ижтимоий сиёсатининг муҳим тамойилларидан бири сифатида расмий ҳужжатлаштарилган. Чунончи, Ўзбекистон давлати диний конфессиялар билан ўзаро муносабати тамойилларининг бирида «диндан бузғунчилик мақсадларида фойдаланишга йўл қўйиб бўлмаслигини эътироф этиш», - деб таъкидланади.

Президентимиз Ислам Каримовнинг методологик аҳамиятга эга бўлган юқоридаги таъкидлари кейинги йилларда динни сиёсийлаштиришнинг Ўзбекистонда юз берган муайян воқеалар, уларнинг фожеавий оқибатлари билан боғлиқ ҳолда, қатор бошқа асарларида ҳам давом эттирилди ва янги назарий ғоялар билан бойитилди. Улар динни сиёсийлаштиришга қарши курашнинг нафақат сиёсий, маъмурий ва ҳуқуқий чора воситалари ҳамдавазифаларини, шу билан бирга унга қарши мафкуравий ва ғоявий жабҳаларда ҳам кураш олиб боришнинг чора-тадбирлари ва вазифаларини белгилаб беришда муҳим дастурул амал бўлиб хизмат қилиши мумкин.

Россиялик тадқиқотчи Д.В.Ольшанскийнинг террорчиликнинг маънавий моҳиятини ифодаловчи қуйидаги фикри диққатга сазовордир: «...терроризм ўз шафқатсизлиги, мақсадга изчил интилувчанлиги ва ташқи томондан етарли даражада самарадорлиги билан ажралиб турувчи зўрлик ишлатиш, айниқса сиёсий зўрлик ишлатишнинг алоҳида шаклидир»⁶³. Оқибатда, бу жараён муайян бир мамлакат, минтақа ҳудудидан чиқиб, халқаро терроризм тусини олиши ҳақидаги ушбу муаллифнинг қуйидаги фикри ҳам диққатга сазовордир.

Демак, сиёсатда радикализм муайян шароитларда сиёсий экстремизмга айланиш имкониятига эга бўлганидек, динда ҳам мутаассибликнинг нисбатан

⁶² Каримов И.А. Хавфсизлик ва барқарор тараққиёт йўлида. –Т.: 1998. Т.6 –Б. 59.

⁶³ Ольшанский Д.В. Психология терроризма. Издательский дом. –Питер. 2002. –С 197-198.

«асосли» кўринишларидан бўлган фундаментализм диний экстремизмга айланиб кетиши мумкинлигига ҳозирги даврда турли мамлакатларда, шу жумладан, Ўзбекистонда ҳам вужудга келган ва фаолият олиб боришга ҳаракат қилаётган турли экстремистик гуруҳлар фаолиятида ҳам ишонч ҳосил қилишимиз мумкин⁶⁴. Хусусан, сўнгги йилларда Ўзбекистонда турли «шиор», «ғоя», баҳонаю важлар ниқобида амалга оширилган террорчилик ҳаракатлари диний фундаментализм асосларига таянган динни сиёсийлаштириш ҳаракатининг оқибатидир. Шундай экан, динни сиёсийлаштиришнинг ғоявий ва мафкуравий асосларидан бири бўлган фундаментализмнинг давлатимиз хавфсизлиги, жамиятимиз ижтимоий барқарорлигига юртбошимиз таъкидлаганидек қуйидаги зарарли оқибатларга олиб келиши мумкин: биринчидан, ақидапарастликни ёйиш орқали диндор мусулмонларнинг ислохотчи давлатга ишончини йўққа чиқаришда; иккинчидан, фундаменталистларнинг адолат ҳақидаги оломонбоп, жозибадор, аммо бақирок ва асоссиз даъватларига кўр-кўрона эргашувчилар ўзгалар иродасининг қули бўлиб қолишини англашимиз лозим; учинчидан, мамлакат минтақалари аҳолиси ва ижтимоий қатламлар ўртасида «ҳақиқий» ва «сохта» диндорлик белгилари бўйича карама-қаршилик келтириб чиқаришда кўринмоқда. Бундай ҳол, Жазоирда Афғонистонда миллатларнинг парчаланиб кетишига олиб келди Тўртинчидан. Ўзбекистоннинг жанубий чегараларидаги қўшни мамлакатларда фуқаролар уруши тўхтамай, давом этиб келаётганлигида намоён бўлмоқда. Бу ҳолат ўзларини чин мусулмон, дин учун курашувчилар деб ҳисоблайдиган, мудҳиш тасаввурларини халқимизга зўрлаб қабул қилдиришни истайдиган террорчилар, жангариларнинг янгидан-янги авлодларини вужудга келтирмоқда. Бешинчидан. Мусулмон ва номусулмон мамлакатлар, уларнинг жамоатчилиги орасида ҳам Ўзбекистон ҳақида кўнгилни совутадиған фикр туғдиришга уринишларда намоён бўлмоқда. Уларга

⁶⁴Абдуҳаким Шаръий Жузжоний. Диний экстремизмнинг тарихий илдизлари. Ва кўринишлари. /Ж. Илмий таҳлилий ахборот.. ТИУ нашриёти – матбаа бирлашмаси. –Т.: 2006. 1-сон. –Б. 45-53.

бизни гоҳ динсиз даҳрийлар қилиб, гоҳ эса давлатни исломлаштиришнинг яширинча тарафдорлари қилиб кўрсатишни истайдилар; Олтинчидан, ислом цивилизацияси билан исломий бўлмаган цивилизация ўртасида ялпи қарама-қаршиликни шакллантиришда намоён бўлмоқда. Бу эса жаҳон ҳамжамиятига кўшилиш жараёнларига ғоят салбий таъсир кўрсатмоқда... Еттинчидан. Омманинг онгида дин барча иқтисодий, сиёсий ва халқаро муаммолар ҳамда зиддиятларни ҳал қилишнинг универсал воситаси деган фикрни қарор топтиришда кўринмоқда⁶⁵.

XX асрнинг охири чорагида, айниқса Ўзбекистон Республикаси ўз мустақиллигига эга бўлиши даврида ҳудудимизга турли диний ҳаракатлар, уюшмалар кириб келди. Улар шахс ва жамият муносабатларини ўз мақсадлари йўлида ўзгартириш, аксарият ҳолларда эса конституционғояларга қарши иш олиб бориб, халифалик давлатини куришни режалаштирган эди.

Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси ҳузуридаги Дин ишлари бўйича қўмитанинг маълумотига кўра, мамлакатимизда ғайриқонуний фаолият кўрсатган диний ташкилотлар қуйидагилар:

«Ҳизбут таҳрир ал-исломий» («Ислом озодлик партияси»), «Ваҳхобийлик» - диний-сиёсий оқим, «Нурчилар» - диний-жамоат, «Акримийлар» - диний радикал оқим, «Эъдот» ваҳхобийлик кўринишидаги диний радикал оқим, «Ҳизбун нусра» («Ғалаба партияси») - Ҳизбут таҳрирдан ажралиб чиққан, диний-сиёсий партия бўлиб, Ўзбекистонда жуда қисқа вақт фаолият кўрсатган, раҳбарлари ҳибсга олингандан сўнг фаолияти тўхтаган, «Адолат» - диний реакцион ташкилот, 1989 йили Наманганда ташкил топган, «Ислом лашкарлари», «Ислом уйғониш партияси», «Ислом биродарлари». 1989 йили тожик муҳолифати раҳбари Сайид Абдулла Нурий томонидан тузилган, «Мусулмон биродарлари» (Ал-Ихвон ал-муслимин), Диний-сиёсий ташкилот 1928 йилда Ҳасан ал-Банно томонидан ташкил этилган, «Таблиғ» - мазкур диний уюшмага Покистонда асос солинган, «Тавба» - 1991-1995 йилларда

⁶⁵Каримов И.А. Хавфсизлик ва барқарор тараққиёт йўлида. –Т.: 1998. Т.6 –Б. 59-61.

яширин ҳаракатлар қаторида 50-300 кишилиқ аъзолари билан Фарғона водийсида фаолияти аниқланган.

«Ақромийлар» нинг юқоридаги ғоя ва даъватлари фақат мафкуравий жиҳатдан эмас, балки, маънавий жиҳатдан тубанлигини кўрсатувчи бир далилдир. Ахир, ислом динининг, шариатнинг Қуръони каримдан кейин ақидавий, ҳуқуқий, ижтимоий, маънавий-ахлоқий, маърифий асосларининг иккинчи манбаи, асоси, таянчи бўлган ҳадисларни, яъни, Пайғамбар кўрсатмалари ва йўл-йўриқларини инкор этиш қайси бир иймонли мусулмон этиқодига мос келади? Ахир, бу шаккоклик эмасми? Шунингдек, улар ота-онага ҳам итоат этмаслик ҳақидаги даъватлари билан ҳам ўзларини фoš қилмоқдалар. Ахир, саҳобалардан бири Пайғамбардан «Нима қилсам Аллох мендан рози бўлади?» деб уч марта қайта-қайта сўраганида «Онангни рози қил!» деб жавоб берганлари ҳақидаги ҳадисдан мамлакатимиз мусулмон фуқароларининг деярли барчаси хабардор бўлгани ҳолда, наҳотки, улар беҳабар бўлса? Асли, шаккоклик шу эмасми? Бу риёкорликнинг намунасидир.

Ўзбекистонда ислом ниқоби остида фаолият кўрсатаётган террорчи гуруҳлар ва ташкилотларнинг ҳатти-ҳаракатлари ва даъватларида ислом учун «қайғуриш», ҳақиқий ислом маънавийятига асосланган фуқаролик жамияти барпо қилиш ҳақида гап кетаётгани йўқ. Уларнинг, бу ҳатти-ҳаракатлари ва даъватларидан мақсад ҳокимиятни қўлга олишдир. Мафкуравий ва ғоявий шиорлари эса исломни сиёсийлаштиришдир. Бунга эришиш воситаларидан бири эса, шахс ва жамият, фуқаролар ва давлат, жамиятдаги турли табақалар ва гуруҳлар ўртасидаги муносабатларни кескинлаштириб, аввало, жамиятда беқарорлик муҳитини вужутга келтиришдир. Бу ўринда «Тавба» диний экстремистик гуруҳининг фаолияти ҳақида қисқа маълумот келтирмоқчимиз. Бу гуруҳ аслида, Боку шаҳрида ташкил қилинган бўлиб, қатор йиллар давомида Фарғона водийсида фаолият олиб борган, ваҳҳобийлик ҳаракатини қўллаб қувватлаган. Бу гуруҳ фаолиятининг ҳам асосий тамойиллари аҳоли орасида

конституциявий тузумга карши кайфият уйғотиш, куч ишлатиш оркали ижтимоий-иқтисодий ривожланишининг муҳим воситаларидан бири эканлигини инкор қиладилар. «Шариат коидалари барҳаёт, уни замон муҳитига мослаштириш бидъатдир», деб таъкидлашлари ҳаёт воқелигига зид, назарий жиҳатдан ғайри-мантикийдир. Бу нарса ислом динининг, шариатнинг шахс ва жамият муносабатларидаги ёндошишларига ҳам тааллуқлидир. Шу билан Президент И.А.Каримов диннинг ҳеч маҳал ижтимоий ҳаётдан ташқарида яшай олмаслигини, маълум даражада ижтимоий ҳаёт билан ҳамнафас бўлишга интилишини, замон руҳига мослашишни таъкидлаб шундай ёзади: «Жамият ҳаётининг бир қисми бўлган дин ижтимоий ҳаётнинг бошқа соҳалари билан муқаррар равишда муносабатда бўлган. Уларга таъсир кўрсатган ва ўзи ҳам бошқа соҳаларнинг таъсирига дуч келган. Ҳозир мавжуд бўлиб турган диний тартибларнинг кўпчилиги ижтимоий-иқтисодий, сиёсий бурилишлар, тангликлар даврида шакллانганлиги бежиз эмас»⁶⁶.

Ҳақиқатан ҳам, инсоният ўз ижтимоий-иқтисодий ҳаётида буюк тараққиётларга эришаётган, ажойиб илмий кашфиётлар қилаётган, бутун жаҳон мамлакатлари ижтимоий-иқтисодий, сиёсий, маданий-маънавий ҳаётида тез суръатлар билан интеграциялашув жараёнига интилаётган бир пайтда ўтмишга қайтиб халифалик тузумини ўрнатишга, ҳамма ижтимоий-иқтисодий ва сиёсий муаммоларни ислом дини асосида, яъни шариат кўрсатмалари асосида ҳал қилишга, ёшларимизни диний мутаассиблик руҳида илм олишга, мусулмонларнинг бошқа динга эътиқод килувчи халклар билан ҳамкорлик қилмасликка даъват этиш, бирон-бир соғлом мафкурага мос келиши қийин. Бу фақат мамлакатимиз миллий хавфсизлиги ҳамда ижтимоий барқарорлигига таҳдид бўлибгина қолмасдан, балки, юртимиз иқтисодий ва маданий тараққиётига, халқаро ҳамжамиятдаги обрў-эътиборининг ортиб боришига ҳам таҳдиддир. Шахс ва жамият масаласида

⁶⁶Каримов И.А. Ўзбекистон аср бўсағасида: хавфсизликка таҳдид, барқарорлик шартлари ва тараққиёт кафолатлари. –Т.: 1998. –Б. 53-54.

ислом динини сиёсийлаштиришга бўлаётган хатги-ҳаракатларнинг улкан маънавий, мафкуравий ҳамда ғоявий зарари ҳам ана шунда.

Бу ҳудудда яшовчи мусулмонларнинг кўпчилиги анъанавий исломга эътиқод қиладилар. Ислом талабларини тўлиқ бажариш ва етарли бажармаслик, уларнинг диндорлик даражасига боғлиқ. Аммо, исломий кадриятларни миллий кадриятлар қаторида қабул қилиш, диний эътиқодга мансублик ота-боболаримиздан қолган одат сифатида қабул қилинади. Лекин, бу категориядаги диндорларда ислом таълимотидан ғаразли ниятларда фойдаланиш, уни сиёсийлаштириш ҳолатлари бўлмайди. Аксинча, бунда мусулмон кишилар ўртасида яхшилик уруғини сочишга ҳаракат қилиб, бу хусусиятни шахс ва жамият муносабатларида қўллашга ҳаракат қиладилар.

Олимлар ўртасида ушбу муаммонинг атамалари хусусида ҳам мунозаралар давом этмоқда. Масалан, «исломизм», «фундаментализм», «неофундаментализм», «вахҳобизм», «неоваҳҳобизм» ва бошқалар. Бу билан, ушбу ҳаракатларнинг мазмун-моҳияти ўзгаргани йўқ.

Мустақил давлатлар ўртасида иқтисодий, маданий-сиёсий алоқаларнинг янги даври очилган эди. Чет эл вакиллари, олимлари, санъат усталари, талабаларни қабул қилиш ва бошқа мамлакатларга чиқаришнинг реал имконияти вужудга келади. Бундай шароитда мустақил давлатларнинг халқлари орасида исломни кенг тарғиб қилиш, ўз ғояларини сингдиришга интилувчи миссионерлар ҳам борлиги кузатилади. Бунинг ижтимоий зарарли моҳиятини халкимиз тўғри тушуниб етди.

Мутахассисларнинг фикрича, Марказий Осиёда сиёсий исломни (исломизм) тарғибот қилиш 1970 йиллариинг бошидаёқ бошланган. Масалан, 1974 йили Тожикистонда исломизм ғояларини тарғиб қилувчи яширин ёшларташкилоти-«нахзати исломий» ташкил топди. 1980 йиллар Марказий Осиёда чет эл ислом ташкилотларининг моддий ва маънавий раҳнамолигида хусусий ислом мактаблари кўпая борди.

Исломни байроқ қилиб, унинг таълимотини сиёсийлаштиришга ҳаракат қиладиган сиёсий кучлар мавжудки, улар экстремистик ва террористик

ҳаракатларнинг жонланишига сабабчи бўлмоқдалар. Юртбошимиз Ислом Каримов тўғри таъкидлаганидек, «Авваламбор, нафрат ва террорчилик мафкурасини яратаётган кўп сонли радикал ва экстремистик марказларга, одамларнинг онгини захарлаётган,... айтиш мумкинки, бўлажак террорчиларни тайёрлайдиган бамисоли конвейер яратаётганларга қарши курашиш даркор»⁶⁷.

Бундай сиёсий кучлар ҳаракатининг мазмунида халифалик давлатини тиклаш ғояси ётади. Ўрта аср халифалик давлатини тиклашни мақсад қилиб олган диний ҳаракатлардан бири «Ҳизбут таҳрир ал-исломий» диний ташкилоти шундай бир фикрни ўртага ташлайди: «Халифалик давлати тикланмас экан, мусулмонларнинг ибодати, иймони иймон эмас», дейди. Бу беъманиликни таърифлашга ҳолат бўлмаса керак. Пайғамбаримиз Муҳаммад (с.а.в.) нинг халифалик давлати 30 йил давом этади, деган башоратларнинг тарих исботлади: халифалик мендан сўнг умматим ичида 30 йилдир, ундан сўнг подшоҳлик бўлади. (Имом Аҳмад «Муснади», Имом Термизий «Сунани», Абу Яъло, Ибн Ҳиббонлар саҳоба Софийна орқали ривоят қилган саҳиҳ ҳадис) ларда башорат қилганлар»⁶⁸.

Бу ва шунга ўхшаш диний уюшмаларнинг халифалик давлатини тиклаш ҳақидаги ғоялари ҳеч қандай илмий асосга эга бўлмаган утопиядир. Уларнинг ғоялари шахс ва жамият ривожига демократик, инсонпарварлик дунёқарашларига зид келади, халқимизни янги жамият қуриш йўлидан чалғитишга ҳаракат қилади.

1999 йил 16 феврал воқеалари муносабати билан Ўзбекистон мусулмонлари идорасининг республика мусулмонларига мурожаатномасида жуда тўғри таъкидланганидек, «Ислом дини - одамларни доимо яхшиликка, эзгу ишларга чорлаб келгани туфайли асрлар мобайнида юксак маънавият ва миллий анъаналаримиз мустақкамланишига хизмат қилиб келган. Элимиз иймон эътиқодининг бутунлиги жамият маънавий поклиги гаровидир».

⁶⁷ Каримов И.А. Тинчлик ва ҳавфсизлигимиз ўз куч-қудратимиз, ҳамжихатлигимиз ва қатъий иродамизга боғлиқ. –Т.: Ўзбекистон 2004. Т. 12. –Б. 346.

⁶⁸ Хусниддинов Зухридин. Ислом йўналишлар, мазҳаблар, оқимлар. –Т.: Моварауннаҳр. 2000. –Б. 51-52.

Ислом таълимотини сиёсийлаштириш билан шуғулланувчи радикал исломистлар ўзларининг экстремистик ҳаракатлари билан демократик жамиятда тинч-тотув яшаётган турли миллат ва диний эътиқодга мансуб халқлар, шу жумладан, мусулмон аҳли кўнглига ғала-ғовур солмоқчи бўлдилар, шахс ва жамият муносабатларини кескинлаштириб, соддадил ёшларни ўз тарафига оғдириб, ўз манфаатлари йўлида фойдаланишга уриндилар.

Диний фундаменталистлар исломни байроқ қилиб, сиёсий мақсадда фойдаланишдан ташқари, ислом таълимотига ғаразли ниятларига мос «қўшимча» лар киритмоқчи бўладилар. Маълумки, ислом манбаларида аркон ад-дин кўрсатмаларида бешта мусулмончилик талаблари: имон келтириш, намоз ўқиш, рўза тутиш, закот бериш, имкон бўлса ҳаж қилиш белгиланган. Халқимизнинг динга нисбатан муносабатининг кейинги йиллардаги ўзгариши шундан далолат берадики, ислом таълимотини сиёсийлаштириш орқали диний фундаментализм ва экстремизмни тарғиб қилувчиларга ўз мустақил фикрини очиқ-ойдин айтадиган бўлди. «Ижтимоий фикр» жамоатчилик маркази томонидан 2004 ва 2011 йилларда ўтказган ижтимоий сўровида диққатга молик фикрлар айтилган. Аҳолининг кўпчилиги диний экстремизм ва террорчиликни давлатамиз мустақиллигига асосий хавф, деб жавоб берган.

Жамоатчилик фикри шахслар фикрининг йиғиндисидан ташкил топади. Бунда аввало кўрилаётган масалага аввало, миллий ўзликни англаш бўлса, иккинчидан, шахс ва жамият ўртасида динга (исломга) муносабатлари, хусусан, фундаментализм гуруҳлар ҳақида фикр-мулоҳазаларни аниқлаш эди. Ислом таълимотини сиёсийлаштиришнинг экстремистик ҳаракатларга олиб келишининг ижтимоий моҳиятини тушунишда шахс билан жамиятдаги фикрларнинг уйғунлиги асосида, бу масалага 90 фоиз муносабат билдирилган.

Бу халқимиз ижтимоий онгида шаклланган ва шаклланаётган янги жамият қуришнинг ижобий жиҳатлари ва унга тўсқинлик қилишга шайланаётган турли диний ҳаракатларнинг моҳиятини тушуниб етганлигини,

хар қандай экстремистик ҳаракатларнинг олдини олишга тайёр эканлигини билдиради. Ушбу параграфда келтирилган маълумотлардан қуйидаги хулосага келиш мумкин:

Биринчидан, ислом таълимотини сиёсийлаштириш ҳаракати қандай шаклда бўлишидан катъий назар унинг мақсади битта, яъни ислом давлатини (халифалик давлатини) ўрнатиш бўлган; иккинчидан, XX асрнинг охири ва XXI асрнинг бошларида динни сиёсийлаштириш, хусусан, ислом таълимотини сиёсийлаштиришнинг шаклланиши Шарқ ва Ғарб мамлакатларида ижтимоий-иқтисодий тараққиёт натижасида, ижтимоий онгнинг ўзгариши, Марказий Осиё мамлакатларида эса СССРнинг парчаланиши билан мустақил давлатнинг дастлабки йилларида ҳосил бўлган мафкуравий бўшлиқ сабаб бўлди; учинчидан, чет элдаги ташкилотлардан молиявий қувватланиб турувчи турли диний гуруҳлар, миссионерлари, ўзларининг ғаразли ниятларини амалга оширишга ҳаракат қилдилар. тўртинчидан, ислом таълимотини сиёсийлаштириш орқали, бу динга эътиқод қилувчиларни ўз таъсирини ўтказишга уринувчи экстремистик гуруҳларнинг, нияти, фақат исломни тарғиб қилиш эмас, балки, асл мақсади террористик кучлар билан бирлашиб халқлар хаётига катта мусибатлар келтирувчи қўпоровчилик ишларини содир этиб, ислом давлатини барпо этишдир.

3.2. Диний барғикенглик – маънавий таҳдидларга қарши курашнинг муҳим мафкуравий воситаси

Кейинги 20-30 йиллар давомида жамиятнинг ижтимоий-иқтисодий ва маданий-маънавий тараққиётида диний омилнинг кучайиб бориши туфайли жаҳонда, динни сиёсийлаштириб, ўз ғаразли ниятларини амалга оширишга интилаётган гуруҳлар, турли диний ҳаракатлар ҳам кучайиб борди. Улар ўзларининг ғаразли ғояларини мустақил давлатларга ҳам киритишга уринмоқдалар.

Президент Ислом Каримов Олий Мажлис Қонунчилик палатаси ва Сенатининг қўшма мажлисида бундай кучларга йўл қўйиб бўлмаслиги ва уни

таг-туги билан йўқотиш зарурлигига алоҳида урғу бериб шундай деган эди: «...ислом динини сиёсатга айлантираётган, ёвузлик ва террорчилик мафкурасини яратаётган кўплаб радикал ва экстремистик марказларнинг, биринчи навбатда, ёшлар онгини заҳарлаб, зомбига айлантириб, улардан террорчилар тайёрлаш бўйича конвейер ташкил этаётган, халифалик тузишдек турли хом-хаёлларни амалга оширишга уринаётган қабих кучларнинг илдизини қирқиб ташлаш керак»⁶⁹.

Яна Президентимиз бу ҳақидаги фикрларини давом эттириб, шундай дейди: «Бундай сохта, замирида ҳеч қандай асос бўлмаган сафсаталар ҳақида гапирганда, аввало, бугун биз XXI асрда яшаётганимизни эсдан чиқармаслигимиз керак. Ва ҳозирги ўта мураккаб, шиддат билан ўзгариб, тараккий топаётган компьютер ва телекоммуникация даврининг минг йиллар олдин мавжуд бўлган шароит ва вазиятдан ер билан осмонча фарқи борлигини оддий одам ҳам тасаввур қила олади»⁷⁰. Шу нуқтаи-назардан, жаҳоннинг турли мамлакатларида фаолият кўрсатаётган дин никоби остидаги террорчи ташкилот «рахбарлари» ҳам, уларнинг Ўзбекистондаги издошу маслакдошлари, аниқроғи гумашталари ҳам эҳтиросу-ҳиссиётлар таъсирига тушиб қолган ҳаёлпарастлардир. Аммо, сиёсат, мафкура, ғоявий кураш жабҳаларидаги носоғлом, маънавий тубан ҳаёлпарастлик, инсониятга, жамиятга жуда қимматга тушиши мумкинлигини унутмаслик керак. «Ҳиссиёт ва эҳтирослар таъсирига тушиб қолган инсон, - деб ёзади академик Э.Юсупов ўзининг “Исломий қадриятлар ва диний экстремизм” китобида, - бирор муаммони чуқур ақлий таҳлил этиш имконидан ҳам маҳрум бўлиб қолади. Бу эса, адолатсизликларга, беҳуда қон тўкишларга, давлат қабул қилган қонунларни оёқости қилишга олиб келади. Қонунни менсимаслик уни қабул қилган жамиятни ҳам менсимасликдир».

⁶⁹ Каримов И.А. Бизнинг бош мақсадимиз – жамиятни демократлаштириш ва янгилаш, мамлакатни модернизация ва ислоҳ этишдир. / Ўзбекистон халқи ҳеч қачон ҳеч кимга қарам бўлмайди. –Т.: Ўзбекистон., 2005. Т. 13. –Б. 200.

⁷⁰ Каримов И.А. Ватанимиз тинчлиги ва хавфсизлиги ўз куч-қудратимизда, халқимизнинг ҳамжиҳатлиги ва букилмас иродасига боғлиқ. / Тинчлик ва хавфсизлигимиз ўз куч-қудратимизда, халқимизнинг ҳамжиҳатлиги ва букилмас иродасига боғлиқ. –Т.: Ўзбекистон., 2004. Т. 12. –Б. 252.

Ўзбекистонда ислом ниқоби остида ҳаракат қилаётган террорчи гуруҳлар хатта-ҳаракатининг жамиятимиз учун фожеали оқибати фақат ақидапарастлик асосига қурилган сиёсий тузум ва ҳуқуқий тартиботлар ўрнатишдангина иборат бўлиб қолмасдан, балки, жамият аъзоларини маънавий парокандаликка ва ахлоқий таназзулга ҳам олиб келишда ҳамдир. Бу ҳақда, Президентимиз Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг XIV сессиясида сўзлаган нутқида катта назарий ва маърифий аҳамиятга эга бўлган қуйидаги фикрни айтади: «Юқорида зикр этилган фикрларни умумлаштириб, мантиқий бир хулосага келишимиз мумкин. Буларнинг барчасини сохта ғояларни тарқатиш, содда фикрлайдиган одамларни чалғитиш йўли билан бугун минтақалар ва дунёнинг харитасини ўзгартиришга, тинч яшаётган халқларни разолат ва жаҳолат замонига қайтаришга, ўз манфур мақсади йўлида ислом динини қурол қилиб олишга уринаётган ақидапараст «доҳий»ларнинг маккорона ва ўта хавфли ўйини, десак, асло хато бўлмайди»⁷¹. Ушбу фикрлардан хулоса қилиб айтиш мумкинки, Ўзбекистонга кириб келган юқорида зикр этилган барча оқимларнинг фаолияти ҳуқуқий, жиноий, сиёсий жиҳатдан асоссиз, назарияда ҳозирги давр жамият тараққиёти қонунларига зид, мафкуравий, тубан ва ғайриинсонийдир. Шундай экан, жамиятда беқарорлик муҳитини вужудга келтираётган, одамлар ўртасида низо ва адоват уруғини сочаётган диний экстремистларнинг террорчилик ҳаракатларига қарши фақат маъмурий ва ҳуқуқий чоралар билангина эмас, балки, мафкуравий, ғоявий чоралар билан кураш олиб боришни тақозо қилади. Айтиш жоизки, баъзи ҳолатларда бундай чора-тадбирлар маъмурий ва ҳуқуқий чора-тадбирларга нисбатан қийинроқ, лекин, самаралироқ ҳам бўлиши мумкин. Бу ҳақда, Президентимиз И.А.Каримов Шанхай Ҳамкорлик Ташкилоти саммитида сўзлаган нутқида шундай дейди: «Биз ақидапарастлик мафкураси деб атайдиган ёвуз куч,

⁷¹Каримов И.А. Ватанимиз тинчлиги ва хавфсизлиги ўз куч-қудратимизда, халқимизнинг ҳамжиҳатлиги ва букилмас иродасига боғлиқ. / Тинчлик ва хавфсизлигимиз ўз куч-қудратимизда, халқимизнинг ҳамжиҳатлиги ва букилмас иродасига боғлиқ. –Т.: Ўзбекистон., 2004. Т. 12. –Б. 262.

биринчи навбатда, ёшларимиз онгини эгаллаётган ва захарлаётган, уларни ўзининг итоаткор курулига айлантираётган мафкура йўлига мустаҳкам тўсик қўйиш, бугунги кунда муайян жиноий террорчи гуруҳларни йўқ қилишдан кўра кўпроқ аҳамият касб этмоқда»⁷².

Албатта, диний экстремизмга қарши курашда мафкуравий, ғоявий чоратadbирлар тизимини ишлаб чиқишнинг зарурати, бу офатнинг олдини олишга ва бартараф қилишга зиёлилар ва ёшларни сафарбар қилиниши сиёсий барқарорликнинг яна ҳам мустаҳкамланишига хизмат қилади. Ана шундай мафкуравий ва ғоявий жиҳатдан кураш олиб боришнинг энг самарали ви таъсирчан воситаларидан бири мамлакатимиз фуқаролари, хусусан, ислом динига эътиқод қилувчилар, айниқса, ёшлар онгига диний бағрикенглик ғояси ва ҳис-туйғуларини сингдириш ва мустаҳкамлашдир. Бу нафақат бизнинг жамиятимизда ижтимоий-сиёсий барқарорлик муҳитини вужудга келтиришда, мамлакатимизда яшовчи турли миллат ва диний эътиқодга мансуб фуқаролар ўртасида муносабатларни уйғунлаштиришда, ҳамда дўстона муносабатларни мустаҳкамлашда, шу билан бирга турли мамлакат-лар билан савдо, иқтисодий, сиёсий ва маданий соҳаларда ҳамкорлик муносабатларни ўрнатиб, мамлакатимизнинг халқаро ҳамжамият билан уйғунликда маданий ва иқтисодий тараққиётига ҳам катта ҳисса қўшади. Шунингдек, дунёнинг турли ирққа, миллатга, динга мансуб халқлари билан ўзаро ишонч, ҳурмат-эҳтиром, дўстона муносабатлар ришталарини мустаҳкамлашга хизмат қилиши билан халқаро миқёсда ҳам катта мафкуравий ва сиёсий аҳамият касб этади⁷³. Сўнгги йилларда диний фанатизм, фундаментализм ва экстремизмнинг кенг кўламда ёйилмаслигининг олдини олиш учун халқаро миқёсда ҳуқуқий меъёрлар асосида қатор ҳужжатлар қабул қилинди. Жумладан, виждон ва дин эркинлиги ҳақида инсон ҳуқуқи умумий Декларацияси, фуқаролик ва сиёсий ҳуқуқлар халқаро Пакти, дин ва дунёқараш асосида вужудга келадиган камситиш

⁷² Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислам Каримовнинг Шанхай Ҳамкорлик ташкилоти саммитидаги нутқи. // Биз танлаган йўл, демократик тараққиёт ва маърифий дунё билан ҳамкорлик йўли. –Т.: Ўзбекистон., 2003. Т. 11. –Б. 278.

⁷³ А.Сотлиқов, О.Абдуллаев. Бирдамлик ва бағрикенгликнинг тарихий илдизлари. // Ж. Илм сарчашмалари. УрДУ нашриёти, 2007. –№2. –Б. 14-16.

(дискриминация)ларнинг турли шакллари тугатиш ҳақида декларация. Мана шу ҳужжатларга биноан виждон ва дин эркинлигининг моҳияти қуйидагилардан иборат:

Ҳар бир шахс фикр, виждон ва дин эркинлигига эга, яъни, ҳар қандай дин ва дунёқарашни ўзи танлаш ва эътиқод қилиш эркинлигига эга. Диний, маросимий одатларни эркин бажариш ҳуқуқига эга;

Ҳеч ким шахснинг ўз ихтиёри билан бирон дин ва дунёқарашни танлаш ҳуқуқини камситмаслиги, уни мажбурламаслиги керак;

Динни тарғиб қилиш ёки ўз дунёқарашни баён қилиш эркинлиги қонун томонидан белгиланган ва ижтимоий хавфсизликни, тартибларни, ахлоқийликни ҳимоя қилиш, бошқаларнинг ҳуқуқ ва эркинликларини ҳам ҳимоя қилиш зарур бўлгандангина чекланиши мумкин.

Демак, ҳар қандай шахснинг диний фаолиятига, дин, виждон, дунёқараш эркинлигига, агар у қонун ва ижтимоий хавфсизлик чегарасидан чиқмаса, давлат ҳам, айрим шахслар ҳам аралашмаслиги керак. Унганисбатан маъмурий ва мафкуравий тазйиқ ўтказмаслиги зарур. Иккинчи томондан, ўз динига эътиқод қилувчи ва дунёқарашини тарғиб этувчи одам ҳам жамият ва шахс хавфсизлиги, инсоннинг ҳуқуқ ва эркинликларига таҳдид солмаслиги зарурлиги таъкидланади. Масаланинг биринчи томонага келсак, Ўзбекистон давлати ва ҳукумати юқорида кўрсатиб ўтганимиз халқаро ҳужжатларга риоя қилган ҳолда, халқаро ҳуқуқ меъёрларига тўлиқ жавобберадиган сиёсатини ишлаб чиқди. Унинг асосий тамойиллари Президентимиз И.А.Каримов томонидан қуйидагича ифодаланган:

- диндорларнинг диний туйғуларини ҳурмат қилиш;
- диний эътиқодларни фуқароларнинг ёки улар уюшмаларининг хусусий иши, деб тан олиш;

- диний қарашларга амал қилувчи фуқароларнинг ҳам, уларга амал қилмайдиган фуқароларнинг ҳам ҳуқуқларини тенг кафолатлаш ҳамда уларни таъқиб қилишга йўл қўймаслик;

- маънавий тикланиш, умуминсоний ахлокий кадриятларни қарор топтириш ишида турли диний уюшмаларнинг имкониятларидан фойдаланиш учун улар билан мулоқот қилиш йўллари излаш зарурати;

- диндан бузғунчилик мақсадларида фойдаланишга йўл қўйиб бўлмаслигини эътироф этиш⁷⁴.

Сўнгги йилларда Ўзбекистонда экстремистик гуруҳлар томонидан амалга оширилган террористик фаолиятлар бунинг аксини кўрсатмоқда. Айрим дин намोёндалари дин эркинлиги ҳуқуқини давлат қонунлари ҳамда инсоннинг эътиқод ва дунёқараш ҳуқуқларини, инсоннинг тинч ва осуда ҳаёт кечириш ҳуқуқини чекланмаган тарзда бузиш эркинлиги, деб тушундилар ва диний экстремизм томон юз ўгирдилар. Улар томонидан амалга ошириллаётган экстремистик ҳаракатлар нафақат ижтимоий тартибларни издан чиқаришга, шу билан бирга инсоннинг асосий ҳуқуқларини поймол қилишга ҳам қаратилгандир.

Диний мутаассиблик, фундаментализм ва экстремизмга қарши ғоявий, мафкуравий ҳамда маънавий-маърифий кураш чора-тадбирлари масаласига келсак, бу борада, Ўзбекистонда амалга оширилган ва ошириллаётган амалий ишлар маълум даражада ўз ижобий самарасини беримоқда. Ҳозирги пайтда, Ўзбекистонда расмий равишда давлат томонидан ҳуқуқий ҳужжатлаштирилган 18 та диний конфессия ташкилотлари фаолият юритадилар. Турли динга мансуб фуқаролар ҳуқуқий ва маъмурий жиҳатдан бирон тўсиққа, тазйикка учрамаган ҳолда ўз эътиқодларига ибодат қиладилар. Уларни ҳуқуқий ва маъмурий жиҳатдан муҳофаза қилиш билан бирга, ғоявий ва маънавий жиҳатдан ҳам қўллаб-қувватлаш борасида ҳам катта маънавий-маърифий ишлар амалга оширилмоқда. Чунончи, сўнгги йилларда Ўзбекистонда машҳур мусулмон илоқийетчи уламолар, мутасаввифлар шарафига бағишланган катор анжуманлар билан бирга, христиан динининг саналарига, исломнинг бошқа динлар билан муносабати

⁷⁴ Каримов И.А. Ўзбекистон XXI аср бўсағасида: хавфсизликка таҳдид, барқарорлик шартлари ва таракқиёт кафолатлари. –Т.: 1998. –Б. 58-59.

масалаларига бағишланган қатор республика ва халқаро миқёсдаги анжуманлар ўтказилди. Масалан:

- 1995 йилда «Бир осмон остида биргаликда яшамоқ учун» мавзусида христиан-мусулмон анжумани ўтказилди;

- 1996 йил ноябрда юртимизда Рус Православ Черкови Епархиал Бошқармасининг 125 йиллиги нишонланди;

2004 йилда Ўрта Осиёдаги Конрад Аденауэр номидаги фонднинг Ўзбекистондаги ваколатхонаси - Фридрих Науманн фондининг фаол иштирокида Самарқандда давлат, жамият ва диннинг ўзаро муносабатлари муаммоларига бағишланган халқаро анжуман ўтказилди. Айни вақтда, инсон ҳуқуқлари Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси ҳузуридаги дин ишлари бўйича қўмита, Байналмилал маданият маркази, «Ижтимоий фикр» жамоатчилик фикрини ўрганувчи маркази ва халқаро жамғармалар билан биргаликда 1999 йилдан бошлаб, деярли ҳар йили «Динлараро мулоқот — барқарорлик асоси», деб номланган семинарлар ўтказиб келмоқда.

Дин, виждон ва дунёқараш эркинлиги борасида мамлакатимизда амалга оширилган ва оширилаётган ушбу чоралар нафақат мамлакатимизда яшовчи турли хил миллатга ва динга мансуб фуқаролар ўртасидаги дўстона муносабатларни мустаҳкамлашда, шу билан бирга ижтимоий-сиёсий барқарорликни мустаҳкамлашда ҳам ўз самарасини бермоқда.

Давлатимиз ички сиёсатининг диний бағрикенгликни таъминлаш йўлида ана шу икки принципиал жиҳати мамлакатимизда истиқомат қилувчи кўпмиллатли халқларнинг турли диний эътиқодга мансуб бўлишига қарамай улар ўртасида дўстлик, барқарорлик ва тинчликни таъминлашга хизмат қилмоқда.

1998 йил 1 майда Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг 11 сессиясида жамият ривожига дин билан боғлиқ муаммоларга аниқлик киритиш ва турли хавф-хатарларнинг олдини олиш учун «Виждон эркинлиги ва диний ташкилот тўғрисида»ги қонуннинг янги таҳрири қабул қилинди.

Унда, 1991 йилда қабул қилинган қонунга муайян вазиятдан келиб чиқиб қисман ўзгартиришлар киритилди.

Янги таҳрирдаги виждон эркинлиги қонунига киритилган янгиликлар асосан қуйидагилардан иборат:

- ёшларга диний таълим бериш хусусидаги ҳуқуқларни муҳофаза қилишга эътибор қаратилган, зеро шахс камолоти учун бу заруржиҳатдир. Қонуннинг 3-моддасидаги 2-қисмида бундай дейилган: «Воягаелмаган болаларни диний ташкилотга жалб этиш, шунингдек, уларнинг ихтиёрига, ота-оналарига ёки уларни бошқарувчи шахслар ихтиёрига зидтарзда динга ўқитишга йўл қўйилмайди»;

- Ўзбекистон Республикасида таълим тизими диндан ажратилган;
- диний таълим махсус ўқув юртларида амалга оширилади;
- диндан сабоқ берувчилар, мураббийлар тегишли пухтабилимга ва уни ўқитиш ҳақидаги махсус рухсатномага эга бўлишлари шарт;
- қонун хусусий тартибда таълим беришни ман этади;

Булардан ташқари, виждон эркинлиги тўғрисидаги 1991 йилдаги қонуннинг диний ташкилот юридик шахс ҳуқуқига эга бўлиш учун уни тузган камида 10 кишидан иборат 18 ёшга тўлган фуқаролар Адлия вазирлигининг шу диний ташкилот фаолият кўрсатиши назарда тутилган ҳудуддаги идорасига Низомини илова қилиб ариза топширадилар, деб кўрсатилган эди. Янги таҳрирдаги қонунга биноан эса, диний ташкилот Ўзбекистон Республикасининг 18 ёшга тўлган ва Республика ҳудудидадоимий яшаётган 100 нафардан кам бўлмаган фуқаролари ташаббуси билангина тузилади. Шунингдек, динларнинг ҳуқуқ ва масъулиятлари билан бирга диний ташкилотлар фаолияти билан боғлиқ масалаларга ҳам аниқликлар киритилган.

Гарчи мустабид тузум даврида бу ҳуқуқлар чегараланган бўлсада, бугунги мустақиллик шарофати билан у тўлиқ тикланди. «Ижтимоий фикр» жамоатчилик марказининг маълумотларига кўра, респондентларнинг 99 % бу динга эътиқод қилишини билдирган. Бу ўзбек халқи ичида ҳам аксарият

кўпчилиқни ташкил этади. Давлатимизнинг динга нисбатан бўлган сиёсатида бу вазиятни ҳисобга олган ҳолда диний бағрикенглиқни мустаҳкамлаш имкониятларини кенгайтира борилади ва шу асосда мамлакатда тинчлик, барқарорлиқни мустаҳкамлаш имкониятлари ҳам кенгайиб боради. Диний бағрикенглиқ тинчлик ва барқарорлиқни мустаҳкамлаш, озод ва обод Ватан ва фаровон ҳаёт қуришнинг муҳим шартидир.

Конфессиялараро муносабатларнинг ўзаро ҳамкорлик, дўстлик йўлидан боришини таъминлаш давлатнинг сиёсати даражасига кўтарилган десак бўлади. Давлатамиз раҳбари ўз асарларида бу масалага алоҳида эътибор бериб келаётганини биламиз. Жумладан, Президентимиз Ислом Каримов шундай таъкидлаган эди: «Фуқаролар тинчлиги ва миллатлараро тотувлиқни таъминлаш, қонунийлик ва ҳуқуқ-тартиботни қарор топтириш мана шундай сиёсий, давлат ва конституциявий тузумга эришиш калитидир»⁷⁵. Бундай сиёсатга асосланган диний бағрикенглиқ жамият тараққиётига ўз таъсирини кўрсатиши муқаррар.

Ўзбекистон фуқаролари, айниқса, ёшлар динга берилган бундай эрдан тўғри фойдаланишлари, айтилиши вақтда барча ҳатти-ҳаракатлар виждон эркинлиги доирасида бўлиши лозим. Ана шундай бўлгандагина, диний эътиқод, унинг қадриятларининг инсон камолотини шакллантиришдаги ўрни орта боради. Жамиятда эса, барқарорлик, баҳамжиҳатлик, тинчлик сақланган ҳолда ўзаро ҳамкорлик, миллий ва умуминсоний қадриятлар шаклланиши билан тараққиётга ўз таъсирини ўтказади. Шу тариқа дин маънавий маданиятнинг таркибий қисми сифатида жамият истиқболида сиёсий барқарорлиқни таъминлашда муносиб ҳиссасини кўшади.

Диннинг сиёсий барқарорлиқни таъминлашдаги ўрнининг муҳим жиҳати шундаки, ҳозирги шароитда динга ва диний ташкилотларга берилган эркинликдан қонун доирасида фойдаланишдир. Шунинг учун диндан давлатга, жамият ва шахсга қарши қаратилган ҳатти-ҳаракатларда фойдаланишга, ёшларни турли туман норасмий диний ҳаракатларга жалб

⁷⁵ Каримов И.А. Ўзбекистоннинг ўз истиқлол ва тараққиёт йўли. –Т.: Ўзбекистон, 1996. Т.1. –Б. 48-49.

килишга йўл қўйилмайди. Хар бир инсон у динга бўлган муносабатини мавжуд қонунлар асосида, хусусан, виждон эркинлиги тўғрисидаги қонун асосида, - инсонпарварлик, ватанпарварликдан иборат маънавий-ахлоқий фазилатларини эса, Ўзбекистон Республикаси Конституцияси тамойиллари ва бошқа қонунлар асосида белгалайди. Ана шундай одам ҳақиқий ватанпарвар, ўз халки, миллатига содиқ маънавий кадриятларни ардоқловчи инсон сифатида намоён бўлади.

Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислом Каримов ЮНЕСКО Ижроия Кенгашининг 155-сессияси якунловчи мажлисида сўзлаган нуткида «Минг йиллар давомида турли-туман дин, маданият ва турмуш тарзига эга бўлган халқларнинг биргаликда яшаши ва ҳамкорлиги маркази бўлган Ўзбекистон бунинг инкор этиб бўлмайдиган тасдиғидир»⁷⁶, деган эди. Давлатимиз раҳбари ўз фикрини давом эттириб, шундай деган эди: «Қадим замонлардан бу ерда мусулмончилик, насронийлик, яҳудийлик, будийлик ва бошқа кўҳна динлар нафақат бирга яшаган, балки бир-бирини тўлдирган, бойитган. Айнан шу заминда юз йиллар давомида дунё маданиятларининг катта миқёсдаги бир-бирини бойитиш жараёни рўй берган. Ўзбекистонда турли диний оқим ва конфессияларнинг мавжудлиги ҳам шу билан изоҳланади»⁷⁷.

16-ноябр 1995 йилда ЮНЕСКО аъзолари бўлган 185 давлатлар томонидан бағрикенглик принциплари Декларацияси қабул килинди. Унинг тарихий аҳамияти шундаки, «Бағрикенглик – бу кўп қирраликда намоён бўлувчи бирликдир. Бу маънавий бурч бўлибгина қолмай, айти бир пайтда сиёсий ва ҳуқуқий эҳтиёж ҳамдир»⁷⁸.

Давлатимизнинг динга нисбатан сиёсати, унинг конституциясидаги инсон ҳуқуқлари, эътиқод ва виждон эркинлиги тамойилларига асосланиб, бирор миллатни ёки диний эътиқодни камситишга йўл қўйилмайди. Аксинча,

⁷⁶ Каримов И.А. ЮНЕСКО Ижроия Кенгаши 155-сессиясининг якунловчи мажлисида сўзлаган нутқи. / Биз келажагимизни ўз қўлимиз билан курашимиз. –Т.: Ўзбекистон, 1999. Т. 7. –Б. 203.

⁷⁷ Ўша жойда. –Б. 203.

⁷⁸ Юнусова Олия. Марказий Осиё динлараро мулоқотнинг замонавий муаммолари. //Ж. Ижтимоий фикр: инсон ҳуқуқлари. –Т.: 2002. № 4. –Б. 58..

республикамиздаги мавжуд бошқа конфессияларнинг ҳам ривожланишига доимо эътибор қаратиб келмоқда.

Мамлакатимизда ижтимоий-сиёсий барқарорликнинг маънавий замини бўлган диний бағрикенгликни тўлиқ таъминлашга йўл очилганлиги ва қонуний кафолатланганлиги юқорида келтирилган далиллардан яққол кўринади. Мамлакатимиз фуқаролари миллий маънавиятини шакллантиришнинг барча объектив ва субъектив омиллар қатори диний қадриятларнинг таъсири каттадир. Хулоса шуки,

1. Агар инсон тарбиясида диннинг эзгулик хусусиятлари асос қилиб олинмаса, дунёқараши шаклланаётган ёш авлод онгига ғаразли диний ғоялар киришга имкон қолади.

2. Халқимизнинг менталитетига хос бўлган миллийлик ва миллий қадриятлар билан исломий қадриятлар уйғунлашиб кетишига эришилса ёшлар тарбиясига, турли норасмий диний оқимларга берилишига йўл қўймайди. Аксинча, бундай ёшларда ватанига ва халқига муҳаббат ҳисси кучая боради.

3. Ёшларни қомил инсон бўлиб етишиб чиқиши учун улкан маданий-маърифий ишлар амалга оширилиши, маънавий меросдан ҳамда исломий қадриятлардан ҳам оқилона фойдаланиш беқиёсдир.

ХУЛОСА

Мазкур магистрлик диссертациясида биз “Жамият маънавий юксалишида ислом қадриятларининг ўрни” масаласини тадқиқот мавзуи қилиб олдик. Бу мавзу ҳақида илмий-тадқиқот ишларини олиб борган олимларнинг диссертациялари, монография ва рисоалари, мақолалари билан танишиб чиқиб ўз фикр-мулоҳазаларимизни уларга қўшган ҳолда тадқиқот ишини амалга оширдик. Бу жараёни тадқиқ қилиш Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислом Каримовнинг асарларидан асосий назарий-методологик асос сифатида фойдаландик. Диссертация баён этилган фикрлардан қуйидаги хулосаларга келиш мумкин:

1. Ўзбекистон мустақилликка эришгач, барча иқтисодий-ижтимоий, сиёсий, маънавий-маданий ислохотлар қатори эътиқод ва виждон эркинлиги масаласига алоҳида эътибор бериб, давлат, дин ва диний ташкилотлар ўртасида адолатли муносабат ўрнатилди;

2. Шу йиллар мабойнида аجدодларимиз қолдирган бой ва бетакрор маънавий-маданий меросларни тиклаш давлат сиёсати даражасига кўтарилди. Бу борада ислом дини ва унинг қадриятларини тиклаш ҳамда улардан жамият маънавий маданиятини шакллантиришда оқилона фойдаланиш имконияти яратилди;

3. Мустақиллик шароитида миллий хавфсизликка таҳдид солаётган турли сиёсий кучлар, диний ҳаракатлар айниқса, диннинг бунёдкорлик мазмунини бузиб, ўз ғаразли ниятлари йўлида фойдаланишга уринаётган кимсалар, фаолиятининг асоссизлиги диссертацияда илмий таҳлил қилинади;

4. XX асрнинг охириги чораги XXI асрнинг ҳозирги шароитида жаҳон халқлари ҳаётида глобаллашув, интеграциялашув муаммолари юзага кела бошладики, бу жараённинг бир йўналиши миллатлараро ва динлараро муносабатларда бўлиб, кўпгина мамлакатларда диний бағрикенгликни таъминлаш орқали жамият тараққиётида ижтимоий-сиёсий барқарорликни шакллантириш зарурияти туғилади;

5. Диний бағрикенгликка асосланган онгни барча жаҳон халқларида, уларнинг миллати, ирқи, тили, дини, маданиятидан қатъий назар, шакллантириш виждон эркинлигини умумжаҳон миқёсида ҳал этиш билан боғлиқдир. Шу боисдан, Бирлашган Миллатлар Ташкилоти Низомининг «Инсон ҳуқуқлари умумжаҳон декларацияси», «Фуқаролик ва сиёсий ҳуқуқлар тўғрисидаги халқаро пакт» «Дин ёки эътиқодлар замиридаги муросасизлик ва камситишнинг барча шакллари бартараф этиш тўғрисидаги декларация» ва бошқа бандларида ўз ифодасини топган. Масалан, инсон ҳуқуқлари умумжаҳон Декларациясида «Ҳар бир инсон фикр, виждон ва дин эркинлиги ҳуқуқига эга» (18-модда). «Ҳар бир инсон жамият олдида бурчлидир, фақат шу ҳолатдагина, унинг шахси эркин ва тўлиқ камол топиши мумкин» (22-модда) деган ғоялар диссертацияда ўз аксини топган.

6. Ўзбекистонда дин ва эътиқод эркинлигининг тўлиқ таъминланиши ва унинг конституцион кафолатланиши мамлакатда ижтимоий-сиёсий барқарорликни таъминлашда мавжуд динларнинг ўрни ва ролини ошиб боришига маънавий замин яратади.

ФЙДАЛАНИЛГАН АДАБИЁТЛАР РЎХАТИ:

I. РАСМИЙ ҲУЖЖАТЛАР ВА И.А.КАРИМОВ АСАРЛАРИ:

1. Ўзбекистон Республикасининг Конституцияси. Т.: Ўзбекистон, 2012.
2. Ўзбекистон Республикасининг “Таълим тўғрисида”ги қонуни. 1997 йил 29 август.
3. Ўзбекистон Республикаси Кадрлар тайёрлаш миллий дастури. 1997 йил 29 август.
4. “Виждон эркинлиги ва диний ташкилотлар тўғрисида”ги Ўзбекистон Республикасининг қонуни. (янги таҳрир) –Т.: Адолат, 1998. 32 б.
5. Каримов И.А. Бозор муносабатлари ва маънавият. 12-чақирик Ўзбекистон Республикаси Олий Кенгашининг 1-сессиясида 1992 йил 2 июлда сўзлаган нутқ. “Истиқлол ва маънавият”. Тўплам. -Б. 13.
6. Каримов И.А. “Истиқлол ва маънавият” -Т.: “Ўзбекистон”, 1994, -Б 15.
7. Каримов И.А. Ўзбекистоннинг сиёсий-ижтимоий ва иқтисодий истиқболининг асосий тамойиллари. –Т. Ўзбекистон, 1995. –Б. 54.
8. Каримов И.А. Томли асарлари 1-20 жилдлар. -Т.: Ўзбекистон, 1996-2012.
9. Каримов И.А. Ўзбекистон ХХI аср бўсағасида: хавфсизликка тақдид, барқарорлик шартлари ва тараққиёт кафолатлари. -Т.: Ўзбекистон, 1997. 326 б.
10. Каримов И.А. Имом ал-Бухорий ёдгорлик мажмуининг очилишига бағишланган маросимда 1998 й. 23 октябрда сўзлаган нутқи. “Ўзбекистон овози” гезатаси. 1998. 24 октябр.
11. Каримов И.А. Туркий тилли давлатлар бошлиқларининг 5-учрашувида сўзланган нутқ. “Ўзбекистон овози” гезатаси. 1998. 11 июн.
12. Каримов И.А. Маънавий юксалиш йўлида. -Т., Ўзбекистон. 1998, -Б. 51.
13. Каримов И.А. Халқимиз жипслиги – тинчлик ва тараққиёт гарови. “Ўзбекистон овози” газетаси. 1998. 29 август. -Б. 7.

14. Каримов И.А. Оллоҳ қалбимизда, юрагимизда. -Т.: Ўзбекистон, 1999. 326.
15. Каримов И.А. Ўзбекистон XXI асрга интилмоқда. -Т.: Ўзбекистон, 1999. 48 б.
16. Каримов И.А. Ўзбекистон буюк келажак сари. -Т.: Ўзбекистон, 1999. 686 б.
17. Каримов И.А. Одам, унинг ҳукуки ва эркинликлари ҳамда манфаатлари энг олий қадрият. – Т.: Ўзбекистон, 2005. 48 б.
18. Каримов И.А. Юсак маънавият – енгилмас куч. -Т.: Маънавият. 2008.
19. Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислом Каримовнинг Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Қонунчилик палатаси ва Сенатининг қўшма мажлисида “Мамлакатимизда демократик ислохотларни янада чуқурлаштириш ва фуқаролик жамиятини ривожлантириш концепцияси” мавзусидаги маърузаси. 12 ноябр 2010 йил.
20. Каримов И.А. Ўзбекистон мустақилликка эришиш останасида. -Т.: Ўзбекистон. 2011.
21. Президент Ислом Каримовнинг Ўзбекистон Республикаси Конституцияси қабул қилинганининг 20 йиллигига бағишланган тантанали маросимидаги нутқи.
22. Президент Ислом Каримовнинг Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасидаги 2013 йил 19 январдаги маърузаси.

II. ҚЎЛЛАНМА ВА ДАРСЛИКЛАР:

1. Имом Исмоил Ал-Бухорий. “Ал-адаб ал-муфрад” (Адаб дурдоналари) -Т., “Ўзбекистон”, 1990, -Б. 8-9.
2. Аз-Замахшарий. Нозик иборалар шарқ улуғлари сериясидан -Т., “Камалак” 1992 йил.
3. Носируддин бурхониддин Рабғузий. “Қиссаи рабғузий” -Т., Ёзувчи 1990 йил

4. Шермухаммедов С. Миллий маънавиятимизнинг бир-бирини бойитиши хақида. -Т.: «Фан», 1991 й.
5. Абу исо Термизий “Саҳихи Термизий” (Танланган ҳадислар) -Т.: Г.Гулом, 1993.
6. Хўжамуродов И. Ислоҳ, миллийлик, қадрият. –Т.: Фан, 1993. 150 б.
7. Кароматов Ҳамидулла. “Қуръон ва ўзбек адабиёти” -Т., 1993 йил, -Б. 6.
8. Худойбердиев И. Ислоҳ, шахс ва миллий психология. -Т.: Ўзбекистон, 1994, -Б. 56.
9. Жалолов А. Ўзбекистон: мустақиллик, маънавият, мафкура. -Т.: Ўзбекистон, 1994.
10. Иброҳимов А., Султонов Х., Жўраев Н. Ватан туйғуси. –Т.: Ўзбекистон. 1996 й.
11. Комилов Н.. Тасаввуф. Биринчи китоб.- Т.: Ёзувчи: 1996 й.
12. Иброҳимов А., Султонов Х., Жўраев Н. Ватан туйғуси. –Т.: Ўзбекистон. 1996 й. -Б. 55.
13. Комилов Н. Тасаввуф ёки комил инсон ахлоқи. –Т.: Ёзувчи 1996. 3-б.
14. Имомназаров М. Миллий маънавиятимизнинг такомил босқичлари. - Т.: “Шарқ” нашриёт-матбаа концернининг бош таҳририяти, 1996, 9-бет.
15. Маънавият юлдузлари. Тўплам. –Т.: Фан. 1998. -Б. 9.
16. Ўзбекистон мусулмонлари идораси. Ўзбекистон мусулмонларига мурожаатнома. “Ўзбекистон овози” газетаси. 1999 йил 18 феврал. -Б. 16.
17. Юсупов Э. Ислоҳий қадриятлар ва диний экстремизм. –Т.: Тўқимачилик институти нашриёти. 1999. -Б. 10.
18. Жалилов Ш. Маҳалла: ўзини ўзи бошқариш органларининг ҳуқуқий кафолати (қонунчилик ва меъёрий ҳужжатлар тўплами) - Т., 1999, Б.213.
19. Диний қадриятлар миллий тараққиёт хизматида. Мустақилликнинг етти наврўзи истиқлолнинг ойдин йўли. –Т.: Шарқ 1999. 102 б.
20. Тожиёв Х., Миллий мафкуранинг назарий ва методологик асослари. - Т.: Меҳнат, 1999 й.

21. Турсунов Абдулхайхожи. Ибодат лаззати – тинчлик. “Ўзбекистон овози” газетаси. 1999 йил 11 март.
22. Эркаев А. Маънавият - миллат нишони. - 2-тўлдирилган нашри. –Т.: Маънавият, 1999.
23. Юсупов Э. Исломий кадриятлар ва диний экстремизм. –Т.: Тўқимачилик институти нашриёти. 1999.
24. Ўзбекистон Миллий Энциклопедияси «Ўзбекистон миллий энциклопедияси» Давлат илмий нашриёти. -Т.: 2000.
25. Мустақиллик. Изоҳли илмий- оммабоп луғат.-Т.: Шарқ, 2000.
26. М.М.Хайруллаев, Ҳ.Аликулов таҳрири остида. Ислом, тарих ва маънавият. –Т.: А.Қодирий номидаги халқ мероси нашриёти. 2000. 112 б.
27. Мустақиллик. Изоҳли илмий- оммабоп луғат.-Т.: Шарқ, 2000 й.
28. М.Мухаммад Дўст, О.Мусурмонова, Т.Рисқиев ва бошқалар. Соғлом авод – бизнинг келажагимиз. –Т.: Абу Али Ибн Сино номидаги тиббиёт нашриёти. 2000 й.
29. Ражабова М. Диний экстремизм ва террорчилик. –Т.: Янги аср авлоди, 2000. 163 б.
30. Диний экстремизм ва фундаментализм: тарихи, моҳияти ва бугунги ҳавфи. –Т.: Ғ.Ғулом номидаги адабий ва санъат нашриёти., 2000. 95 б.
31. “Халқ сўзи.” 2000. 10 июн, -Б.2.
32. Миллий истиқлол ғояси: Асосий тушунча ва тамойиллар. -Т.: Ўзбекистон, 2000, -Б.60.
33. Жўраев Н. Файзуллаев Т. Мустақил Ўзбекистон тарихи. (3-китоб). –Т., Шарқ. 2000. Б.411.
34. Мустақил Ўзбекистон тарихи. -Т.. Шарқ, 2000, Б.409.
35. Ўзбекистон тарихи. “Шарқ” нашриёт-матбаа концерни бош таҳририяти. -Т., 2000, Б.409.
36. Ўзбекистоннинг янги тарихи. (3-китоб) -Т., Шарқ 2000, Б.411.
37. Хусниддинов Зухридин. Ислом йўналишлар, мазҳаблар, оқимлар. –Т.: Моварауннаҳр. 2000. –Б. 51-52.

38. Авесто. Тарихий адабий ёдгорлик. Асқар Маҳкам таржимаси. –Т.: Шарқ 2001. 383 б.
39. Хўжамуродов И.Р., Саъдуллаев Н.Э. Маънавий баркамоллик – зийнатдир. –Т.: Меҳнат, 2001. 196 б.
40. Маҳмудов Т. Мустақиллик ва маънавият.-Т.: Шарқ, 2001.
41. Миллий истиқлол ғояси: асосий тушунчалар, тамойиллар ва атамалар (қисқача изоҳли тажрибавий луғат). //Назаров С. таҳрири остида. Т.: Янги аср авлоди, 2002 й.
- 42.Жакбаров М. Комил инсон ғояси. – Т.: Ўзбекистон файласуфлари миллий жамияти. 2002.
43. Абдулҳаким Шаръий Жузжоний. Ислом ҳуқуқшунослиги, Ҳанафий мазхаби ва Ўрта Осиё фикҳлари. –Т.: Тошкент ислом университети., 2002. 256 б.
- 44.Юнусова Олия. Марказий Осиё динлараро мулоқотнинг замонавий муаммолари. //Ж. Ижтимоий фикр: инсон ҳуқуқлари. –Т.: 2002. № 4. –Б. 58..
45. Фалсафа. Қомусий луғат. –Т.: Шарқ, 2004.
46. Назаров Қ. Қадриятлар фалсафси. –Т.: ЎФМЖ, 2004. 196 б.
47. Мунавваров Ш. Абдулҳасан Н. Ислом маърифати. –Т.: Тошкент ислом университети, 2005. 100 б.
48. Тиллаева Г. Маънавият ва комил инсон тарбияси. –Т.: Фалсафа ва ҳуқуқ, 2006. 51 б.
49. Ҳусниддинов З. Ўзбекистонда диний бағрикенглик. –Т.: Тошкент ислом университети, 2006. 162 б.
50. Абдуҳаким Шаръий Жузжоний. Диний экстремизмнинг тарихий илдизлари ва кўринишлари. /Ж. Илмий таҳлилий ахборот.. ТИУ нашриёти – матбаа бирлашмаси. –Т.: 2006. 1-сон. –Б. 45-53.
51. А.Сотлиқов, О.Абдуллаев. Бирдамлик ва бағрикенгликнинг тарихий илдизлари. // Ж. Илм сарчашмалари. УрДУ нашриёти, 2007. –№2. –Б. 14-16.
52. Диний бағрикенглик ва мутаассиблик. –Т.: Тошкент ислом университети. 2007. 126 б.

53. А.Сотлиқов, О.Абдуллаев. Бирдамлик ва бағрикенгликнинг тарихий илдизлари. // Ж. Илм сарчашмалари. УрДУ нашриёти, 2007. –№ 2.

54. Бағрикенглик – барқарорлик ва тараққиёт омили. А.Очилдиев таҳрири остида. –Т.: Тошкент ислом университети. 2007. 124 б.

55. Ў.Бобоёров, Ф.Холсаидов, Ф.Хасанова. Маънавият – қалб қуёши. –Т.: Ўқитувчи 2008.

56. Хўжамуродов И.Р. Бағрикенглик: давлат ва дин. –Т.: ТошДАУ, 2008. 68 б.

57. Маънавият асосий тушунчалар изохли луғати. – Т.: Ғофур Ғулом номидаги нашриёт-матбаа ижодий уйи. 2009.

58. Бекмуратов А., Ғафуров У., Мустафақулов Ш., Каттаев Н. Бу муқаддас ватанда азиздир инсон. – Т.: Ғофур Ғулом. 2010.

59. Абдусамедов А., Хўжаев М., Юсубов Ж., Жалилов Б., Суюнов Б., Омонова М., Азимова З., Алимова Г.. Мустақкам оила маънавияти. –Т.: Сано-стандарт. 2012.

III. НОМЗОДЛИК ВА ДОКТОРЛИК ДИССЕРТАЦИЯЛАРИ:

1. Каримова Муяссархон Абдукамолевна “Ўзбекистонда хотин-қизларни ижтимоий муҳофазалашда исломий қадриятларнинг ўрни” –Т.: ЎзМУ 2008. 142 бет.

2. Мусоева Нодира Махмудовна “Исломнинг маънавий-ахлоқий фазилатларини шаклланишида ҳадисларнинг роли” –Т.: ЎзМУ. 2001.

3. Маматов Махмут “Қишлоқ ёшларининг маънавиятини шакллантириш, унга маънавий ва диний қадриятларнинг таъсири” ф.ф.номз. –Т.: 1998.

4. Маркаев Зокир Эшқулович “Мустақиллик шароитида ўзбек халқининг маънавий маданияти ва унинг тараққиётига исломнинг таъсири” –Т.: ТошДАУ 2000.

5. Ортиқова Дилбар Ортиқовна “Исломнинг хотин-қизлар муносабатидаги реал ва мавхум ахлоқий қадриятлари” ф.ф.номз., -Т.: Ал-Беруний номидаги ТДТУ 1993. 170 бет.

6. Примова Фотима Абдурахмоновна “Оилавий муносабатларни шаклланишида маънавий ва диний қадриятларининг тутган ўрни” ф.ф.номз., -Т.: ТошДУ 1999. 133 бет.

7. Тожибоев Музаффар Турдибоевич “Ўзбекистон мустақиллиги шароитида маънавий қадриятларнинг тикланиши ва ривожланиши” –Т.: АнДУ 2001.

8. Хўжамуродов Иброҳим Рўзиевич “Ўзбек халқи миллий (этник) ўз-ўзини англашнинг шаклланиши муаммолари ва унга исломнинг таъсири” –Т.: ТошДУ 1994. 358 бет.

9. Худойбердиев Исматулло Эгамбердиевич “Ислом ва ўзбек халқининг миллий онги ҳамда психологиясининг шаклланиши” –Т.: ТошДУ 1997. 301 бет.

10. Яқубов Юсуф Мингишевич “Ислом таълимотида шахс ва жамият муносабатлари масаласи” –Т.: ТошДАУ 2008. 150 бет.

11. Қараматов Ғайрат Саъдуллаевич “Ислом фундаментализми ва унинг ижтимоий-сиёсий моҳияти” ф.ф.номз. –Т.: 1999. 136 бет.

IV. ИНТЕРНЕТДАГИ САЙТЛАР:

1. www.gov.uz
2. www.google.uz
3. www.ziyonet.uz